

МИРЗА ҚАЙНАРОВ


ДҮСТ ДИЙДОРИ

Шеърлар,  
газаллар,  
мухаммаслар,  
достон

ТОШКЕНТ

р Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Уз 2  
К 17



Қайнаров М.

Дўст дийдори: Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, дастон.—Т.: F. Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашр., 1999.—200 б.

Ижоднинг машаққатидан ҳайиқмаган, шеърият сирларини эринмай ўрганган шоир, қачон бўлмасин, ўзи яратган асарларидан завқ-сурур олиши табиий. Мирза Қайнаров ҳам мисралари нечоғ пишиқ, ниятлари холис ва самимий, айтмоқчи бўлган фикрлари оҳорли бўлмасин, машқларини чоп этишга, китобларига дастхат ёзib гурурланишга шошилмади. Мана, бугун у дўстлар билан дийдорлашув пайти этиб келди, деб ўйлади шекилли, қалбида асраб юрган сўз ганхарларидан тузилган шеърлар тўпламини инъом этмоқда...

K 4702620202-5  
M 352 (04)-99 қатъий буюртма, 99 й.

ISBN 5-635-01721-6

© Мирза Қайнаров, Ғаф  
Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрия  
1999 й.

*Инсоннинг тилаги баҳт-саодатдир,  
Саодат қалити илму ҳикматдир.  
Беш буюк ибодат фарз бўлмииш, аммо,  
Энг улуғ ибодат ҳалол меҳнатдир.*

## УМР

Умр — саңәд домидан қочаётган охунинг соясинда олинган бир нафас ором эмиш.  
Елдирим вақт тулпорин сағрисинда тик туриб ғаму шодлик аралаш сипқарилган жом эмиш.  
Иўқ, у — шу қадар улкан, маҳобатли даврким,  
дунёни бузиб яна қайтадан тузиш мумкин.  
Лаҳзада бўғизгача гуноҳ лойига ботиб,  
ё элнинг бир асрлик қарзини узиш мумкин.  
У — кимгадир ширин туш, кимгадир азоб эрур,  
шу чақиндай вақт аро нечалар кезар сарсон.  
Кимгадир бутун бахту кимгадир сароб эрур,  
кимларгадир — ўткинчи, кимларгадир — жовидон.  
Умр — потекис йўлдир, гоҳ муз каби сирпанчиқ,  
то сўнггига етгуича кўплар тойиб кетади.  
Ундан бирор эмзклаб, бирор эса букилиб,  
бирор ёруғ юз билан тик ва мағрур ўтади.  
Бирор дениз тагидан жавоҳир излар мудом,  
бирор улкан, муҳташам бино қуриб кетаркан.  
Бирор ўтар кийгани, егаи-ичгани ҳаром,  
бирор шўр манглайига уриб-уриб кетаркан.  
Дўстим, умр — ўткинчи, сен унинг ҳар лаҳзасин  
абадият тошига меҳр билан михлаб кет.  
Вакт фарроши супуриб ташлар бўлса изларинг,  
бу дунёга келмабман, дея йиғлаб-йиғлаб кет.  
Умр — саңәд домидан қочаётган охунинг соясинда өлинган бир нафас ором эмиш...

## **ҲАЛОЛЛИК**

Одам пайдо бўлган қутлуғ дам ҳалол,  
Лафзида тургувчи мард одам ҳалол.  
Ҳалолдир Ватанинг зарра туфроги,  
Дарёси, депгизи, ойдин булоги.

Онанинг оқ сутн, болалар коми,  
Ошиқларнинг қайноқ бўсаси ҳалол.  
Содиқ дўст инъоми, устоуз қаломи,  
Юлдузларнинг майин шуъласи ҳалол.

Ва лекин гоҳида қўйнар саволлар,  
Ҳалолмикан еган бурда нонимиз?  
Ҳаромдан бир умр қилдикми ҳазар,  
Таъмадин йироқми дастурхонимиз?

Саволлар зарбидан оромим унут,  
Ишимиз бирмикан сўзимиз билан?  
Виждан кўчасини босмаганини ўт,  
Иймон биргамикан ўзимиз билан?

Дўстлар, ўзингизни айланг имтиҳон,  
Айтинг қанча ҳалол умр кўрдигиз?  
Ҳалол билан ҳаром жанг қиласр мудом,  
Қай бирин пойига болта урдингиз?

Ҳалоллик йўлида айланг жон фидо,  
Сиз, эй қутлуғ дамда туғилган ИНСОН!  
Мукаммал бўлмагай бу кемтик дунё  
ҲАЛОЛЛИК бўлмаса ҲОКИМИ ЗАМОН!

## ОЧИЛМАГАН ҚУРИҚ

Яхшилар күпмикан ёки ёмонлар?  
Албатта ёмонлар — жаврайди нодон.  
Ёмонлар күп бўлса бу қутлуғ замин —  
Бўларди қабоҳат қайнаган қозон.

Яхшилар күпмикан ёки ёмонлар?  
Албатта яхшилар дерсиз бегумон.  
Яхшилар күп бўлса нечун бу ҳаёт  
Эзгулик нурига гарқ эмас ҳамон?

Яхшилар күпмикан ёки ёмонлар?  
Улар баробардир, дерсиз, албатта.  
Лекин кўрганимисиз ҳеч вақт турганин —  
Тарозу палласи мувозанатда.

Инсон ёнгоқ эмас, сарак-пучакка  
Ажратмоқ мушкулдир, мушкул жуда ҳам  
У ҳаёт аталмиш чакалакзорда  
Қоқилиб, адашиб кезар дамодам.

Ер қобигин йиртиб чексиз осмонга  
Мардана отилди ўтиорак инсон.  
Ва лек ўз қобигин йиртиб чиқолмай  
Умр сўқмоғида кезади сарсон.

Ҳар бир инсон ўзи бутун бир олам,  
Ҳар бир одам ўзи чексиз бир жаҳон.  
Неча минг йил ўзин ўрганди, аммо  
Ҳануз очилмаган қўриқдир ИНСОН!

## ДЕҲҚОНГА ҚАСИДА

Қуёш кесмоққа ожиз ҳали қиши қиличини,  
Далаларда изгирин Ҳут шамоли елади.  
Қалдироқ бузганий йўқ ҳали осмон тинчини,  
Узоқ жануб юртлардан кўклам ҳиди келади.  
Ҳали уйғонганий йўқ дов-дараҳтлар куртаги,  
Ҳали ширин уйқуда ғунчалар мисли гўдак,  
Ҳали тугаганий йўқ момоларнинг эртаги,  
Ҳеч ким кезмас далада деҳқон бободан бўлак.  
Қафтида увоқланар нам тортган хушбўй тупроқ,  
Беҳудуд дала-тузда кезар ўйчан нигоҳи.  
Ҳаёлида: олтин куз, хирмон қад кўтарган чоғ,  
Азим чинор серташвиш ҳаётининг гувоҳи.  
Башарни кийинтириб, тўйинтирмок захматин  
Олмиш ўз гарданига меҳрибон ота мисол.  
Таърифламоқ не ҳожат бободеҳқон қудратин,  
Унинг хизматин қилса Қуёш, дарё ва шамол.  
Уват узра бош қўйиб бир соат мизгиса бас,  
Бир тун уйқу ҳиссаси шунинг билан тўлади.  
Езу куз, баҳор чоғи уйида кечлаган кас  
Кўксин кериб, деҳқонман, демаса ҳам бўлади.  
Олимлик даъвоси йўқ, илм қадрин билади,  
Лек наzdимда у буюк олими набототдир.  
Таъзим, тавозе унга кўп эриш туюлади,  
Экканга раҳмат, сўзи энг олий мукофотдир.  
Унинг улкан ижоди эзур пахта ва буғдой,  
Упининг қадоқ қўлида тирикликининг меҳвари.  
Кўҳна замин юзига у-ку бахш этган чирой,  
Ундан ризқ кутар одам, қушу чумоли бари.  
Вақт бўйсунмаса-да одамзотга абадий,

Фасллар бободеңқон изми Силан юрибда.  
Қаттиққұл отасидан рухсат сұраган каби  
Баҳор аста ийманиб әшик қоқиб турибди.  
Бободеңқон, қалбиннга тұлдиріб сурур, ғулув  
Әшик қоқаётган шу баҳорнинг қутлуғ бўлсин.  
Юракда ҳурмат сақлаб, өзгу тилагим ушбу:  
Кузда хирмоннинг баланд ҳам юзиниг ёруғ бўлсин!

1980

## БАҲОРНИ СОҒИНИБДИ

Кўлларда сузар оққув — баҳорни соғинибди,  
Тоғларда кезар оҳу — баҳорни соғинибди,  
Боғларда кезар гулрӯй — баҳорни соғинибди,  
Кимки ишқа рӯбарӯй — баҳорни соғинибди.

Муғаний созин чалиб, меҳнат куйин бошлади,  
Деҳқон умид уруғин ер бағрига ташлади.  
Кўкдаги абри найсон кўзларини ёшлади,  
Булутлар сепар инжу — баҳорни соғинибди.

Ёш дилларга завқ бериб осмонда сузар варрак,  
Қирқ қулоқ қозонларда буғ таратар сумалак,  
Уфқдан уфқечча товланади камалак,  
Гоҳ Қуёш сочар ёғду — баҳорни соғинибди.

Оппоқ тонглар қўйнида чечаклар уйғониши,  
Тиниқ булоқ сувига жайронларнинг қониши,  
Қишдан чиққан чўлиқнинг сурур тўла хониши,  
Дилда уйғотар туйғу — баҳорни соғинибди.

Нақадар сўлим, дилбар эрур наврўзи олам,  
Дўстлар дийдор кўришар навбаҳорда бўлиб жам,  
Мен ёр васлин соғинсам, баҳорни қўмсар санам,  
Мени зор этган бадҳў баҳорни соғинибди!

1981

## ОҚ ҚУШИҚ, ОППОҚ ҚУШИҚ

Бир қўшиқ яралмоқда юртимиз туфрогида,  
Ҳаёт каби сермазмун, тоғлар каби сарбаланд.  
Ҳар сатри жилоланаар кузнинг зарварагида,  
Ҳар банди оқ нур билан ою қуёшга пайванд.  
Сиёхини Зарафшон, Сир, Аму яхобидан  
Чилланинг аёзига тўнгиб тайёрлар дехқон.  
Улкамиз узра Ҳамал қадам қўйган чоғидан  
Ёзишга киришади мөҳнаткаш Ўзбекистон.  
Бу қўшиқ замирида саратон ҳарорати,  
Ортга сурилган висол, олинмаган бўсалар.  
Не-не азиз жонларнинг йўқолган ҳаловати,  
Тузалмаган дастурхон, ичилмаган бўзалар.  
Бепоёп дала-тузлар унга оқ саҳифадир,  
Ҳар саҳфада минг йиллик тарихимиз баёни.  
Ишчи, дехқон, талаба, аҳли қишлоғу шаҳар,  
Терим пайти барчанинг пахтазорда макони.  
Не машаққатлар билан ёзишлар бу оқ қўшиқ,  
Бармоқлар тарс ёрилиб қон томчилашлари бор.  
Унинг бир саҳифасин ёзиб битгунча тўлиқ  
Ёмириу дўл, қор ила кўк қамчилашлари бор.  
Пахтангни қўшиқ дедим, ота юрт Ўзбекистон,  
Жаҳонга довруқ соглан қўшиғинг янгроқ бўлсин  
Тинчлик бўлса тошда гул ундиrolгувчи халқим,  
Пахтангни ҳар толаси тинчликка байроқ бўлсин!

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Колумбда бор аламим маним...  
Абдулла Орилов

Қиндик қоним томган қутлуғ маконим,  
Қамалак мисоли рангин жаҳоним,  
Эрк учун курашда тўкилган қоним,  
Асрлар қаърида қотган армоним,  
Юраклар тубинда ётган исёним,  
Ўзбекистоним.

Суронли кечмишнинг баланд-постида,  
Не зотлар от сурмиш юртим қасдида,  
Огир жароҳатлар бўйи бастида,  
Бир қўл ўроқ— бир қўл қилич дастида —  
Менинг аждодларим, олис карвоним,  
Ўзбекистоним.

Фаробийга устоз бўлган эл — бу эл,  
Оlamни олимдай билган эл — бу эл,  
Осмони юлдузга тўлган эл — бу эл,  
Оқибат толеи кулган эл — бу эл,  
Улугбек маскани — кавқабистоним,  
Ўзбекистоним.

Тарих саҳфасида Темуршилг номи,  
Унга толе бермиш тақдир қалами,  
Жаҳонни титратмиш қиличин дами,  
Кимнингдир менда ҳам бордир алами,  
Жаҳонни титратган соҳибқироним,  
Ўзбекистоним.

Севишганлар кезар чаманзорида,  
Юзлаб шоир ётур ҳар мазорида,  
Фақат эзгуликдир қасбу корида,  
Эл ғамин ўйлайди шеър — ашъорида,  
Навоий жамлаган суюк достоним,  
Ўзбекистоним.

Эл қалбида буюк инсонлар қолди,  
Метиндай мустаҳкам иймонлар қолди,  
Тошлар чўкиб кетди, уммонлар қолди,  
Ўлдирганилар ўлди, Чўлпонлар қолди,  
Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмоним,  
Ўзбекистоним.

Она юртим — сўлим боғлар маскани,  
Водийлар, дарёлар, тоглар маскани,  
Иши ҳалол, кўнгли оқлар маскани,  
Дўстлар билан вақти чоғлар маскани,  
Дўстларга қопқаси очиқ қўргоним,  
Ўзбекистоним.

Инсон бахти барҳақ она-Ер билан,  
Ўрмон салобати йўлбарс, шер билан,  
Ватан озодлиги ботир эр билан,  
Юртнинг ободлиги меҳнат, тер билан,  
Меҳнат-ла яралган гўзал бўстоним,  
Ўзбекистоним.

Пахтани таърифлаб бисёр ёздилар,  
Шу она туфроққа минг бор ёздилар,  
Гоҳи хумморм, гоҳи озор ёздилар,  
Тавсифин ўчириб такрор ёздилар,  
Тавсифга сиғмаган танти деҳқоним,  
Ўзбекистоним.

## ОНА ЮРТИМ

Ҳар инсоннинг дил дафтарида  
Үз юртига айтар сўзи бор.  
Мен ҳам бу кун сени шарафлаб  
ашъор битдим, эй, она диёр.

Аждодларим сасин эшитдим  
Бойсун, Вовуш дараларида.  
Асрларнинг дарди қон бўлиб —  
силикб оқди яраларингдан.

Илм йўлида фидо этдинг жон,  
сенда кўрдим буюк бардошни.  
Ғов бўлмаса агар жаҳолат  
забт этардинг балки Қуёшни.

Бағринг шунча тормиди, юртим,  
даҳоларинг сигмади нечун?!  
Фурбат аро битди «Ал-жабр»,  
қувгинликда ёзди «Ал-қонун!»

Алишернинг шеърий фарёди  
кор қилмади чарх кажрафторга.  
Ҳақ сўзини айтган Машрабни  
замонаси остирди дорга!

Авроранинг садоси боис  
титраганда замину замон,  
Сўкилдию зулмат лардаси,  
бошинг узра ёришди осмон.

Чўзилмади қувончинг узоқ,  
маккор экан ниқобли душман.  
Бўйнингдаги занжирни олиб,  
оёғингга солдилар кишан.

Қора кунлар қорайди баттар  
Қодирийга узилганди ўқ!  
«Кишан кийма...» дейдиган энди  
мард Чўлпоннинг, Усмонларинг йўқ!!

Русияни босгандага фашист  
вазмин тортиб, катта бўлдинг сен.  
Гўдакларни олиб бағрингга  
етимларга ота бўлдинг сен...

Чанглар ютиб қўриқлар очдинг,  
мехринг чўлга сочилиб кетди.  
Дашт ўрида водийни кўриб  
баҳри дилинг очилиб кетди...

Оқ пахта деб чеккан захматинг  
жо бўлмагай минг бир китобга.  
Шу мунавар оқлик туфайли  
ботиб қолгин энди савобга...

Боғларингда агадий баҳор,  
тоғларингдан мудом қор кетмас.  
Таърифингга қаламнинг кучи  
ҳеч етмаган, етмади, етмас!

1974

## ҮҚИТУВЧИМ МЕНИНГ

Эй, инсон идрокин чархлагувчи зот,  
Эй, маърифат боғин гуллатган зако,  
Сиз билан мунаввар бу ширин ҳаёт,  
Сиз билан оболдир бу кўҳна дунё.  
Ўқитувчим менинг — анварим менинг,  
Ҳаёт йўлларида сарварим менинг.

Заҳматингиз кўпу роҳатингиз кам,  
Шуҳрат қутқусидан қалбингиз омон.  
Наздимда касбингиз ичра касблар жам,  
Бўйла оқ нур ичра камалак динҳон.  
Ўқитувчим менинг — оқ нурим менинг,  
Шарафим, шавкатим, гурурим менинг.

Меҳр нурин сочар мурғак дилларга  
Мусаффо қалбингиз орзуга тўлиб,  
Не тонг жаҳон кезиб юрса тилларда  
Фасиқиддин Соҳиб — Навоий бўлиб.  
Ўқитувчим — суюк устозим менинг,  
Гоҳ майин, гоҳ жўшқин овозим менинг.

Устоз жабри афзал ота меҳридан,  
Инсон англаб етган буюк ҳақиқат.  
Гул ва тикан унса Қуёш нуридан,  
Сизнинг меҳрингиздан гул унар фақат.  
Ўқитувчим — эзгу оламим менинг,  
Сизга эҳтиромим, саломим менинг!

## ОНА ТИЛИМ

Қамалак мисоли рангин даҳрим сен,  
Гоҳи сокин, гоҳи жӯшқин наҳрим сен  
Ёвга заҳрим, дўстга шаҳду шаккарим,  
Жавоҳирга тўла шафғоф баҳрим сен.

Улуғ устоз чекиб қанча ранж, алам,  
Ўзбек элин айладилар яққалам.  
Бино қурди сенда улкан, муҳташам,  
Навоий меъморлик қилган шаҳрим сен.

Ҳар ерда шай ўткир, олмос яроғим,  
Мужгон бўлиб қўргаганим—қароғим,  
Зулмат ичра адашгаңда чароғим,  
Толиқсан қувватим, сабот, сабрим сен.

Менга сен онамдай азиҳ, муҳтарам,  
Сенда илк сўзимни тингламиш онам.  
Сенда пичирлагум сўнгги сўзим ҳам,  
Бешигимсан, сўнгги сўзим, қабрим сен.

## ГУНОҲЛАРИМ


Минбарни эгаллаб ҳайқирса ёлғон,  
Емонни яхши деб, яхшини ёмон,  
Оёқ ости бўлса муқаддас иймон,  
Менинг гуноҳларим ортади.

Бирор елкасида бирорлар юрса,  
Текинхўрлар хирмон бошида турса,  
Доно қолиб нодон тўрда ўтирса,  
Менинг гуноҳларим ортади.

Қоработир билан сайд этса Зухро,  
Ошиқлар қалбини тарк этса вафо,  
Паноҳсиз қолса гар шарм ила ҳаё,  
Менинг гуноҳларим ортади.

Дўстни дўст, оғани ини ёт билса,  
Нафс бўш қўйилиб, инсоф бўғилса,  
Эзгу никоҳидан ёвуза туғилса,  
Менинг гуноҳларим ортади.

Эй, она заминнинг фидойилари,  
Келажак уфқига туташ йўлингиз.  
Менинг гуноҳларим ортмасин яна,  
Унинг йўлларига тўсиқ бўлингиз!



## ҲАЁТДАГИ ҮРИНЛАР

Бу серташвиш ҳам серғулув ҳаёт сақнида  
Ўз ўрнингни тополгин, деб, тилак тилайсан.  
Қайдан излай, дўстим, ўша ўринни бу дам,  
Бути мен билмасман ва лек сен ҳам билмайсан.

Ҳаёт ахир меҳмонхона, ё сарой эмас,  
Таклиф қилмас ҳеч ким сени унинг тўрига.  
Унда жойлар белгиланиб қўйилмаган, бас,  
Чипталар қам сотилмайди ҳар бир ўринга.

Ўтирган кўп ўзгаларнинг ўрнида, ҳайҳот,  
Баъзиларга ўз ўрни ҳам келади малол.  
Вақт ҳакам, дер, то у ўрнинг аниқлагунча  
Ўша ўрин керак бўлмас сенга эҳтимол.

Бирорларнинг икки кўзи баланд тоғларда,  
Юқоридан пастда қолган ўрнин излайди.  
Баъзи одам, э воҳ, ҳатто қабристонда ҳам  
Ўз қабрига баландроқ бир жойни кўзлади.

Эй дўст, сен ҳам ўз ўрнингни изла ҳаётда,  
Топа олсанг яшайвергин шодумон, хуррам.  
Банд ўринни менини деб талашма фақат,  
Арши аъло, ё Сулаймон тахти бўлса ҳам!

## **БМТ АХБОРОТИГА РАДДИЯ**

Уч ярим миллиарддан ошди инсонлар,  
Аниқмикан? Дилни қоплайди гумон.  
Дейди, ишонавер, аниқ бу сонлар,  
Жаҳон маълумоти бўлмагай ёлғон...

Бирорлар виждонин, бирор номусин,  
Бирорлар юртини сотар дамодам.  
Инсон санайсизми юзсиз, иймонсиз,  
Она юртин сотган хоинларни ҳам.

Хатин, Хиросима, Сонгми даҳшати  
Замона аҳлидан сўрса шарҳини,  
Не жавоб қилурсиз, эй ҳисобдонлар,  
Одам санайсизми қотил аҳлини?

Жаҳон аҳли қанча, аниқ билмайман,  
Агар хато қилсан афа этинг бу дам.  
Ҳақиқий одамлар менинг наздимда  
Жаҳон ҳисобидан анчагина кам!

## **ХАЁТ ЭМАС У**

Дүнē ташвишларини елкангдан олмаса гар,  
Йұлларинг давомидан яңги йўл солмаса гар,  
Әңт сүнгти дай ортингдан зор һиглаб қолмаса гар,  
Фарзандим бор демагил, фарзанд әмас у.

Чақылар чақнамаса босган қадамларидан,  
Ұзин ўтга урмаса ҳижрон аламларидан,  
Оташ бўлиб қайтмаса шан висол дамларидан.  
Ошиғим бор демагил, ошиқ әмас у.

Юракдан қалқимаса әнг буюк орзулар ҳам,  
Симобдай балқимаса багри тош сулувлар ҳам,  
Сархуш бўлиб юрмаса тинглаган оҳулар ҳам,  
Қўшиғим бор демагил, қўшиқ әмас у.

Тенгдошлар қаторидан ўрин олиб кетмасанг,  
Бу кураш майдонидан мағрур, галиб кетмасанг,  
Минг-миниглаб юракларда мангу қолиб кетмасанг,  
Ҳаётим бор демагил, ҳаёт әмас у.

## ҚАҲРАМОНЛИК ҲАҚИДА

Амир Темур — Турон соҳибқирони,  
Егий тугин туфроқ айлаган Кубро.  
Эл кўнгли — мардларнинг мангу макони,  
Не-не жангу жадал кўрган бу дунё.

Мардлик китобига чекди саҳифа  
Тўмарис қалбидан кўчган аланга,  
Тарих саҳнасида Тўйчи Эрйигит —  
Тураг кўксин қалқон этиб Ватанга.

Широқ душманларни адаштирганда,  
Муқанна эрк дея бош кўтарган он.  
Собир Раҳим ёвни тутдай қирганда  
Мана қаҳрамонлик, дедилар, шоён.

Энди ўзгачадир мардлик шеваси,  
Ботирлик тавсифи ўзгадир бу дам.  
Қаҳрамон аталгай бугун ҳазқ сўзни  
Тап тортмай айтса ким подшоларга ҳам.

Ва лек бир нақл бор, ўзгармас мудом,  
Набийлардан мерос қолган бу калом:  
Асл қаҳрамондир — ҳар қайдা, ҳар дам  
Ўз нафсидан ғолиб келолган одам.

1996

## ЕНАӘТГАН ЧИНОР

Яшин тушиб ногоҳ ўт ичра қолди  
Баланд тепаликда улкан бир чинор.  
Долғали ҳаётга ўлим чаңг солди,  
Олов сүндиригичлар қолдилар noctor.

Күмірга айланди чайир танаси,  
Куйиб битди ҳатто илдизлари ҳам.  
Фақат бир илдизда ҳаёт нафаси,  
Фақат бир илдизни тарк этмади нам.

Чинор ҳам ҳаётдан узмади умид,  
Кичик бир илдиздан излади најжот.  
Шу илдиз туфайли қайта күкарди,  
Шу илдиз туфайли тикланди ҳаёт.

\* \* \*

Құдратли зилзила құзғаб галаён,  
Баҳайбат қояни құпориб отди.  
Қовун карчлагандай майдалаб тамом  
Денгизга итқитди, сурди, қулатди.

Тогда ҳам бор эди тоғдайин сабот,  
Евуз күч қошида қылмади таъзим.  
Бағрида янги тоғ айлади бунёд —  
Метиндай мустаҳкам, навқион, азим.

Энди зилзила гар айласа хуруж,  
Тоғни ағдаришга етмас уддаси.

Ҳаёт — бу шум ўлим ёнгилган уруш,  
Бахт — ҳаёт жангининг ғолиб нуқтаси.

\* \* \*

Лочиннинг кўксини чок этди пайкон,  
Бўйнига ташланди ўлим сиртмоғи.  
Кўк ичра томчилаб борар қизил қон,  
Қўрингандай бўлар умр адоги.

Ҳаёт барчага ҳам ширини, бетакрор,  
Лочин умри тугаб борар муқаррар.  
Тугаган ҳаётни сақламоқ душвор  
Қудратли ирода бўлмаса агар.

Лочин бор кучини йиғди дафъатан,  
Учди оби ҳаёт чашмаси томон.  
Умид ва ишончнинг тутиб баридан  
Ўлим чангалидан чиқолди омон.

Энг мушкул дамларда эсга оламан  
Бардошнинг уч буюк ифодасини.  
Енаётган чинор, қулаётган тоғ,  
Ўлаётган лочин иродасини!

## НАЖОТ ИСТАБ...

Тоғ ҳуснига ҳусн құшиб кезиб юрар оқулар,  
Табиатнинг ажыб дилбар, сұлым, әрка боласи.  
Тоғу ўрмон аро, үтлоқ әки сувлоқда улар  
Гоҳи сайёд нигоҳида нишон бўлар чорасиз.

Шиддат билан камон тортар сайёд илки бешафқат,  
Нажот истаб қочар оқу ажал ўқидан шу он.  
Яқинлашиб борар ўқ ва оқу ораси, фақат —  
Бирин эзгу ҳаёт истар, бирин эса қасди жон!

Туриб қолар кўкда Қуёш, сергакланар табиат,  
Яқинлашиб борар пайкон ила оқу ораси.  
Наҳотки ўқ чок айласа оқу кўксин бешафқат,  
Маҳв айласа наҳот она табиат ўз боласин?

Нажот истаб қочиб борэр сайёд ўқидан оқу...

1980

## ВАҚТ ҮТИБ БОРМОҚДА

Вақт үтиб бормоқда шамолдек илдам,  
Во ажаб, биз уни яна қистаймиз.  
Хижрон дамларни жазо онларин  
Тезроқ үтишини жуда истаймиз.

Бұш қолсак ғоҳида балиқ овлаймиз,  
Е қарта ўйнаймиз, ё ичамиз май.  
Гоҳи итни итга қарши довлаймиз,  
Вақт үтса бұлгани бизга сездирмай.

Вақт кулиб құяди киноя билан,  
Биз эса бесабр қамчи силтаймиз.  
У бизни әнг сүнгги бекатта илдам  
Элтаётганини, ҳайҳот, билмаймиз!

Вақт үтиб бормоқда шамолдек илдам...

1980

## **УМИДСИЗЛИК ДУШМАНИМ МАНИМ**

Дўстлар, мени койиманг асло  
қийин ишни бошлаб қўйди деб.  
Етказолмай сўнгига аммо  
қаламини ташлаб қўйдн деб.  
Орезуларим тутдай тўкилиб,  
юрмай қолса ҳамки қаламим,  
Шеъриятдан узмасман умид,  
умидсизлик душманим маним.

Атрофимни қуршаса душман,  
дўстлар томон қирқилса йўлим.  
Ёв тигининг машъум учидан  
совуқ назар ташласа ўлим.  
Олиб кетса ғурбат шамоли,  
йироқларда қолса ватаним.  
Она юртдан узмасман умид,  
умидсизлик душманим маним.

Кўнгул қўйса ағёрга санам,  
Ўзгаларга юз бурса омад.  
Ўзга ўйнинг остонасига  
қадам қўйса ул сарвқомат.  
Мажнуннамо ҳолимни кўриб  
севинчидан ўйнаса ғаним.  
Толеимдан узмасман умид,  
умидсизлик душманим маним.

Шонр учун фарзанду китоб:  
бириси об, бириси офтоб.  
Гар ғири ҳам этмаса насиб,  
умри унинг саробдир, сароб.  
Иккиси ҳам азиз жон қадар,  
инккиси ҳам суюк дилбандим.  
Мен улардан узмасман умид,  
умидсизлик душманим маним.

Умид, ишонч, ирода, бардош  
мен яралган тўрт унсур чамам.  
Саботимга тан берур Қуёш,  
продамга қойилдир олам.  
Ҳатто ҳаёт айтса алвидо,  
айру тушса жон ила таним.  
Мен ҳаётдан узмасман умид.  
умидсизлик душманим маним.

## ДҮСТЛАР СОҒИНЧИ

*Синфдошим Синдоров Ширин хотирасига*

Фируза күк сақнига сочилған юлдузлардек  
Чөр тарағға бирма-бир дүстлар тарқаб кетдилар.  
Үткір күз, темір қанот учирма бургутлардек  
Она бағридағы құтлуғ даргоҳын тарқ этдилар.

Шодлик ва ғам омұхта бир ажыб ҳис қалбимда,  
Дүстларни зета олдым шерозий қалам билан.  
Қирқ бұлыб еганимиз майыз таъми лабимда,  
Әсладим бириң ҳавас—бирисин алам билан.

Әсдалиқ деб дүстларниң сувратин сақламадим,  
Альбом титкиламадим уларни соғинган дам.  
Сиймосин меңр билан қалбимга нақшладим,  
Дүст номиниң сақлолгай эңг занғ хотира ҳам.

Афсус, ажал ўқыға учди бир сарлочиним,  
О дүстім, энди асло мен сени күролмасман.  
Тоғ билан тоғ учрашиб суҳбат қуришар балким,  
Сепинг билан учрашиб лек суҳбат қурулмасман.

Дүстім, сени әсладим ўн йилзик довон оша,  
Хәелим осмонида ҳамон порлаб турибсан.  
Минг дүстдан бири қолса барчаси ҳаёт демак,  
Дүстларниң ҳаёт экан сен ҳам тирик юрибсан...

Қайдасыз ҳей, бегубор түйғулар қанотида,  
Тонг чоги пода ҳайдаб сарпойчанг кезгандарим.  
Гоҳида қамчи босиб манманликтинг отига,  
Дүстларсиз қолиб сүнгра ўзимдан безгандарим.

Армон билдиң зеладим биршічи мұхаббатим,  
Бокира ғүнчә мисол очилмасдан сұлганини.  
Гам тұсқанда йўлимни, сирқираганда қалбим  
Сездим дүстлар суҳбати дилга малжам бўлганини.

Отасига эргашган эркатор бола каби  
Изма-из чопиб желар ҳамон шўх-шаън ёшлигим,  
Қанча ширин дамларга, қанча аччиқ онларга,  
Қанча тўполонларга шеригу сирдошлигим.

Сен ҳам яқин дўстимсан, ёшлигим, қадрдоним,  
Ишлар тушиб орага айрў тушди йўлимиз.  
Эй менинг олтин фаслим, хушбўй, гўзал чаманим,  
Доим бир-биримизга чўзиқ эрур қўлимиз.

Хотини ўғил туққан йигитдай қувонаман  
Учратиб қолсан агар дўстларимни ногаҳон.  
Дилдаги ҳижрон музи эриб дийдор тафтидан  
Кўзларимни қоплагай севинч ёши шул замон.

Дўстлик инсонга кўрку тинчликка устун экан,  
Дўстларсиз татимагай дастурхонда боримиз.  
Дўстлар дийдори барча шодликдан фузун экан,  
Келинг, дўстлар, уйимни ёритсан дийдорингиз!

## ОТА ТИЛАГИ

*Үглим Бекзодга*

Бошинг тошдан бўлсии, суюкли ўғлим,  
Ўзинг сигган юртга номинг сигмасин.  
Бошинг узра Ҳумой тополсип қўним,  
Дўстларинг кулсину душман йиғласин.

Дўст бўлма риёкор, алдоқчи билан,  
Мардлик это қилсин она табиат.  
Мен сенга омонлик тилайман ҳар дам,  
Оловларда ёнма самандар сифат.

Мен оча олмаган қопқаларни оч,  
Мен буза олмаган түсикларни буз,  
Мен чиқа олмаган чўққидан нур соч,  
Мен суза олмаган кенгликларда суз.

Фақат эл оғирни кифтга ол, ўғлим,  
Элу юрт фарланди булиб кол, узаси!

## БАХТИНГ БАРҚАМОЛ БҮЛСИН

*Қизим Нилуфарға*

Сени гулга менгзадим исеминг ярашиқ бўлсин,  
Қўшиқ бахшида этдим, умринг ҳам қўшиқ бўлсин,  
Умид, орзу, армонинг кўзга қораочуқ бўлсин,  
Ҳаёт дастурхонида насибанг тўлуғ бўлсин,  
Биринчи қадам қўйдинг, қадаминг қутлуғ бўлсин,  
Бахту иқболинг баланд, толеинг ёруғ бўлсин.

Неча йиллар кутганим, эзгу бир армонимсан,  
Хонадоним юлдузи, порлаган Чўлпонимсан,  
Умрим боғининг гули, қувончим, жаҳонимсан,  
**Жайроним, қалдирғочим, булбулим—бийронимсан.**  
Сен қадам қўйган замин гулларга тўлиқ бўлсин,  
Бахту иқболинг баланд, толеинг ёруғ бўлсин.

Эл қайда муқим эрса, ўша ер ватан бўлгай,  
Эл қайга назар солса, ўша ер чаман бўлгай,  
Эл назари тушган той дулдулдек саман бўлгай,  
Эл назаридан қолса шоҳлар беватан бўлғай,  
Эл меҳрини қозонгил, юрагингда чўғ бўлсин,  
Бахту иқболинг баланд, толеинг ёруғ бўлсин.

Дилбандим, ҳаёт йўлин кўп эрур мashaққати,  
Манзилига етолмас кимнингки суст журъати,  
Орзуларда акс этар келажакнинг суврати,  
Сен туғилиб ўсан юрт — келажак мамлакати,  
Келажакка қадам қўй, қадаминг қутлуғ бўлсин,  
Бахту иқболинг баланд, толеинг ёруғ бўлсин.

## МЕН СЕВГАН АЁЛ

Унинг манглайида чақнайди иқбол,  
Унинг юзларида тиниқ бир хаёл,  
Унинг сўзларидан томиб турар бол,  
Бу — ўша мен севган энг дилбар аёл.

Пойини ўпмоққа майсалар интиқ,  
Қаддини кўрмоққа далалар интиқ,  
Мен интиқ, ел интиқ, лолалар интиқ,  
Бу — ўша мен севган энг дилбар аёл.

Зулфига занжирбанд юрагим чўғдир,  
Бу бандни узмоққа имконим йўқдир,  
Нигоҳи кўксимга қадалган ўқдир.  
Бу — ўша мен севган энг дилбар аёл.

Ватани Фарғона, Шош ё Бадахшон,  
Бошидан ёғдулар сочади осмон,  
Висоли бир умр армондир, армон,  
Бу — ўша мен севган энг дилбар аёл.

Қачондир умр ҳам тугайди, ҳайҳоті!  
Сўнг таниш қадамин сезарман бот-бот,  
Қабримда гул турар токим у ҳаёт,  
Бу — ўша мен севган энг дилбар аёл!

## МЕНИНГ МУҲАББАТИМСИЗ..

Оқ мармар саҳфаларга тўқилиб қолди дардим,  
Ҳаёт сўқмоқларида ёр васлини ахтардим,  
Бир моҳирўй ишқида япроқ каби саргардим,  
Оlamни сариф туслага бўяр чеҳрайи зардим,  
О, мен ўша дилбарни нечоғ дилдан севардим.

Бир сония васл уйин пучмоғида яшадим,  
Қаро кўзларга чўқдим, қарогида яшадим,  
Бир қора хол қўриқчи дудоғида яшадим,  
Сўнг ҳажрнинг азобу қийногида яшадим,  
О, мен ўша дилбарни нечоғ дилдан севардим.

Менинг муҳаббатимсиз кемтиқдир ишқ достони,  
Ул санам канизликка олмас эмиш Зуҳрони,  
Ошиқ эмас гар оҳи чулгамаса дунёни,  
Замин силкинса боис ишқимнинг ғалаёни,  
О, мен ўша дилбарни нечоғ дилдан севардим.

Қиши ўтиб баҳор келди ва лек дилдор келмади,  
Турналар қатор келди ва лек дилдор келмади,  
Минг бор илтижо қилдим ва лек бир бор келмади,  
Билмам, мажнунилигимдан қилибму ор, келмади,  
О, мен ўша дилбарни нечоғ дилдан севардим.

Жунун даштида кездим, ўзлигимни унутдим,  
Бир умр ўша дилбар йўлларига кўз тутдим,  
Қалдирғоч қанотида умидбахш мужда кутдим,  
Охир унинг ишқида ёниб дунёдан ўтдим,  
О, мен ўша дилбарни нечоғ дилдан севардим!

## ДАРДЛИ БИР ҚУШИҚ

Қачонлардир мұҳаббат дарди  
Дағыатан дүч көлмиш инсонга,  
Ларза солғақ қалбига зарби  
Инсон уни отмиш осмонга.

Шундаи пайдо бўлибди Қуёш,  
Учкунидан эса юлдуз, ой.  
Ерга қайтиб у дарди «бебош»,  
Юраклардан сўрмиш яна жой.

Инсон жуда бўлиб даргазаб,  
Тоғ остига бостиришиш уни,  
Булқон бўлиб отилмиш бу дард,  
Куррани тебратмиш тўлқини.

Топширсалар ерпинг бағриға,  
Гул-лолалар унмиш тупроқдан.  
Яширсалар деңгиз қаъриға,  
Кучли тўлқин ошди қирғоқдан.

Тошни ёриб, ер кўзин очиб,  
Қайнағ чиқмиш мусаффо булоқ.  
Тоидан тошга сакрамиш оҳу,  
Лек ишқ дарди топмабди қўноқ.

Ҳеч бир илож топмагач одам,  
Жой колмагач шоҳни сурмакка,  
Кенг жаҳонга сигмаган дардни  
Жойламишлар муштдек юракка.

Түгөн урмиш инсон қалбиды  
Сөвги дарди атамниш құдрат.  
Ү инсонни айламиш буюк,  
Ү инсонга баҳш этмиш журъат.

Дилда сөвги туғен урган пайт  
Оlam бұлар нақадар дилдор.  
Күз ўнғаннан гүзәл бир талъат,  
Күйіда сен ҳар нега тайёр.

Макон құрса дилда мұхаббат  
Не азоблар чекмагай ошиқ.  
Қайнаб чиқар юракдан шу пайт  
Эзгу бир шеър, дардли бир құшиқ!

## АРМОН

Изларингдан чопқилар оҳу,  
Юзларингни ювар зилол сув,  
Сочларингни сийпалар ёғду,  
Бундай бахтдан фақат мен маҳрум.

Сўзларингдан чақнайди чақин,  
Нигоҳингдан эрийди оғимос.  
Кенг оламга боққан кўзларинг  
Фақат менга боқмайди, холос.

Висолингта интилдим, аммо  
Хижрон бўлди менинг насибам.  
Дуч келмайсан ўнгимда, ҳатто  
Киргинг келмас тушларимга ҳам!

## ЎЗБЕГИМ АЁЛИ

Тавсиғға сиғмагай ҳусни жамоли,  
Қошиға ҳавасманд кўкнинг ҳилоли,  
Шамшодга менгзалар қадди ниҳоли,  
Мукаррам, мунаvvар, мунис, иболи  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Қирмиз ёногида менг яратилған,  
Бўйи бирла сочи тенг яратилған,<sup>1</sup>  
Қалби осмон каби кенг яратилған,  
Дилафрўз, дилрабо, дилбар, ҳаёли  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Искандар маҳбуби — сулув Равшанак,  
Ойдан-да, кундан-да гўзал<sup>2</sup> бир малак,  
Не-не буюк зотлар ишқида ҳалак,  
Оқила, собира, сўлим, сафоли  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Минг шаҳар арзимас битта холига,  
Тола сочин бермам дунё молига,  
Юлдузлар ошиқдир нил рўмолига,  
Ҳаво, Биби Марям каби жалоли  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Барчиним, Кумушим, Моҳларойимсан,  
Порлаган қуёшим, тўлин ойимсан,

<sup>1</sup> Хоразмийдан.

<sup>2</sup> Чўлпондан.

Садоқат қасрида малгу қойимсан,  
Саботу бардошли, меҳру вафоли  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Ҳақ йўлида событ тургай доимо,  
Ёмонлик келмагай қўлидан асло,  
Унга ёмонликни кўрманиз раво,  
Хароб айлар кимни тутса уволи,  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Мудом алла айтиб тебратар бешик,  
Унга муқаддасдир иккичи эшик,  
Эр — ярим пир, дея хизматида тик,  
Ҳеч кимга ҳеч қайди йўқдир малоли,  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Тўмарисдан мерос олмос яроги,  
Орзу-ҳавасларга тўла қароги,  
Ўзбек оиласин файзи, чароги,  
Мен унинг ғуломи—занжи Билоли,  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Навоий бахш этмиш минг-минглаб ғазал.  
Унга эл ҳурмати буюқ, мукаммал,  
Исботин сўрсангиз, ана Тожмаҳал,  
Ҳаёт, Она, Ватан — унинг тимсоли,  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

Ҳаёт туғи нозик дастида унинг,  
Жаннатлар оёги остида<sup>1</sup> унинг,  
Баҳор ҳиди бўйи бастида унинг,  
Дилимда, тилимда фазлу камоли,  
Ўзбегим аёли, ўзбек аёли.

---

<sup>1</sup> Ҳадисдан.

## ШЕҮР ҮҚИБ БЕР

Шеър ишқида ёнар юрагим,  
Она юртга бўлсин керагим,  
Элга хизмат—эзгу тилагим,  
Уфқларга боқиб тинглай жим,  
Шеър ўқиб бер менга, малагим.

Ватан учун тўкилган қонлар,  
Тансиқ бўлган бир бурда шонлар,  
Она сочин оқ этган онлар,  
У дамларни ёдга олай жим,  
Шеър ўқиб бер менга, малагим.

Оҳу тоғдан излар мўмиё,  
Хаста дилга умидdir шифо,  
Ошиқларга куй, газал ошино,  
Табнатми, шеърнят ҳаким?  
Шеър ўқиб бер менга, малагим.

Мушкул дамда ақлим йўқотсан,  
Е манманлик лойига ботсан,  
Е ўзни деб ўзгани сотсан,  
Ажратиш-чун пучак-сарагим,  
Шеър ўқиб бер менга, малагим.

Ҳаёт нечог дилбар ва сўлим,  
Афсус бир кун тугайди йўлим,  
Ғолиб келар қаттол, шум ўлим,  
Энг сўнгги дам, сўнгги тилагим,  
Шеър ўқиб бер менга, малагим.

## ҮЛИМНИ ЕНГИБ

Ишқ, нечани этдинг бахтиер,  
Нечаларни айладинг мажнун,  
Юрагимда ўчмас яранг бор,  
Мен ҳам ҳажр ўтида дилхун.

Сөндим, аммо севмади дилдор,  
Бұлмас экан қалбга буюриб.  
Күзда ёшим эмас шашқатор,  
Аммо күнглим Ыиглар ўкириб.

Ишқ азоби оғир, бешафқат,  
Азоб берди ишқим беармон,  
Лек шунда ҳам ўзга муҳаббат,  
Этолмади қалбимни ошён.

Қийнасанг-да мени тутқундай  
Ардоқлагум сени, илк севгим,  
Әъзоз этгум она сутидай,  
Илк севгисин ким упутар, ким?

Келсанг ҳатто күз юмганимда,  
Бошим узра тұксанды қатра ёш,  
Мен аёвсиз үлимни енгіб  
Тобутимдан күтарардим бош!

1962

## ГУНОҲКОР БАНДАМИЗ

Эгнимизда хоҳ тӯн, хоҳ ҳирқа—жанда,  
Хоҳ гурбатда гариб, хоҳ шоҳ ватанда,  
Хоҳ хўжа, сайнидмиз, хоҳ ўғри, ганда,  
Хоҳ тубан фосиқмиз, хоҳ шайх, писанда,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

Рӯзадормиз, ҳар кун намоз ўқиймиз,  
Лек ёлғон ишидан хабар тўкиймиз,  
Кучлимиз, нимжонни мудом чўқиймиз,  
Ортиқроқ еб қўйиб сўнгра ўқчиймиз,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

Мансабин ўйлайди қози, тўрамиз,  
Муттаҳам ошиғин олчи кўрамиз,  
Манфаат саҳнида ўпқон, ўрамиз,  
Кимки эгри ўйлда — ҳамроҳ, жўрамиз,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

Бир чақага сотиб азиз устозни,  
Бошга кўтарамиз сафсатабозни,  
Қанотин қирқамиз баланд парвозни,  
Гоҳи қора деймиз оппоқ қоғозни,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

Нафси амморага қулмиз, чўримиз,  
Шу боис аrimас манглай шўримиз,  
Тўрдан яқин қолса ҳамки гўримиз,  
Гоҳида қўймизугоҳи бўримиз,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

Алданиб, кимнидир койиб яшаймиз,  
Гоҳ йиқилиб, гоҳи тойиб яшаймиз,  
Кундан-кун гуноҳга бойиб яшаймиз,  
Ҳалқумни ҳаромга чайиб яшаймиз,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

Қабрсиз қолади лошимиз гоҳи,  
Оғуга айланар ошимиз гоҳи,  
Тошга урилади бошимиз гоҳи,  
Тавба деб, дарёдир ёшимиз гоҳи,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

Кибр осмонида суздик нечамиз,  
Аждодлар қабрини буздик нечамиз,  
Олдиндагин чалиб үздик нечамиз,  
Енг ичинда пора чўздик нечамиз,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

Ҳар битта гуноҳга бордир бир жазо,  
Ҳийламизга аъмол дафтари гувоҳ,  
Олдда бешак ўлим кутади, э воҳ,  
Лек буни унутмиш неча бир гумроҳ,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

Ўлимнинг шарбатин ичармиз охир,  
Ажалининг ўқига учармиз охир,  
Қаро ер бағрига тушармиз охир,  
Ўндан сўнгги ҳаёт — синоату сир,  
Гуноҳкор бандамиз, гуноҳкор банда.

## ҚУРАШ

Майдонда олишар икки паҳлавон,  
Атроғин қуршамиш жунбуш оломон.

Ҳайқирап, қичқирап, тинмас бир нафас,  
Уларга томоша, ўйин бўлса бас.

Осмонга ўрлайди майдон ҳовури,  
Фолиблик таҳтини кўзлар ҳар бири.

Бир елка туфроққа беланар охир,  
Оҳ, бу дам маглубга ўлимдан оғир.

Паҳлавон елкасин ўпгунча бундоқ,  
Ерилсанг бўлмасми, эй, она туфроқ.

Йигитнинг елкаси ерга теккан дам  
Ғурур кўчасида тутулгай мотам...

Оллоҳга илтижо қилгум эрта-кеч,  
Мард елкасин ерга теккизмагил ҳеч.

1986

## БОЗОРДА

Фируза гумбазнинг тагида бир дам  
Томоша айладим савдо жангши.  
Бу томон судрамиш эҳтиёж, фойда  
Оқилу нодонни, дарвеш, бангини.

Сотувчи қимматроқ сўрар бегумон,  
Харидорда арzon олмоқ орзуси.  
Фойда фалсафаси бунда ҳукмрон,  
Ҳакамлик қилолмас ҳақ тарозуси.

Юлдузни бенарвон урган айёр ҳам  
Гоҳ зиён чоҳига тушаркан қулаб.  
Қайтаркан дилимни босди қайғу-ғам  
Йўқолган инсофу иймонни ўйлаб.

Қимлар молин мақтаб ёлғон айтдилар,  
Э воҳ, диёнатнинг кўзи нам бўлди.  
Қўплар инсофини сотиб қайтдилар,  
Инсоф олиб қайтган жуда кам бўлди!

## **БУ ҚАНДАЙ ДУНЕ**

Иймонсиз иймонга чақирап,  
Ноисоф иисофга чақирап,  
Харомхұр ҳалолга бақирап,  
Қандайин дунә бу, Раббано.

Ватан деб, ватанин сотарлар,  
Бир-бирин бурчакдан отарлар,  
Кечаси, күндүзи — хатарлар,  
Қандайин дунә бу, Раббано.

Минбарда муттағам казолар,  
Үғриси түғрисин жазолар,  
Дилларни тарк этмиш вафолар,  
Қандайин дунә бу, Раббано.

Туширсанг осмондан Ийсони,  
Бут бўлмас кўпларнинг иймони,  
Кавушин ўйлайди имоми,  
Қандайин дунә бу, Раббано.

Туфроққа қорилган бошлари,  
Эл қадрин кўтармас ёшлари,  
Шайтонга тегмайди тошлари,  
Қандайин дунә бу, Раббано.

Аввало қўлингни сиқади,  
Оёқдан чалиб сўнг йиқади,  
Охири лаҳадга тиқади,  
Қандайин дунә бу, Раббано!

## ШОШИЛМАНГ, ОДАМЛАР

Эрга ёлчимагай шошилган қызлар,  
Эртанга ёлчимас шошилган бугун.  
Хайҳот, ўн саккизда йўқолган излар  
Шошмаса тўқсонга етарди бир кун.

Етти ўлчаб, бир кес — халқ ҳикматини  
Шошилган дамларда унутдик чоги.  
Бугун дилга саничиқ — Орол қисмати,  
Хотир саҳфасида — Чернобил доги.

Қирқилиб кетмоқда яшил ўрмонлар,  
Замин сийнасида яралар бисёр.  
Қирилиб кетмоқда гўзал жайронлар,  
Нафс қаршисида инсонлар начор.

Мен замон кўксига қулогим тутдим,  
Қаъридан ҳайқириқ келар дамодам:  
«Одамлар, еб қўйманг шошилиб бугун  
Эртанги авлоднинг ризқу рўзин ҳам!»

## **ДЕМОКРАТИЯ ТАРАФДОРИ**

«Демократиянинг тарафдориман,  
Ошкоралик менинг жону дилимдир!»  
У кўксига муштлаб кўлирар ҳар дам,  
Унинг сўзларига ишонар кимдир.

Унинг эътиқоди ўзгарап бот-бот,  
Шамол қай томондан — яхши билади.  
Асли унда йўқдир собит эътиқод,  
Битта ақидага амал қилади.

Имкони борича яшайди алдаб,  
Ҳаёт бозорида касби — атторлик.  
Ҳар қандай муҳитга мослашар албат,  
Энг севгаш ҳунари — лаганбардорлик.

«Ошкоралик менинг жону дилимдир!»  
У ҳамон минбарда кўкрак муштлайди.  
Унинг сўзларига ишонар кимдир,  
Кимдир, ё Раб, дея ёқа ушлайди!

## БИЗЛАРГА ТОШ ОТМАС

Замоннинг зил юкин елкага олиб,  
Боболар яшаган мағрур ва бардам.  
Оғир кечмишидан юрмаган нолиб,  
Шамол тегмаса-да кўксига бир дам.

Бир майизни қирққа бўла олганлар,  
Сафар халтасида кўп эрур савоб.  
Йиқилганни суюб йўлга солганлар  
Аждодлар қабрини айлаган тавоф.

Бизлар-чи, минбарда туриб дилларга  
Эзгулик уруғин гўё сепамиз.  
Аммо йиқилганни тупроққа белаб,  
Улганнинг гўрига чиқиб тепамиз!

Бизларга тош отмас келгуси авлод,  
Бир одатимизни айтишиб қулар:  
«Келганларга доим қарсак чалишган,  
Кетганилар ортидан тош отган улар!»

## МАГРУР ЯШАБ

Сирпанчиқдир шұхрат пиллапояси,  
Құтқуси вижданни кемирап мудом.  
Осойиши яшарди инсон боласи  
Шон-шуҳрат жилваси этмасайди ром.

Қанчалар кам бўлса бойлика ружу,  
Қанчалар мол-дунё хирсидан озод.  
Инсон шунча буюк, шунчалар улуғ,  
Нур каби покиза бўларди ҳаёт.

Боши кетишидан қўрқмай боболар  
Ҳақ сўзни айтишган мардона туриб.  
Кўплар айтольмайди оддий сўзни ҳам  
Бошимас, мансаби, ўрнидан қўрқиб.

Баъзилар яшайди тубанлик аро  
Душман товонини ўлиб дамодам.  
Боболар демишким, ўзлигин билса,  
Ҳеч қачон тиз чўкиб яшамас одам!

Эй, она табнат, туғилган ҳар зот  
Бу ёруғ дунёдан кетгай муқаррар.  
Фақат магрур яшаб, ҳақ сўзни айтиб,  
Тик туриб ўлишга айла мұяссар!

1986

## **НОМАРД ҲАҚИДА**

Бир ўзи ўлгиси келмайди унинг,  
Кетгиси келади барчани тортиб.  
Бир ўзи ўргиси келмайди унинг,  
Урилса бир ўзи кетади ортиб.

Юқорига кетар бир ўзи фақат,  
Барчани судрайди пастга тушар дам.  
Дунёда не учун кўп эрур номард?  
Ажаб, нима учун мардлар жуда кам?!

Номардлар яшайди доим панада,  
Жалғоҳда аксарни мардлар ўлади.  
Мардлар туғилади мардлар қонидан,  
Йўқса номардларга душё тўлади!

Белги йўқ номарднинг хилхонасида,  
У — башар авлодин қуйقا—кўпиги.  
Тамга йўқ номарднинг пешонасида,  
Ва лекин юзиди — нафрат тупуги.

У кезар ҳаётнинг йўлида мангу.  
Юзида никобу қўйнида тұхмат.  
Барча кўчаларга кириб чиқар у,  
Мардлик кўчасига кирмайди фақат!

*1986*

## БАЪЗАН ЯНГЛИШАСАН

Баъзида янглишиб қоронғу тунда  
Қуруқ деб күлмакка құясан оёқ.  
Баъзиларнинг қалби қоп-қора тундай,  
Сенга туюлади сут каби оппоқ.

Баъзан йўл устида ярқирайди сув,  
Сув эмас аслида кўринган сароб.  
Баъзан кўнглинг олиб бевафо сулув,  
Сўнгра умр бўйи чектирас азоб.

Баъзан янглишасан, дўст санаганинг  
Бад ният-ла санчар қалбингга тикаң  
Гоҳ сезиб, сезмайсан гоҳ янглишганинг,  
Фақат жуда сақлан бир янглишишдан.

Янглишиб душманни дўст санасанг-да,  
Янглишиб дўстингни санама душман.

1970

## ҚАРЗГА БОТИРИБ КЕТ ДУНЁНИ

Хаёт бахш айлады оша табиат,  
Эңаңға түлов олмади бирок.  
Шу ёруғ дунёда, эй нурлы талъат,—  
Яша, жанинатмакон бўлсиз бу туфроқ!

Шу бўлди инсонга унинг даъвати,  
Қарзга ботди, э зоҳ, одамзот шу дам.  
Шу боис ер юзин жанинат қилгали  
Миллион йилдан бўён уринар одам.

Ҳаёт — табиатнинг буюк неъмати,  
Қайтармоқ юракка ғулу солади,  
Омонатин қайтиб олганда эгам  
Айтинг, одамзотга нима қолади?

Ловуллаб тураркан қалбида олов  
Шу савол жавобин излайди одам.  
Ажаб, бир умрни эплолмас бирор,  
Бирорларга эса ўнта умр кам.

Кимдир чинор каби минг йиллар оша  
Савлат тўкиб турар вазмин, улуғвор.  
Кимдир тутун каби беиз йўқолар,  
Она табиатдан то абад қарздор.

Қарзга берилгандир, дўстим, бу ҳаёт,  
Яшагин ҳаётдан ҳаёт орттириб.  
Қарздор бўлиб кетма ёруг дунёдан,  
Кетгин сен дунёни қарзга ботириб!

1980

## ЮРАКНИ БАХШ ЭТИБ БҮЛМАЙДИ

Икки шеър

1

Эй фидойи Данко руҳи, маъзур тут, зеро,  
Магрур қалбим кўксим аро муқим, барқарор.  
Лек ҳаётнинг насту баланд йўллари аро  
Уни кафтда тутганларни учратдим бисёр.

Юрак — ажиб, мўъжизага бой бир мамлакат,  
Меҳру нафрат, зулмат-зиё тураг ёнма-ён.  
Ул мамлакат шоҳи шаксиз — оташ муҳаббат,  
Қалбининг ҳар бир уришидан кенгаяр жаҳон.

Тўхтаб қолса ногоҳ қалбим, эй ҳозиқ ҳаким,  
Табиатнинг қудратидан иажот кутай мен.  
Бошқасини қўйманг уни ўрнига, токим,  
Битта юрак, битта севги билан ўтай мен.

Юрак — магрур инсон умрин асос—таянчи,  
У барқарор бўлмас экан ҳаёт кулмайди.  
Бериш мумкин бу дунёнинг барча ганжини,  
Дўстлар, фақат юракни баҳш этиб бўлмайди.

2

Оналарнинг оқ сутини оқламоқ учун,  
Юрт тупроғин ёвдан омон сақламоқ учун,  
Содик дўстни ҳар қаерда ёқламоқ учун,  
Юрак ўз ўрнида турсин, дўстларим.

Ботир, доно, фозилларга ўзлай десангиз,  
Юксак-юксак мақсадларни күзлай десангиз,  
Давраларда чин юракдан сүзлай десангиз,  
Юрак ўз ўрнида турсин, дўстларим.

Муҳаббатнинг шарафига битгали достон,  
Ҳақ йўлини айламоққа ёргуғ ва равон,  
Инсонники бўлсин учун абад бу жаҳон,  
Юрак ўз ўрнида турсин, дўстларим.

1973

## ШОИР МОНОЛОГИ

Эркин Водхидовга

Шеър, ғазал битмакка шайландим,  
Бир сибул сочилига бойландым,  
Қарочуғлар ичра жойландым,  
Томчидан дарёга айландым.

Гоҳ гулга бурканган чаман, боғ,  
Гоҳ мусаффо, турна күз булоқ,  
Гоҳ учқун, алана, ё чақмоқ,  
Гоҳ ўтли нидога айландым.

Мудраган карахтни уйғотган,  
Үмидсиз бебахтни уйғотган,  
Тұхтаб қолган вақтни уйғотган,  
Бир ажиб навога айландым.

Жазога чап берса «акам»лар,  
Иймонин ютса гар ҳакамлар,  
Ҳаёсин улашса санамлар,  
Мен одил жазога айландым.

Дейдилар, шоир— эл виждони,  
Шеърида юраклар туғени,  
Ҳақ посбони, рухлар исени,  
Исени дунёга айландим!

1988

## БЕГОНА ҮЕЛИМГА

Бекатда бир йигит ёнимга келиб ўттарды Юрагы тұла дарду алам. Яккаю ягона үгилчасини соғиңиб күргәни келса, ажрашган хотини күрсатманды. Үгли энді бегона эмиш... Шеър шу йигит тилидан ёзилди.

Сени күп соғиндим, ягона үеңлим,  
Ұзға бир дадага ҳамхона үеңлим,  
Ким чидар бундағын ҳижрона, үглим,  
Әй, менинг суюкли, бегона үеңлим.

Томирингда қопим оқар бетиним,  
Этни тирногидан ким ажратар, ким,  
Боласан, билмайсан, юрибсан-да жим,  
Әй, менинг суюкли, бегона үеңлим.

Құзларинг чақнайды мисоли чақин,  
Биламан дилгинанғ дилимга яқин,  
Умидим чечаги күксингга тақин,  
Әй, менинг суюкли, бегона үеңлим.

Тилларинг мунча ҳам биірон бұлмаса,  
Бүйнгін ҳидламоқ армон бұлмаса,  
Хаёт не сенингдек үелон бұлмаса,  
Әй, менинг суюкли, бегона үеңлим.

Маъсум дийдорингга түярманми мен,  
Пешонанғдан үпіб сурманми мен,  
Е агад ҳажрингда куярманми мен,  
Әй, менинг суюкли, бегона үеңлим.

Улғайиш йүлинда илдам чопарсан,  
Ғанимлар оғзини бир-бир өпарсан,  
Сени топмасам сен мени топарсан,  
Әй, менинг суюкли, бегона үеңлим.

Тилагим ҳамиша баҳтинг ёр бўлсин,  
Йўлингда сулувлар интизор бўлсин,  
Ҳақ сари қадаминг устувор бўлсин,  
Эй, менинг суюкли, бегона ўғлим.

## ПАХТАОБОД БУ

Чүл багрида қад күтартған күркам работ бу,  
Жасорату мардлык тұла қайноқ ҳаёт бу,  
Езилмагаш дилбар қүшиқ, күй бу, баёт бу,  
Чүлқұварлар бушёд этган ажыб ижод бу,  
Пахтаобод бу.

Саттор ака меңд билан парвариш қылған,  
Қувондиғу Иінабатлар әлға танилған,  
Боғларида майин-майин шабада елған,  
Чүл демәнгиз, чүл помидан мангу озод бу,  
Пахтаобод бу.

Деңқонлари юрт ишончин доим оқлаган,  
Шунқорлари үзни баланд парвоз чөфлаган,  
Кирқ миллатни дүстлик или билан боғлаган,  
Яқин-пироқ, қоң-қардошлар тилида ёд бу,  
Пахтаобод бу.

Бир ёнида Жиззах, Дүстлик, бир ён Гулистан,  
Чор тарағға йұллар кетмиш ойдин ва равон,  
Туфроғида улуғ Темур изидан нишон,  
Обод қишилоқ тимсолига гүё миръот бу,  
Пахтаобод бу.

Үнга магрур боқиб турар фазо шунқори.  
Құлларидан нон-туз тотмиш юртим сардори,  
Абдуллахон гумбазидир ұтмиш ёдгори,  
Истиқлолнинг оппоқ нури құйнида шод бу,  
Пахтаобод бу.

Дерлар уни қүриқ очиш дорилғунуни,  
Мафтун этар барқутдайин юлдузли туни,  
Унинг ҳам бор ўз Фарҳоди, Лайли, Мажнуни,  
Түғилажак Алишерлар учун Ҳирот бу,  
Пахтаобод бу.

## ЯШАГИНГ КЕЛАВЕРАДИ

Бир умр мунофиқ бўлса ҳамроҳинг,  
Бир умр карвонинг таласа итлар,  
Бир умр тангрига етмаса оҳнинг,  
Бир умр қонингни сўрса-да битлар,  
Барибир яшагинг келаверади.

Иўлинг узра факат тикану тошлар,  
Саналсанг дунёда энг тубан одам;  
Жонингдан тўйдирса аҳли бебошлар,  
Биронта орзунг ушалмаса ҳам,  
Барибир яшагинг келаверади.

Ишонган дўстларинг қилса хиёнат,  
Ағәр ила кетса суюкли дилбар,  
Бошингга солсалар қоим-қиёмат,  
Ҳолингга маймунлар йигласа агар,  
Барибир яшагинг келаверади.

Зиндон ичра ёлғиз ётсанг-да юз йил,  
Кимсасиз музликлар аро қотсанг-да,  
Иўл тополмай гоҳи гамга ботса дил,  
Асал деб бир умр заҳар тотсанг-да,  
Барибир яшагинг келаверади.

Имиллаб судралар мажолсиз танинг,  
Баҳор, ёз, куз ўтиб аёз қишдасан:  
Еган-ичганингни сезмайсан таъмин,  
Оғиз бўшаб қолган якка тишдасан,  
Барибир яшагинг келаверади.

## ЭНГ ҚИЙИН ИШ

Фарзанд дөғи огир жуда ҳам,  
Қийиндирир — дор тагида турмоқ.  
Гар бевафо бўлса ёр — азоб,  
Нима бор бундан-да қийинроқ?

Ташлаб кетса туққан волиданг,  
Умринг ўтса меҳрга муштоқ.  
Кўча-кўйда яласанг хор-зор,  
Нима бор бундан-да қийинроқ?

Душман жангда ғолиб келса гар,  
Елканг ўпса майдонда туфроқ.  
Дўст деганинг сотса ҳар сафар,  
Нима бор бундан-да қийинроқ?

Кексаликнинг давоми — ҳароб,  
Муҳаббатнинг армони — қийноқ,  
Она юртнинг ҳижрони — азоб  
Нима бор бундан-да қийинроқ?

Ҳар гал мени қийнар шу савол,  
Қаршимда тик турад шу сўроқ.  
Наздимда иш йўқдир пок, ҳалол —  
Яшамоқдин кўра қийинроқ...

1993

## ЧЕЧЕНГА ЭРК БЕРИНГ

Минг йиллар армони, истиқлол,  
Қон билан битилган құшиқсан,  
Қимларга орзусан ё малол,  
Эрк — сулув қыз, унга ошиқсан.

Оқади томиринг тұлдириб  
Қалблариниг құдратли түгёни.  
Эрк, дея, чақнаңди гулдираб  
Чеченнинг булатлы осмони.

Чеченга эрк беринг, эрк беринг,  
Тупроги лойиқдир тавобга.  
Эрк учуп курашғап ботирнинг  
Қадамы йүгрилсии савобга.

Эй, чечен мәрдлари, тонг билан  
Истиқлол құшиғин битарман.  
Толиқиб қолсанғиз дафъатан  
Ховуцлаб мәхрими тутарман.

Чеченим, зартандыр мунаввар,  
Сұнмасин умидинг чироги.  
Тепангда ҳилпирап мұқаррар  
Мустакил Ватанинг байроғи.

15 март, 1996 йил.

## ЗАНГИ БОБО

Тарихимнинг ўқилмаган катлари аро,  
Саккиз аср пурғам ётар буюк бир сиймо,  
Билол каби сийрати оқ, суврати қаро,  
Тавсифингиз достопларга сиғмагай асло,  
Эй, Занги бобо.

Ассалом, эй, Туркистоннинг буюк ўғлони,  
Ассалом, эй, Туркистоннинг улуғ чўлони,  
Ассалом, эй, кўҳна Шошнинг метин қалқони,  
Сиз халқимнинг пок виждени, сўнмас иймони,  
Эй, Занги бобо.

Хўш, десангиз Ўшдан қайтмиш подалар шу он,  
Турон замин сарҳадинда сиз буюк посбон,  
Садоқату вафо рамзи — Анбар аяжон,  
Набий узра оқ булутдай сизга соябон,  
Эй, Занги бобо.

Инсонларни бир қолипга туширмоқ бўлди,  
Қўнгиллардан иймон қушин учирмоқ бўлди,  
Дини Ислом ғиштларини кўчирмоқ бўлди,  
Номингизни эл қалбидан ўчирмоқ бўлди,  
Эй, Занги бобо.

Юрагимни эзар мудом зилдай бир алам,  
Топилмабди тарихингиз битмакка қалам.  
Сиздай ҳалол меҳнаткашни кўрмаган олам,  
Қабрингизни тавоғ айлар бу кун ҳар одам,  
Эй, Занги бобо.

Бир күн келиб сиз истаган замон бўлгуси,  
Она замин ҳалолликка макон бўлгуси,  
Занги бобо пирлар аро султон бўлгуси,  
Ўзбекистон энг гуллаган бўстон бўлгуси,  
Эй, Занги бобо.

1996

## АЧЧИҚ ХУЛОСА

Болаларга қиласман ҳавас,  
Түйғулари бегубор, тоза.  
Тиниқ күзлар сүэлайди бесас,  
Қалби гүё очиқ дарвоза.

Қийқиради фараҳли дамда,  
Алам чекса аччиқ йиглайди.  
Кўнгли нечоғ улкан бўлса ҳам  
Жиндайгина ёлгон сигмайди...

Қатталарнинг юзида ниқоб,  
Улмай туриб минг бор ўлади.  
Бири кулиб йиглайди, э воҳ,  
Бири эса йиглаб кулади.

Болалик — энг ёруғ жаҳондир,  
Тавсифини айта олмаймиз.  
Болалик — энг қутлуғ макондир,  
Унга сира қайта олмаймиз.

Гуноҳи кўп, савоби кам-кам  
Умр лойин қораверамиз.  
Болаликдан йироқлашаркан  
Тубанлашиб бораверамиз.

## САККИЗЛИКЛАР

\*\*\*

Ёлғончи кимсалар менинг наздымда  
Одамлар ичинде тубандан-тубан.  
Замин гулистонга айланар эди  
Инсонлар ёлғонга кийдирса кафан.  
Баъзан элни бузар бир ёлғон қасам,  
Ундан нечаларнинг юрак-бағри хун.  
Дўстлар, бирон оғиз ёлғон гапирсам  
Менга аза очиб йиғланг ўша кун.

\*\*\*

Бу сокин даргоҳда ётар ёнма-ён  
Гуноҳли, бегуноҳ қанча одамлар.  
Балки эски душман, балки қадрдон,  
Балки бир-бирини кўрмаган улар.  
Табиат қонуни — бизга ҳам бир кун  
Мангуга жой берар бу сокин маскан.  
Билмаймиз ўшандага биз ҳам ким қўшни,—  
Танишми, бегона, дўстми ё душман?!

\*\*\*

Даврага қўшилди келиб бир одам,  
Гурунг авж олмади, сусаймади ҳам.  
Чиқиб кетди бунда ўлтириб бир оз,  
Кузатиб қўймади бирорта ҳамдам.  
Бир фикр миямдан кетмайди ҳар гал,  
Дўстлар даврасида ўлтирган маҳал.  
Ўз ўрнинг бўлмаган даврадан кўра  
Танҳоликда бўлмоқ минг карра афзал!

\* \* \*

Баъзида ёш дўстлар сўрар маслаҳат  
Меҳнату ижоду ҳунар бобидан.  
Муҳаббат — иккн дил гаиҳари, аммо  
Сўраб қолур соҳир ишқ китобидан.  
Барчасига жавоб айтарман фақат,  
Севгидан сўрсалар лолман ноилож.  
Дўстлар, нетай ахир севги бобида  
Ўзим маслаҳатга муҳтожман, муҳтож.

\* \* \*

Гоҳида кечикиб бошлаймиз ўроқ,  
Эртароқ пишгани топади завод.  
Гоҳида эртароқ бошлаймиз, бироқ  
Етилмай қолгани бўлади увол.  
Ўлимдан бошқасин эртаси яхши,  
Деганлар янглишар, янглишар буткул.  
Барча иш вақтида бўлгани яхши,  
Ўлим ҳам вақтида келгани маъқул.

\* \* \*

— Нега мунча қувноқсан, ўғлон?  
— Бир соғ дилдан жой олдим бу дам!  
— Нега мунча гамноқсан, ўғлон?  
— Афсус, бевақт синди бир қалам!  
— Нега мунча қувноқсан, ўғлон?  
— Бир қаллобнинг ниқобин йиртдим!  
— Нега мунча гамиоқсан, ўғлон?  
— Бир инсоннинг дилин оғритдим!

\* \* \*

Кераксиз китоблар юқдир жавонга,  
Юкинг ортиқ бўлса ўзингга азоб,  
Гапнинг ортиқчаси тегади жонга,  
Бир қултум ортиқ май қиласи ҳароб.

Йўлингдан оздирап ортиқча ҳурмат,  
Ортиқча эътибор, ортиқча назар.  
Шунинг учун ортиқ лутф, мұхаббат  
Ҳамда илтифотдан қиласман ҳазар!

\* \* \*

Дардларимни тўкиб солдим оппоқ қоғозга,  
У ловуллаб ёнса керак девдим, ёнмади.  
Қувончларим бир-бир ёздим кичик баёзга,  
Ажаб, у ҳам шодлигимдан ҳеч қувонмади.  
Оппоқ қоғоз нени билсин, аммо гоҳида  
Учраб турар қоғоз каби ҳиссиз, тўнг одам.  
Дардингни-ку баҳам кўриш келмас қўлидан,  
Ҳатто шерик бўлолмайди қувончингта ҳам.

\* \* \*

Олимларга албат эҳтиром жоиз,  
Табнат сирларин айламиш ифшо.  
Илмми ё ҳаёт матлаби боис  
Она сутин сунъий яратмиш ҳатто!  
Мени маъзур тутинг аҳли заколар,  
Англайман илмнинг қудрат, сеҳрини.  
Ва лекин ҳеч нарса ўрнин босолмас  
Онанинг оқ сути, она меҳрини!

\* \* \*

Бир оёқ йўл солди инсон дафъатан,  
Сўнг йўл қурди оту арава учун.  
Торлик қилди чоги, кенгайтирди боз —  
Кенгайтираверди сарф этиб кучин.  
Икки, уч, тўрт қатор қурди, бўлмади,  
Торлик қилди ҳатто ўн қатори ҳам.  
Тезликка ғов бўлгач ердаги йўллар  
Охири осмонга йўл солди одам.

\* \* \*

Я. Корчакка

Юз үгирди душман мархаматидан  
Гарчи ҳаёт шириң, гарчи дунё кенг.  
Ҳаёт бу ўлмоқдир болалар билан,  
Болаларсиз ҳаёт — ўлим билан тенг.  
Маъсум юраклардан ваҳмни қувиб,  
Бирга кирди ажал ўтхонасига.  
Бир олтин саҳифа қўшилди шу кун  
Тарихнинг мангулик мардномасига.

\* \* \*

Қайсиdir калтафаҳм мени қул деб атади,  
Бандани қул атамоқ ҳам савоб, ҳам фарз деди.  
Балки шу пайт у гумроҳ ўзин худо санади,  
Асли ўзи мансабу шуҳратининг қули эди.  
Бошқа бирор нечундир мени бек деб атади,  
Ҳар инсон ўзиға бек, буни унумтманг деди.  
Мен-ку на бек, на қулман—оддий инсонман фақат,  
Ҳар бирни ўз номини ўзи атаган эди!

\* \* \*

Хувиллаб қолди-ку сенсиз бу юрак,  
Ҳаёт ҳам йўқотди ўз маъносини.  
Камалакдай рангин замину фалак  
Йўқотди бетимсол кўрк, жилосини.  
Багримни тилкалар ҳажр тошлари,  
Тугаб борар тоғдай буюк бардошим.  
Қайдасан, хабар бер, қалбим тўридан  
Ўрин олган ёлгиз суюк сирдошим.

\* \* \*

Фақат бир гўзалга қалбимни очдим,  
Юрак сирларимдан айладим огоҳ.

Севдим ва севилдим, дея ўйловдим,  
Умидларим пучга чиқди бандоғ!  
Таңдир экан, дея мени хажр аро  
Қолдириб, ўзга ёр топиб кетди у.  
Қалбим эшигини очилмас қилиб —  
Ўзгаларга маҳкам ёпиб кетди у!

\* \* \*

Адолатнинг қаноти синди,  
Ҳақиқатга, жим тур дедилар.  
Алладилар пок мухаббатни,  
Минбарни ёлғонга бердилар.  
У мен, дея вайсади танҳо,  
Адолат, ҳақиқат, мұхаббат.  
Юраклардан келді акс садо:  
Надомат, қабоҳат, разолат!

## ТУРТЛИКЛАР

\* \* \*

Умримнинг соати юриб турибди,  
Қафтида курра чарх уриб турибди.  
Шоҳни бўлмаса ҳам назм майдонида  
Илким пиёданни суриб турибди.

\* \* \*

Жаҳонда энг қийин иш гўдакнинг илк қадами,  
Жаҳонда энг узоқ пайт жазо кутиш онидир.  
Жаҳонда энг узоқ йўл ёт дилларнинг ораси,  
Жаҳонда энг оғир дард она юрт ҳижронидир.

\* \* \*

Йироқда юлдузлар таратар зиё,  
Табиати қандай билмаймиз аммо.  
Баъзи инсонлар бор — йироқдан юлдуз,  
Яқининг борсанг гўё аждаҳо.

\* \* \*

Олмаса завқ куйдин эшак, андалибда йўқ гуноҳ,  
Шамс айбормас-ку сайёҳ ташналиқдин чекса оҳ!  
Дона сурмак санъатин ким билмаса, бўлғуси мот,  
Хоҳ ёғочдин, хоҳ суяқдин, хоҳи олтин бўлса шоҳ.

\* \* \*

Сўзим ростлигига ичмайман қасам,  
Қасам — ёлғон сари қўйилган қадам.  
Қасам бўлмасайди инсонлар аро  
Ёлғон бўлмас эди, ё бўларди кам.

\* \* \*

Не бўларди агар васлингга етсам,  
Мұҳаббат жудоси жої берса таҳтдан.  
Бардсш беролмасдим бундай қувончга,  
Юрагим ёрилиб кетарди баҳтдан!

\* \* \*

Гулни боғбон эксин, бугдойни деҳқон,  
Күйлашни булбулга айланг ҳавола.  
Булбул бўлолмагай тўти ҳеч қачон,  
Минг йил сайраса ҳам, чекса ҳам нола!

\* \* \*

Тақдир сийламади содиқ дўст билан,  
Менга муттаҳамлар ҳамроҳлик этди.  
Номардлар бир умр йўлдош бўлди-ю,  
Содиқ дўст жуда тез айрилиб кетди.

\* \* \*

Табият қонуни нечоғ мукаммал,  
Ой ва Қуёш чиқар доим галма-гал.  
Во ажаб, бирининг юзи қораяр  
Бу темир қонунни бузгани маҳал!

\* \* \*

Орзу осмонида қанотсан менга,  
Энг оғир дамларда најотсан менга.  
Сен борлигинг учун борман дунёда,  
Ҳаётсан, дилбарим, ҳаётсан менга.

\* \* \*

Эгрилик ва тўғрилик бир елкада жам, воажаб,  
Тўғри пайкон, эгри ёй ҳамкору ҳамдам, воажаб.  
Тўғри хивчинларни эгиб ёй қилур ҳосил ва лек,  
Эгри ёйдин тўғри хивчи ҳосил бўлур кам, воажаб!

Ииллар ўтди ҳаёт юкин ортмоқлаб,  
Орзулар ушалди күнгүлни чөглаб.  
Армонсиз яшарман энді, десам, оқ!  
Кечиккан муҳаббат келди сўроқлаб!

\* \* \*

Мардга мард бўл, номардга номард,  
Муттаҳамга бўлгил муттаҳам.  
Қилич эрур қиличга жавоб,  
Захар эрур заҳарга малҳам.

\* \* \*

Кўп доғларни кўрмай қолди кўзлари,  
Гуноҳ ишдан қизармади юзлари.  
Арzon-гаров сотовергач сўзларин  
Майдалашиб қолди охир ўзлари.

\* \* \*

Бир нопок сўзлайди ҳалолдан, ҳақдан,  
Зорланиб, энтикиб, кўпик сачратиб.  
Мен уни тинглайман жим, ерга боқиб,  
Росту ёлғонини бир-бир ажратиб.

\* \* \*

Эҳтиёж гуурни тепкиладаб ўтди,  
Нокасу номардга саргайди юзим.  
Эзилган юракдан чиқди бу нидо:  
Номардга ялииндинг, номард сен ўзинг!

### ҲАЛОЛ ОДАМ

Ҳаёт йўлларида юрди пиёда,  
Яшади нур каби покиза, ҳалол.  
Эпди тобут шора сўнгги манзилга  
Елкаларда бормоқ келади малол.

## ВАТАН

Ишқа — күнгүл ватан, оқылга — сабр,  
Томчига — деңгиз, ё чашм, ё абр.  
Башарга ватандир курраи замин,  
Рұхға — само, жонсиз вужудға — қабр.

\* \* \*

Дейдилар бозорға ўхшар бу дунё,  
Бирөв сотиб кетар, бирөвлар олиб.  
Үзға муштараклық бор улар аро —  
Хеч бирида ҳеч ким кетмайды қолиб.

\* \* \*

Жаңғ аро йигитнинг қиличи синди,  
Үқ тегиб йиқилди учқур самани.  
Қаҳрамон санағай отсиз, қиличсиз  
Енға олса энди ёвуз душманни.

\* \* \*

Темир излар мисол — қисмат йўллари,  
Борар ҳижрон аро багрини тиглаб.  
Иироқлаб кетолмас, ё учрашолмас,  
Бетон шпалларга қўйилган михлаб.

\* \* \*

Бирөвлар идроки тезкор ишлайди,  
Бирөвларнинг бели, қўли, оёғи.  
Бирөвларнинг тили тиним билмайди,  
Бирөвларнинг эса фақат томоги.

\* \* \*

Уфқ қирмизи гўё очилған яра,  
Қуёш аста ботиб бормоқда ёқу!  
Кимдир уни эртан кўрар илк бора,  
Кимдир уни энди кўрмайди мэнгу.

\* \* \*

Кечани сўроққа тутолмас бугун,  
Балким, эртап ғалат бугунги матлаб.  
Тежаб-тергаб турсин бугунни бугун,  
Эртан тош отмасин бугунга қараб!

\* \* \*

Ул пари ишқида ҳар шому сахар бедорман,  
Аҳли ушшоқ қайдада суҳбат қурса албат борман.  
Десалар ҳам, бағритошдир сўйганинг, кутма карам,  
Гоҳи тошдий ҳам гул унгай-ку, дея уммидворман.

\* \* \*

Башар танасида ўрмалайди дард,  
Вужудин қопламиш ваҳм, ғубор, гард.  
Бу олам саҳнида мардлар жуда кам,  
Мардман деганларнинг аксари — номард!

\* \* \*

Алдоқчи мёнбарга ишонма, дўстим,  
Айниган замоннинг юзига тупур.  
Башарнинг қисмати — ҚИЁМАТ ҚОЙИМ,  
Иймон келтиргмаган — барчаси куфр.

\* \* \*

Ёлгончи дунёning ёлгонлари кўп,  
Ушалмаган зилдай армонлари кўп.  
Рангин жилвасига бўлма маҳлиё,  
Макру ҳийлалари, қолқонлари кўп.

\* \* \*

Дунёга келмасдан кетиб борамиз,  
Пок тугилиб нопок ўтиб борамиз.  
Гарчи ҳалқумимиз — ангишвонадир,  
Ва лек тогларни ҳам ютиб борамиз.

Күп экан дунёда ташвиш илағам,  
Күп экан кассобу ўғри, муттаҳам,  
Бу дунёсин күрдик, шундоқ экан у.  
Пайт келса күрүрмиз у дунёсин ҳам!

Илтимос айласам бажармади у.  
Илтижо айладим, этмади ҳеч кор.  
Мен нодон, бефаҳм сезмабман ёху,  
Қаршимда одаммас, турганин девор!

Юртини душманга сотар хоинлар,  
Умид қилиб ширин ҳалволарини.  
Билмай у нодонлар сариқ чақага  
Алмаштирап гавҳар, тиллоларини.

Шеър — ҳақиқат ханжари эрур,  
Разолатниң юрагига санч.  
Бу оламда ҳақиқат учун  
Курашмаган кимсалар аянч!

Толе, нега мунча кеч келдинг ахир?  
Үмримни ўтказдим ҳажр ила доғда.  
Билмам дўзах ва ё жаннатда юргум  
Шаънимга санолар ўқилган чоғда.

### ҲАСАДГҮЙ ҲАҚИДА

Үнинг кўксин ёрма, эй ҳозиқ ҳаким,  
Сино ҳам топмаган бу дардга даво.  
Мабодо ниш урсанг, вулқон отилиб,  
Қора қурум билан тўлар бу дунё.

## ЮМАЛОҚ ХАТ ӘЗУВЧИГА

Билмам, софдилмисан ёки олчоқсан,  
Дарәми, күлмисан ёки ботқоқсан?  
Лекин бир ҳақиқат аәндир менга:  
Довға чорлаб ұзы қочган құрқоқсан!

\* \* \*

Ишқесизлар фарәди нола бүлолмас,  
Номардлар ошиғу вола бүлолмас,  
Болалар улгайиб катта бүлгуси,  
Ва лекин катталар бола бүлөлмас.

\* \* \*

Бош тошга урилди, тошлар синди-ей,  
Тош бошга урилди, бошлар ёрилди,  
Бош мунча қаттиқ-ей, тош мунча қаттиқ,  
Күк яқын, ер юмшоқ бүлса қанийди.

\* \* \*

Ғам чокидан түқилсін андух,  
Қайғу узра қайғурсин қайғу.  
Аламидан йиғласин алам,  
Заңар ичиб күкарснін оғу.

\* \* \*

Одам әлидан айрилса ёмон,  
Йигит гулидан айрилса ёмон,  
Ёмонлик күп әзур, лек барчасидан  
Улус тилидан айрилса ёмон.

\* \* \*

Осмоннинг устуни йўқ,  
Багирнинг бутуни йўқ.

Одам күйиб ёнади,  
Ва лекин тутуни йўқ.

\* \* \*

Қизиқ маизарани кўраман гоҳи:  
Бироннинг юзида бироннинг кўзи.  
Бирон чўнтағида бегона бир қўл,  
Бироннинг оғзида бироннинг сўзи.

\* \* \*

Фозиллар изидан бора олсайдим.  
Назм боғидан гуллэр тера олсайдим,  
Қалбимда яширин тиниқ бир булоқ,  
Кўзин очиб элга бера олсайдим.

\* \* \*

Сирлар пардасида гавҳар яширин,  
Кўнгил ошкор этмас ҳеч вақт ўз сирин,  
Соҳиби асрорин сақлай олмаса  
Ўзга дил, ўзга қалб қандай яширсин.

\* \* \*

Туҳмат ва иғводир ҳасадчи иши,  
Куррани кемирар ўтса гар тиши,  
Сиртдан билиб бўлмас яхшими, ёмон,  
Юзида баҳори, қалбидаги қиши.

\* \* \*

Доим ёмон баҳо олдим севги дарсида,  
На Фарҳоду на Мажнуни бўлолди устоз,  
Билганим шу: дунёда бир гўзал бор фақат,  
У ҳам бўлса мен севганим ўшал сарвиноз.

\* \* \*

Ҳеч вақт эгилмасин йигитнинг боши,  
Ҳеч вақт тугамасин йигит бардоши,

Қуёш сўнса сўнсин ва лек ҳеч қачон  
Сўнмасин йигитнинг ҳаёт қуёши.

\* \* \*

Инсон туғилади нурдай мусаффо,  
Шу ёруғ дунёда ортирадар гуноҳ.  
Эй, аҳли заколар, айтингиз, нечун,  
Бандаларин ноқис яратмиш Оллоҳ?!

1966—1993

## ФАЗАЛЛАР

\* \* \*

Билолмам, ишқи пинҳоним нечук әлга аён бўлмиш,  
Десам, майли аён бўлса, нигорим бағри қон бўлмиш.

Дегай, ўз гавҳарин денгиэ улоқтиргайму соҳилга,  
Муҳаббат сирри гавҳардур, ики дил ошён бўлмиш.

Қарай олмас кўзим тик ҳеч қачон ул шамси анварга,  
Тилим лол номин айтмоққа, айбдор ким гумон бўлмиш.

Неча одамни маҳв айлаб сирин сақломамиш пинҳон,  
Улус оғзида «Искандар шохи» чўнг достон бўлмиш.

Янги ой ҳам, келинчак ҳам кун ўтгач кўрсатур ораз,  
Неки пинҳон сўнг ошкордур, неки асрор аён бўлмиш.

Агар сир сақласа ишқин ҳама ушшоқ талирмас эл,  
Ки ишқ мавзуи ҳар бир даврада суҳбатга жон бўлмиш.

Фазал ёз, ишқни куйла, ёр жавобин, эл баҳосин кут,  
Бу кун шеъринг ила ишқингга, Мирзо, имтиҳон  
бўлмиш.

\* \* \*

Ул қаро күзлар мени, ваҳ, лолу хайрон айламиш,  
Банд этиб күнглумни мардум ичра зиндан айламиш.

Дил қоним сув, кипригим устун, таним туфроқ этиб.  
Ишқ биносин қурмиш аввал, сүнгра вайрон айламиш.

Васл қасридин бадарга, ҳам кибор ахлига ёт,  
Дардли күнгулларга дардкаш, ҳам қадрдон айламиш.

Гоҳи юз бор үлдуриб, ҳам гоҳи юз бор тиргузиб,  
Гоҳи бир шўҳ боқиши бу күнглум осмон айламиш.

Қалб қушин мисли самандар оташи ишқ ичра кўр.  
Кимки севмиш қалбни оташ ичра сўзои айламиш.

Ой кезар кўк саҳнида, минг-минг кавокиб пойида,  
Ул пари ишқ осмонин кавқабистон айламиш.

Гарчи шоирмасман, аммо, Мирза, севги куйлатиб,  
Илгима тутмиш қалам, ҳамда газалхон айламиш.

\* \* \*

Үйгөнүр деб, ишқ қутармыш ҳар юракнинг бошида,  
Банд этарга зулғу занжирип ҳозирлаб қошида.

Чин вафо ишқ рамзи эрмиш, софлик муҳаббат белгиси,  
Акс этар тонг соғлиги ҳам қатра шабнам — ёшида.

Төш кесиб, саҳро кезармийш, куч синармийш шул йўсин,  
Ишқ иучин таърифи қолмийш Бистуннинг тошида.

Бир қаноти дил эмиш-да, бир қаноти ақл эмиш,  
Дилни у тоблармийш аввал ҳажр аталмийш дошида.

Икки дил бир домга тушса, ҳам қовушса то абад,  
Баҳт уларни бир умрга юргай олиб бошида.

Қайда бўлмай ёр хаёли, Мирза, кўнглум соҳиби,  
Хоҳ Самарқанд, хоҳ Бухоро, хоҳ Кўқон, хоҳ Шошида.

\* \* \*

### Эркин Воҳидов ғазалига татаббуъ

Дилимнинг дарди иккидур: бири ашъор, бири севгу,  
Хазинам тоши иккидур: бири ёқут, бири инжу.

Дилимнинг ваҳми иккидур: бири васлинг, бири  
ҳажринг,

Мисоли тонг икки ёғин: бири зулмат, бири ёғду.

Жаҳонда икки Мажнуннинг бири менман, биридур  
Қайс,

Жаҳонда икки ҳурракнинг бири сенсан, бири оҳу.

Жаҳонда икки дилбар куй: бири алла, бири ёр-ёр,  
Кишига иккидур ростгўй: бири дўсту бири кўзгу.

Жаҳонда икки эўр куч бор: бири шафқат, бири нафрат,  
Жаҳонда икки оғир юқ: бири миннат, бири қайфу.

Заволи икки инсоннинг: бири нафсу бири гафлат,  
Камоли икки инсоннинг: бири меҳнат, бири орзу.

Ҳаёт, Мирзо, кечар доим гаҳи ширин, гаҳи аччиқ,  
Шу боис икки сатримнинг бирни ғамнок, бири эзгу.

\* \* \*

Эй нигорим, қил тараңхұм, айлагил қурбон мени,  
Чунки жон бермоқдин ортуқ қийнагай ҳижрон мени.

Маъшуқ аҳли санғи дилмиш, бағри тошмиш,  
найлайин,  
Ушбу тошлар заҳми багрим этдилар қон-қон мени.

Телба күнглум бұзлагай гоҳ беун ұажр сахросида,  
Гоҳ бузар әл уйқусин бу нолаю афғон мени.

Қайс қулар мажнунлигимдин, әл күруб ҳолим ҳижил,  
Қайға беркитмоқни билмас ер ила осмон мени.

Эй гүзал, комим — висолинг, гар мушарраф ўлмасам,  
Устихоним ичра минг йил қолгуси бу армоп мени!

\* \* \*

Чүксин осмон гумбази, лек чўқмасин инсон дили,  
Куйсин олам ганжи, аммо куймасин бир жон дили.

Тонгда бир дил оғриса гар, шомгача юз дил сиёҳ,  
Субҳидам дил оғритар тилни дема инсон тили.

Не балолар солди инсон бошига фисқу фасод,  
Айтингиз, қай чоғ кесилгай шум ният бўқтон тили.

Не қабоҳат, қанчалар қон наҳрига шоҳид замин,  
Қаҳридин дод солгай эрди бўлса гар осмон тили.

Тебраниб олтин бошоқлар куйласа тинчлик куйин,  
Куйлагай машъум урушни тиф ила пайкон тили.

Гар десанг курра алнга ичра лов-лов ёнмасин,  
Ут билан ўйнашма, инсон, ёлаворар даврон тили.

\* \* \*

Бу олам күрмаган асло санингдек қадди зебони,  
Санингдек бокира дилбар, санингдек хулиң аълони.

Қаломинг жилвасидин аҳли ушшоқ лолу ҳайрондур,  
Лисон олимлари ўрганса арзир сандин имлони.

Шу нозик бўйи бастингда нечук мунча кучу қудрат?  
Бу қақроқ чўл сари бурдинг ўжар, шўх, мавжли дарёни.

Баҳордай чўлга келдинг сен, баҳордай кетмадинг аммо,  
Яшиллик бирла яшнатдинг бу чексиз чўлу саҳрони.

Агар эўр шоир ўлсам бир газал биткай эдим сенга,  
Ки, Ҳофиз назмидин ҳам хўб, қилолмам ҳал бу  
даъвони.

Сахийлик бобида Ҳофизга шогирд тушсам айб этма,  
Қаро холингга бахш айлаб Аторуд бирла Зуҳрони.

Сени тавсиф этарга сўз тополмай доғдаман, дилбар,  
Сатрлар мунча қашшоқ деб, гуноҳкор этма Мирзони.

• • •

Ул қийиқ қошлар нетар учгайму ё құнмоқчиму?  
Лаъл лаблар устина бир дона хол инмоқчиму?

Тим қаро шаҳлолари дил мулкини айлар торож,  
Лек улар яғмолигин тан олгайму, тоңмоқчиму?

Нече йилкім, уйқусиз кеәгум җажр саҳросида,  
Дилбарим ишқ күйіда бедорму, уйғонмоқчиму?

Ишқ занжирида қалбим чирпаниб ғоҳи, нетар,  
Үзни қутқармоқчиму, ё маҳкам бойланмоқчиму?

Охири ёр васлига етдиму, Мирзо, билмадим,  
Ишқ савдоғы битдиму, ё энді бошланмоқчиму?

\* \* \*

Не учун севдинг, кўнгул, дарду ғаминг камроқмиди?  
Гоҳи сархушсан жунундек Қайс ҳамдамроқмиди?

Жимжилоқ бирлан кўтаргай эрдим-ку Фарҳод дардини,  
Барча ушшоқ дарди ишқнинг ичра ё жамроқмиди?

Ул қуёш ўз партавин чун бизга кўрмасмиш раво,  
Шамси анвар нуридин ҳам нури ўктамроқмиди?

Барча дилга йўл тополдим, лек унинг қалби бекик,  
Билмадим тош қалби тошдин ҳам маҳкамроқмиди?

Не учун дил розин айтсам ер чизар мужгонлари,  
Еки севгимнинг баёни асрุ мубҳамроқмиди?

Давраларда гоҳи магрур, гоҳи камтар дер сени,  
Баъзилар олдида ё магрур бошинг хамроқмиди?

Тош эрир дардингга Мирзо, не учун сезмас санам,  
Е дилинг ўртанса ҳам, зоҳиринг хуррамроқмиди?

\* \* \*

Дилбарим кулса фалакдин дурру маржон сочилур,  
Пойига минг-минг кавокиб — мулки осмон сочилур.

Нур ва шодликдинму пайдо ул вужуд, ваҳ-ваҳ,  
кўринг,  
Лаъли лабдин лаҳза-лаҳза лаъли хандон сочилур.

Ул чарос кўзларни кўргач, ўз кўзин ўймиш оҳу,  
Сочларин кўрганда сунбул, лолу ҳайрон сочилур.

Кенг жаҳон боз кенгаяр гоҳ ул пари шодлигидин,  
Гоҳ қабогин уйса кўқдин абри наисон сочилур.

Тоғ — зипа сайр айласа, осмон — кўшк, кўл — ойнадур.  
Кўйида қўзғалса гар бир гард Зарафшон сочилур.

Мирза, гулрӯ ҳажрида ёнсанг мудом лек оқибат,  
Бир кулуб боқса кўнгулдин дарди ҳижрон сочилур.

\* \* \*

Бұлмаса шақ соқиби тадбир, улус маъмур әмас,  
Гар улус маъмур әмас, бил салтанат мақдур әмас.

Ул ватан туфроғида душман кезар әркін ва шод,  
Қайси әл фарзандлариким, мард әмас, мағрур әмас.

Қатл этилгай шумшыят сотқин ила кассоб ҳам,  
Дорга осилған бари Машраб ва ё Мансур әмас.

Әл биладур ҳар күнгүл хуррамлиги, ғам-ташвиши,  
Әл қувонмас әрса күнглүм шод әмас, масрур әмас.

Ер висоликим, нурағышон айлагай күнгүл үйин,  
Ер ила бұлсанғ зимистан ҳам сенға дайжур әмас.

Турфа инсонлар яралмиш бу жағон айвонида,  
Баъзилар Зухрони ҳам дер, хұб әмас, манзур әмас.

Гарчи назминг хұб ва лек чоп айламас ойномалар,  
Мирза, айбинг шулки, номинг әл аро машқур әмас.

\* \* \*

Кимики деса, мен оқман, демак, ул қора албатта,  
Кимики деса, мен согман, дили садпора албатта.

Ишонма воизи минбар лоф урса гар ҳалолликдин,  
Кимики деса, мен покман, у олгай пора албатта.

Ганийдурман, деган кимса, киши ҳаққын еган кимса,  
Магар илгіда ханжар йүқ ва лек хунхор-а? Албатта.

Бу оламда ки ором йүқ, тополмас йүқни ҳеч кимса,  
Ва лек ором топурман деб, ҳама овора албатта.

Агар ким одам эрса элга бергай топганин, аммо,  
Буни ҳеч кимга ҳеч қайда демас бир бора албатта.

Қилур миннат бировга бир тийин берса мунофиқлар,  
Агар миннатли ош иссанғ дилингдур ёра албатта.

Кулар бечораларга баъзилар кибру ҳаво бирлан,  
Ажал келса улар бечорадин бечора албатта.

Бирон иймонли кимса топмадим олам кезиб, эй воҳ,  
Ҳар иккидин бири наҳсу, бири маккора албатта.

Кел, эй Мирзо, умид узма, дегайлар, ноумид —  
шайтон,  
Бирор покиза инсонни топарсан зора, албатта.

\* \* \*

Одами эрмас аниң дилда илоҳи бўлмаса,  
Одамийдур ишқидин ўзга гуноҳи бўлмаса.

Ким ани ошиқ дегай, гар қуймаса ҳажр ўтиға,  
Бузмаса эл уйқусин, ағони, оҳи бўлмаса.

Ваҳ, недин одамни тўрга ўтқазар тўнга қараб,  
Боқмагай бирлар ҳамон одамга жоҳи бўлмаса.

Мумкин эрмаским, жазо бермак ёвуз қотилга ҳам,  
Гар далолат бергучи икки гувоҳи бўлмаса.

Бўлма ҳуррам қочди ёв деб, макридин огоҳ бўл,  
Қочмас эрди балки сенга доми, ҷоҳи бўлмаса.

Элни маъмур айлагай тадбирли қўл, идрокли бош,  
Салтанат барбод ўлур тадбирли шоҳи бўлмаса.

Гарчи шоҳлардин садоқат кутмагай аҳли сипоҳ,  
Мирза, шоҳлар юрмагай содик сипоҳи бўлмаса.

\* \* \*

Эй күнгүл, ишқ ичра ҳар дам сайри гулзор истарам,  
Сайри гулзор айлаганда лоларухсор истарам.

Мен гадо гар сайри гулзор айламакдин бенасиб,  
Ишқ күйинда түшалган бұлса ҳам хор, истарам.

Дейдилар, аҳли жаҳон ичра вафо йүқдир бу кун,  
Мен эсам олам кезиб дүсти вафодор истарам.

Гоҳида иблиссифат муслим күриб дейди күнгүл:  
Кеч гуноҳим, қодир Оллоҳ, белга зуннор истарам.

Ишқ аро чун Қайс каби севмак гуноҳ әрмас әмиш,  
Ошиқам Мажнунсифат, Лайло каби ёр истарам.

Икки олам кори боридан кечурман ёрни деб,  
Биру борым дилга ёру нури дийдор истарам.

Ерни дийдорига етмак гар мұяссар ўлмаса,  
Мирза, кечгаймен жаҳондинким, билік дор истарам.

1994

\* \* \*

Ұзингдан изла, эй күнгүл, адолатни, мұхаббатни,  
Улуглик, илму ҳикматни садоқатни, муруватни.

Түғилгай бахт-саодат ичра юрмакка бани одам,  
Саодатнинг қалити бил ҳалол меңнат, риәзатни.

Ният пок бўлса гар кимда муқаррар коми ҳосилдир,  
Ўзидан қувгай ул ҳар дам жаҳолатни, қабоқатни.

Дегилким, одамий эрмас кишида гар саховат йўқ,  
Қиёматдир шу кун инсон унутса меҳру шафқатни.

Ки бир бошга ўлим ҳам бир ваҳм, қўрқувни дафъ  
айлаб,  
Жўмардлар кўрсатар мардлик, матонат ҳам жасоратни.

Агар мард хизматин қилсанг ҳам айтар ҳамда  
қайтаргай,  
На айтару на қайтар айласанг номардга хизматни.

Кишининг ризқ-рўзи она тупроқдан, табиатдан,  
Бўлар хор ким агар хор айласа қутлуғ табиатни.

Кўнгул заҳмингни содиқ дўстингга айтгил, сен эй  
ўғлон,  
Йиринг боғлар табибингдан яширанг гар жароҳатни.

Гаҳи дерлар, фалон боис қолибман, ваҳ, маломатга,  
Ўзидан изламас кўплар надоматни, залолатни.

Үринма, меҳнатинг зое агар нодон эрур сомеъ,  
Анга ҳеч сингдириб бўлмас фатонатни, фаросатни.

Билинг ул юртда ботир йўқ, билинг ул юртда дониш  
йўқ,  
Агар дафъ этмаса элдан адоват бирла турбатни.

Бахилдан Хотамитойликни кутмас ҳеч қачон оқил,  
Сахийдан сўр саховатни, гўзаллардан — малоҳатни.

Кел, эй Мирзо, белинг боғлаб элу юртингга хизмат қил,  
Ўзингдан изла хайрат, инсофу иймон, диёнатни.

Раво күрмиш бали инсонга түртта роҳи рифъатни:  
Шариатни, тариқатни, маърифатни, ҳақиқатни.

Дили поклик, тили поклик, тани покликка не етсун,  
Кўнгулга жо қилиб ёрни мудом сақла таҳоратни.

Улуғлар ҳикмати ҳар дам дилингда бўлсин, эй фарзанд,  
Ватан ичра сафар қил, анжуманд айла хилватни.

Агар шоҳсен элингга сидқу одилликни кўрсатгил,  
Ки шоҳлардан кутар доим адолатни, адолатни.

Буюк зотларни ҳам йўлдан чиқаргай мадҳ ила мақтов  
Хушомад авж олур элда агар шоҳ севса мидҳатни.

Ажаб нозик эрур кўнгул, уни оғритмагил зинҳор,  
Бўйингга илма сўнг шайтон мисоли тавқи лаънатни.

Кими ғавго чиқариб эл аро ором топар эрмиш,  
Сўранг топмишми ҳеч кимса бўронлардан ҳаловатни.

Чекарсан ғам, алам, андуҳ ўзинг боис, сўзинг боис,  
Ўзингдан сўр ҳимоятни, яратгандан — ҳидоятни.

Ки роҳат роҳат эрмас топмасанг ранжу машаққат-ла,  
Риёзатсиз насиб этса рад эт ризвону жаннатни.

Сахнийликда сенга Хотам ғулом ўлсин, гулом ўлсин,  
Ва хуш хулқда Муҳаммад Мустафодан олгин ибратни.

Агар ёр васлин истарсенки, Мирзо, илтижо айла,  
Илоҳ бир насиб этсун гўзал ёр бирла суҳбатни.

\* \* \*

Бир даме дўст сухбати тахти Сулаймон бирла тенг,  
Бир даме ёр сухбати минг сайри бўстон бирла тенг.

Дўст учун дўстдир қанот, ҳамрозу ҳамкор, ҳамнишин,  
Лек фақат наф изласа, ул дўст душмон бирла тенг.

Фозилу доно билан кечган даминг йиллар каби,  
Фосиқу нодон ила кечган йилинг он бирла тенг.

Баъзилар юртдин кечиб, сўнг минг пушаймон бўлғуси,  
Ўзга эл султонлиги юртингда ултон бирла тенг.

Мирза, қисқа ёз ғазални, барча ҳикмат— мухтасар,  
Мухтасар, ширии ғазал гоҳида достон бирла тенг.

## **ЗАМОН СЕНГА БОҚМАСА..**

Боқмаса сенга замон, сен ҳам замонга боқмагил,  
Гар замон ўзгарса ҳам сен ўз сифотинг сақлагил.

Баъзилар юз бора ўзгаргай замон ўзгарса бир,  
Сен алардин қил ҳазар, нафрат ўтила доғлагил.

Инсофу иймон, диёнат одамийлик фарзи дур,  
Одами эрсанг аларни сийму зарга чақмагил.

Гарчи кўп мушкул эрур юрмоқ адолат роҳидин,  
Сен адолатни пеша қил, ҳақни сев, ардоқлагил.

Ота-она олдида тахти равон туфроқ мисол,  
Онаизор сўқ сутин ҳар дам, э ўғлон, оқлатил.

Гар гуноҳкор бандасен, мардлик қилу иқрор бўл,  
Ўз гуноҳинг ўзгаларга ё замонга тақмагил.

Ноумид бўлма жаҳонда, ноумид—шайтон эрур,  
Сен кўнгүл сарриштасин тоқи умидга боғлагил.

Дейдилар, бекдай юриб, қулдайин ишла, эй ўғил,  
Халқ пандин ол қулоққа, кўксин осмон чоғлагил.

Ташнага — сув, очга— нон, ошиққа—ёр васли керак,  
Мирза, назминг гар аларга наф эмас, қолсун савил.

## **ДОНО БИЛАН**

Бу көңг оламдир мунаввар оқылу доно билан,  
Бу сахий тупроқ гүзәлдир меңнату ижро билан.

Кимки қасд қылса етишгай мақсадига, лек билинг  
Етмәгай мақсадга ҳеч ким — фисқ-фасод, иғво билан.

Барча ҳам қылгай хато, лекин тузатмас барчаси,  
Бұлмәгай ростлаб они афсус, вовайло билан.

Турфа хил инсон яралмиш бу жаҳон айвонида,  
Баъзилар юргай фақат ҳар ерда бир ғавғо билан.

Қам гапирсам таъна қылманг, әзгу сүз топмоқ қишин,  
Гоҳида фикрим бән этгум яна инишо билан.

\* \* \*

Аҳли ушшоқ күнглидин изланг мұхаббат дардии,  
Аҳли җиммат хайлидин изланг кишининг мардини.

Гар мұяссар бұлды пайдолиғ сенга олам аро,  
Иктиёр этгил мудом парвардиғор парвардиини.

Қим меҳрға ғарқ, меҳр мұл, қим аңға зор, топмагай,  
Қай йүсін шарқ айлайин бу каж фалакнинг нардини.

Гар совуқ сув танға роҳат, лек нечун озори бор,  
Тийг мисол күнгилга санчилган совуқ сүз сардини.

Ҳар фазилат бўлгай ошкор пайти келганда фақат,  
Элни ёв босгандага кўргайсиз йигит новардини.

Ўзгани ўздек севиб, ҳақ олдида айланг адo  
Одамийга фарз этилган одамийлик шартини.

Мирза, комрон аҳлига ҳаж фарз бўлмиш, дўстлар,  
Кўзга айланг тўтиё Байтул Ҳарамнинг гардини.

7.10.1997

## Мұхаммаслар

### НАВРҰЗИМ

#### Мұхаммаси мувашшақ

На хүшдур келди наврұзим, ажойиб дилрабо наврұз,  
Күнгүллар шоду қуррам-чун дилафрұз, дилкүшо наврұз,  
Сепилди нам, экенді қут, сочили нур — зиё, наврұз,  
Яшил тұн кийди ўлкам, берди өғи сарупо наврұз,  
Кутар эл доимо интиқ, кел, эй меҳригиё, наврұз.

Адоқ бўлмиш аёз қиши ҳам, илиқ кунлар келиб кам-кам,  
Ҳамал буржиға кирмеш шамси анвар от суреб бол дам,  
Туну кун тенглашиб, янги саногин бошлагай олам,  
Тиниқлашмоқда осмон ҳам, ҳусн очмоқда бўстон ҳам,  
Анинг тавсифига сўз кам, ажиб оҳанрабо наврұз.

Вафо аҳли баҳор фасли висол истар чаманларда,  
Ҳануз ушшоқ эли озор чекар лек ёсуманлардан.  
Кел, эй наврұз, тозарсин кўксимиз доғу туганлардан,  
Сукут сақлаб турар тоғлар кийиб бўрк оқ туманлардан,  
Қи барҳам топса шуқсонлар эрур шул муддао, наврұз.

Раҳмидил бўлғил, эй инсон, хитоб айлаб келар наврұз,  
Қай эл ободу маъмур, ул томон тезроқ елар наврұз,  
Унут бўлсин кудуратлар, дея, ҳиммат тилар наврұз,  
Жаҳон пештоқига ҳар йил бир оқ байроқ илар наврұз,  
Агар ким юрса тинчлик кўйида бил ошно наврұз.

Үриклар гулга бурканмиш, гул узра инжудек шабнам,  
Баҳор шаббодаси боғлар аро топмас қўним бир дам,  
Сузар кўк ичра варраклар жужуқларни этиб қуррам,  
Таратгай сумалак хушбўй нечоғ тансиқ, нечоғ

хуштаъм,

Сенга тош отса ким шарманда бўлмиш эл аро, наврұза.

Замин узра баҳор, күнгүл яшил қир бағрини хушлар,  
Баҳор фаслида бүй қызлар күрар дилбар, шириң  
тушлар.

Күлүнлар той бўлиб ўйнар, дўнанлар от бўлиб кишинар,  
Ўтар қур-қурлашиб, арқон солиб кўп турналар, қушлар.  
Яна турфа сифотинг бор, сенга ҳамду сано, наврӯз.

Иликда ёғ камайган дам ҳалим, кўк сомса дармондур,  
Баҳор фаслига етмак хўб етолмаслик чўнг армондур,  
Баҳорни соғиниб кутган энг аввал ота деҳқондур,  
Сахий ер анга ҳамкордур, анинг орзуси хирмондур,  
Ки охир кузда деҳқон меҳнати олгай баҳо, наврӯз.

Муборак, мустақил юртим, улуғ айём — бу илк кўклам,  
Не тонг наврӯзда пайдо бўлган эрмиш жумлаи олам,  
Зуҳур ўлмиш малойиклар, яралмиш моҳи анвар ҳам,  
Қилурман эзгу ният, эртамиз келсун яна хуррам,  
Дегай Мирзо, бу айём гарди кўзга тўтиё, наврӯз.

## НАВОИЙ ФАЗАЛЛАРИГА МУХАММАСЛАР

Мен макондин кечтиму кечмас хонумонидан эл,  
Мен забондин кечтиму кечмас бу имконимдин эл,  
Мен замондин кечтиму кечмас менинг онимдин эл,  
Мен жаҳондин кечтиму кечмас менинг жонимдин эл,  
Мен илик жондин юдум, чекмас илик қонимдин эл.

Менга дўст ким ҳар саҳар майхона ичра уйғонар,  
Бекасу бечоралиқдин ўртаниб дил тўлғонар,  
Телба аҳволим кўруб Мажнун жунунлигдин тонар,  
Туш-тушимдин баски расвониғ ўти лов-лов ёнар,  
Ҳар тараф йўлдин чиқорлар ўтсалар ёнимдин эл.

Келса гар фасли ҳазон сориг тўнин кийгай замин,  
Бирма-бир барбод этар куз лашкари гул япрағин,  
Ваҳ, бу мунглуг бир нидоким, бўзлагай олам ғамин,  
Бахтим уйқусига гўёқим сурудедур ҳазин,  
Кўйнда буқим уюмас ҳар тун афғонимдин эл.

Гоҳи диллар музлагай бу бадқилиқлар сардидин,  
Қайси дард оғир эрур ҳажри муҳаббат дардидин,  
Дардими оғирлигин сезгай юзумнинг зардидин,  
Тонимаслар бир-бирин ёғқон мазаллат гардидин.  
Сўреали ҳолим кириб чиққунча вайронимдин эл.

Хурда бошимга маломат сангидин ҳардам хатар,  
Гарчи мендин ҳеч кима йўқ на малолат, на зарар,  
Умр ўтар, оққим, надомат ичра маҳзун, бесамар,  
Менда тумори жунундек печ, ваҳқим, бехабар  
Ҳар тараф кўнглумда қонлиғ доги пинҳонимдин эл.

Ердин айрү тушти роðим, ҳажри дилни этти заъф,  
Ер тарафда йүкму ағәр, доимо күнгүлда хавф,  
Бўлса имкон ёрга мен қиссан тазарруъ, этса авф.  
Истарам, эй Хизр, келгаймен қилиб жон бирла тавф,  
Каъбани кўйин хабар топқунча борғонимдин эл.

Қайс эмасмен, лек ажаб Мажнун киби афсонамен,  
Аҳли жоҳилдин йироқ, кибр аҳлига бегонамен,  
Ким ғариб, ким нотавон, Мирза, анга ҳамхонамен,  
Эй Навоий, қилмагайлар айб агар девонамен,  
Ул пари васфин ўқуғон сойи девонимдин эл.

\* \* \*

Гул юзун тавсифига лолдур Ҳирот ҳам күхна Шош,  
Ол дудоқ, қирмиз ёноқ, бодом қабоқ, қайрилма қош,  
Икки жозиб чашм ичинда икки меҳр айлар маош,  
Оразин ёпқач күэзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Үйлаким пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлгач қуёш.

Бошим узра гоҳ булут, гоҳи сулув офтоб эди,  
Ичганим кам-кам гулоб, гоҳида майи ноб эди,  
Билганим тангрига тоат, ҳамда ширин хоб эдя,  
Қут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,  
Форати дин этти ногаҳ бир балолиг кўзу қош.

Еш кўнгул ҳеч сигдиролмас кишинаган той ишқини,  
Қўмсагай ёз фасли келса шўх оқар сой ишқини,  
Жо этиб бўлгайму дилга қошлари ёй ишқини,  
Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой пшқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.

Мунча нозук таъб ўлурму, қайди эркан мактабинг,  
Одамизот хайлидинму ё малакдин мазҳабинг,  
Меҳру шафқатниму билмаслик эрур чун матлабинг,  
Бўсае қилмас мурувват асру қаттиқдур лабинг.  
Десам, оғзи ичра айтур, лаъл ҳам бор навъни тош.

Кўкрагим барча маломатга нишон, айб этмангиш,  
Телба ҳолимга мудом кулса жаҳон, айб этмангиш,  
Бир пари ҳажрида Мирзо ютса қон, айб этмангиш,  
Қоши оллинда Навоий берса жон, айб этмангиш,  
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйгусидур барча бош.

\* \* \*

Жоҳнинг тахти равондин сарбаландму рифъати?  
Муштаракму шамси анвар бирла моҳ жинсияти?  
Моҳнинг шамлар билан қайдин тенг ўлсун қисмати?  
Шоҳнинг мунглую мушаввашлар билан не нисбати?  
Комронларнинг балокашларга қайдин улфати?

Улки жаҳд этса, кавокиб чашмидин имкон томар,  
Улки фахр этса, кўнгулга гул томар, райҳон томар,  
Улки заҳр этса, кўнгул озоридин ағон томар,  
Улки қаҳр этса, қиличидин дамодам қон томар,  
Бағридин қон томгучилар бирла не жинсияти?

Одам умри мисли шабнам титраган япроғ ила,  
Ваҳки, бир дам ҳам умрдин ўтмагай ардоғ ила,  
Қотиби тақдир кўнгулга нақш чекмиш доғ ила,  
Даҳр қилғондин яланг бошини тенг туфроғ ила,  
Не хабар улким, етар гардунга тожи рифъати?

Нотавонларга наф ўлмас ёғса осмондин сафуф,  
Шодумонлар чашми гирёнлар била турмас суфуф,  
Бадбурушлар хайлига ҳеч ошно бўлмас Юсуф,  
Мўр аёғ остида ўлгондин қачон топқай вуқуф,  
Арслонким, кўкка чирмашгай ғириви шавкати?

Эл ғами бирла кезиб, даврон ўтиға куймаган,  
Еки фарзанд ўстириб, бир жон ўтиға куймаган,  
Мен киби жондин кечиб жонон ўтиға куймаган,  
Бир кеча тонг отқучча ҳижрон ўтиға куймаган,  
Кайда билсун ким, недур мажруҳ кўнглум ҳолати?

Эй күнгүл, ишқ ичра бордур тиэ чўкиб зтмак ниёз,  
Эй күнгүл, ишқ ичра йўқ ҳамду сано ҳам сарфароз,  
Эй күнгүл, ишқ ичра бор парвона янглиғ сўз, гудоз,  
Эй күнгүл, ишқ ичра йўқ шоҳу гадоға имтиёз,  
Ут аро тенгдур қуруқ ё ӯл ёғочнинг хирқати.

Аҳли ушшоқ, Мирза, мажнун ҳамда нозиктаб эрур,  
Ошиқ аҳлинким машаққат чекмаги бу даъб эрур.  
Маъшуқ аҳлин ошигидин қочмоги бир лаъб эрур.  
Ишқ комин, эй Навоий, тарқ қилмоқ саъб зурур.  
Хоссаким, йўқ зуҳду тақзо бирла күнглум рагбати.

\* \* \*

Ато кўнглига доғ инмиш Ҳаво илгида дон кўргач,  
Шу боисдинки, тифле қичқириб йиглар жаҳон кўргач,  
Нечук бийм босмасун оҳуни сайёдда камон кўргач,  
Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,  
Эрур андоқки, қушлар қичқиришқайлар йилон кўргач.

Бу ишқ дарди мени аҳли жунун ҳайлиға бош этти,  
Бирони дарбадар айлаб, бирони сангтарош этти,  
Багирни жабри қон қилди, ғами чашмимни ёш этти,  
Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,  
Балиғ заҳмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.

Кетибдур ихтиёр қўлдин нечук собит ўтурайким,  
Жунун саҳросида ишқ тевасин қайларга бурайким,  
Муҳаббат жаврини чектим ва лек ишқим ошурайким,  
Кўзум қон ёш тўкар, нетиб кўнгул заҳмин яшурайким.  
Топарлар ерда заҳмин сайд қонидин нишон кўргач.

Тилаб эрдим висол, аммо бўлубмен ҳамдами ҳажринг,  
Қачон откай висол тонги, қачон ўчкай шами ҳажринг.  
Бўлубдур қанча дил пора етиб тийғи дами ҳажринг.  
Бўёлғон қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,  
Кўнгул боғида баргедурки ол ўлмиш хазон кўргач.

Баланд-паст йўлда әгнимда гаҳи хирқа, гаҳи тўрқа,  
Бу оламнинг ғами дарё ва лекин шодлиги журъя,  
Юзунг зарҳал китобдурким: холинг нукта, қошинг  
руқъя,

Кўнгуллар нақдини торож этарга ёпмогинг бурқаъ,  
Анингдекдурки, юз боғлар қароқчи карвон кўргач.

Не каслар эл аро юргай ки мүмин, камсуқум токи,  
Қаю кун курсига минса сүкулгайдур димоғ чоки,  
Қиёс этсанг баробардур гадо бирла амир хоки,  
Эрур чун өлам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,  
Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон күргач.

Бу майдон ичра кирмакка магар сен айладинг тақрир.  
Сиёҳ бирлан битарсен шеър, риёзатда кечар тақдир,  
Улуглар баридин тутмоқ ва лек, Мирзо, нечоғ тавқир,  
Навоий, хурдайи назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки, сочқай хурда бошйыг узра шоҳи хурдадон күргач.

\* \* \*

Дейдилар, ёш келса шул дам күрсатынг меңнат анга,  
Кексага таъзим қилинг, ҳам иззату ҳурмат анга.  
Кимки нодон нағбын йўқ ёғса агар ҳикмат анга,  
Ҳар гадоким, бўрёйн фақр эрур кисват анга,  
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хильят анга.

Ким фалакда, теграсинда кавкабу ою қуёш,  
Ким жунун саҳросида оҳу билан айлар маош,  
Ким бақо туфроғида ухлар қўйиб бош узра тош,  
Ким фано туфроғида ётиб қўяр тош узра бош,  
Тахт уза эрмас музажаб муттако ҳожат анга.

Эл қувончи кимга байрам, кимга дўзах дудидур,  
Дер, риё аҳлига дофеъ ростравлар бурдидур,  
Ҳар не халқ уммединдурким, марднинг мақсудидур,  
Ҳар не шаҳ мақсудидур. дарвешнинг мардудидур,  
Қўр, недур ҳиммат мунга, не навъ эрур ҳолат анга.

Тамаъ дастурхонидин ризқ донини термас фақир,  
Бир даме кибру ҳаво туфроғида юрмас фақир,  
Гар боши туфроғдадур туфроқ эмас, ермас фақир,  
Фақр кўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас фақир,  
Мулк кўрким, тенг эмас туфрог ила қиймат анга.

Нола чеккай неча пок диллар маломат заҳмидин,  
Этмасун ҳеч кимни маҳрум ҳақ таоло раҳмидин,  
То қиёмат баъзилар йиглар ўзин бир саҳвидин,  
Шоҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,  
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.

Содиқ әрмас ким дамодам сидқ-вафодин лоф уурур,  
Сидқ әли ұар дам садоқат қасрида собит турур,  
Чин садоқат боиси меҳру вафо, ҳурмат әрур.  
Шаҳта сидқ ахли дамидин машъали давлат әрур,  
Меҳрдекким, субҳ анфоси очар талъат анга.

Жоиз әрмаским, надомат шаҳ қизин севса ғулом,  
Тонг әмас чарх әврүлуб баджаҳл ўлса хүш қалом.  
Не ажаб дарвешға шаҳ қўл кўксіда берса салом,  
Шоҳға шаҳлиғ мусалламдур, агар бўлгай мудом,  
Шоҳлиғ таркин қилиб, дарвеш ўлур нийят анга.

Гоҳи пинҳон шаҳ қулоҳ-жанда кийиб қилғай сафар,  
Юрт кезиб дарвешсиғат эл кўнглидин топқай хабар,  
Эл-улус маъмурлиғи нийят ўлур шому саҳар,  
Мумкин әрмас шаҳлар ичра бўйла нийятлиғ, магар  
Шоҳи Фозийким, мұяссар бўлди бу давлат анга.

Ҳақ сўзин айтган кўнгул озурда ўлмас, ғам еманг,  
Мирза ҳоли не кечур, султон қаҳр этса деманг,  
Йўқ әмас шаҳларда ҳам шафқат ила инсоғу нанг,  
Гар Навоий сўз узатти, фақрдин әрмас деманг,  
Бўлмагунча ҳукм шаҳдин, қайда бу журъат анга.

\* \* \*

Күк губори кетди бир-бир, келди чун ўкгам баҳор,  
Еэгали қўнгул губорин келгил, эй кўркам баҳор,  
Лоларухсоринг била кўркам эрур тамтам баҳор,  
Ғунчайи хандон била ҳуснунг гули хуррам баҳор,  
Хаттинг андоқ сабзаким, бўлғай анга ҳамдам баҳор.

Аҳли Мажнун топмагай ҳеч болу бўстонда паноҳ,  
Не ажабким, ишқ элинда йўқ эмиш таҳт бирла жоҳ,  
Келди пайғом, оразин очкай, дебон, ғул юзли мояҳ,  
Шодлиғдин гулшани висолингда йиглаб чексам оҳ,  
Енма юзким, гулга бўлмас ел ёғиндин ғам баҳор.

Барча қут, файз Ҳақ нигоҳин нури тушган ердадур,  
Гарчи айрўмен висолингдин хаёлинг биргадур,  
Дили заъфлиғ, юз хазонлиғ маҳлиқодин тухфадур,  
Оразим акси юзунг ойина тушган турфадур,  
Ким кўрубтур ҳазон бир ойда бўлғай ҳам баҳор.

Дейдилар, олам элин бир қисмидур аҳли жунун,  
Баъзилар айшда ва лек аҳли жунуннинг багри хун,  
Оҳким, фасли ҳазон бўй кўрсатур гоҳи бу кун,  
Войким, бир гул ҳазонга солди айшим гулбунин,  
Ушбу фасл иҷраки топмиш жумлайи олам баҳор.

Дўстлар, келди баҳор, боғлар кезиб айланг ҳузур,  
Мирза, кўклам муждаси, дер, мурдага жон киргузур,  
Энди сунбул соchlарин қизларда майда ўргузур,  
Эй Навоий, чин баҳор эркин бу, ёхуд кўргузур,  
Боги ҳулқидин улусга довари аъзам баҳор.

Ул ой аворидин маҳзун дилимни баҳраманд этмас,  
Ани мен Аршда тутқаймен, мени у сарбаланд этмас,  
Ани кўрмак менга орзу, мени у орзуманд этмас,  
Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сұхбатин кўнглум писанд этмас.

Дегай, офтобга чиқмайди мушук наф бўлмаса зарра,  
Қуёшдин ойга нур ингай, не суд лек шамси авварга,  
Садоқат бўлмағай дўстликда гар мақсад фақат баҳра,  
Не баҳра топқамен андинки, мендин истагай баҳра,  
Чу улким, баҳрайи андин тилармен баҳраманд этмас.

Не ҳурким ул фаторат етказур сабру саботимға,  
Парий рухсоридин нур инмади нурсиз работимға,  
Аларнинг савтидин не наф менинг маҳзун баётимға,  
Нетай ҳуру парий базминки қатлим, ё ҳаётимға  
Аён ул заҳри чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Керак дардимни юкларға самандим ёки норимким,  
Жунун саҳросида мисли қуюн ўз гард-губоримким,  
Керак ўз кулба вайроним, керак ўз оҳу зоримким,  
Керак ўз чобуки қотилвashi мажнуншиоримким,  
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгул уз ҳур висолидин ки эй воҳ, демаким охир,  
Кўнгул уз гул узоридин берурсен елгаким охир,  
Кўнгул уз даҳр молидин берурсен селгаким охир,  
Кўнгул уз чархи золидин фирибин емаким, охир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгга каманд этмас.

Анинг тавсифига мулкимда, эй Мирзо, етишмас сўз,  
Фалакка бир тикилган дам эриб биткай неча юлдуз.  
Тилармен оч юзунг, эй сочи сунбул, қошлиари қундуз,  
Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасун деб кўз,  
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

\* \* \*

Кимки чўл багрида бўстонларни бунёд айлагай,  
Ким ғарибу нотавон, мазлумга имдод айлагай,  
Кимки бир покиза дил руҳин мудом ёд айлагай,  
Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Кимки ёр севса севилмоқ бахти эрмиш нораво,  
Чун азал котиблари ошиқ жабин ёзмиш қаро,  
Ваҳки, ушшоқ аҳлиға ҳижрон ўти эрмиш жазо,  
Ер ҳижронидин ўлгумдур, бу павъ эрмиш сазо,  
Ул кишигаким, бирорга ўзни мўътод айлагай.

Мудраган дилларга етгайму аламли дил саси?!  
Оlam айвонида кўптур макру ёлғон меваси,  
Одам авлодида кўптур инсоф, иймон беваси,  
Одам авлодида камдур одамийлик шеваси,  
Одам эрмас, улки майли одамизод айлагай.

Кўнглума еткай малол ҳар дам ғайр озоридин,  
Ёгилур бошга маломат ўзганинг бад коридин,  
Қонғай агёр итлари чун ташланиб ҳар соридин,  
Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийфи кин,  
Енгилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай.

Доғли кўксим йўлларингда туфроқ ўлсун, эй пари,  
Сўэни ёлғон айтган оғиз қонга тўлсун, эй пари,  
Мирза ҳам ошиқ бўлуб бир бора кулсун, эй пари,  
Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,  
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

\* \* \*

Ер қачон келгай, қачон откай сабоҳим, билмадим,  
Бир садо бергай фалак, етдиму оҳим, билмадим,  
Зулм этар султон ва ёр, қай бири шоҳим, билмадим,  
Не учун тарки муҳаббат қилди моҳим, билмадим,  
Бу ғазабким айлади моҳим, гуноҳим билмадим.

Ваҳки, ишқ осмонида ул моҳ кўрсатди жамол,  
Воажаб бир моҳрўда барқ урар иккى ҳилол,  
Ойга ошиқ ўлғоним ағёргаму келмиш малол,  
Ошиқ ўлдум ёрдин топқай дебон кўнглум висол,  
Ҳажр бу янглиғ бўлурни кийнаҳоҳим билмадим.

Ҳеч ким ишқ дардига малҳам топмагай жарроҳдин,  
Юргум ушшоқ роҳидин, ҳеч қўрқмағаймен ҷоҳдин,  
Еру осмон ҳам хижилдур мен киби гумроҳдин,  
Ер кўйи ичра йитти зор жисмим оҳдин,  
Қайда тушканни бу елдин барги коҳим билмадим.

Ўмри жовид йўқ муҳаққақ, ул кечар бир туш киби,  
Интиҳоси талҳу фоже, ибтидоси хуш киби,  
Ишқнинг заҳри мудом шаккар киби, ё нўш киби,  
Ишқ бўстонига кирганда ҳавойн қуш киби,  
Сунбули зулфи бўлурни доми роҳим билмадим.

Ишқ ҳажри этди, Мирзо, йўғу боримни қаро,  
Эл аро саргаштаю номуси оримни қаро,  
Неки билдим, неки қилдим—саъий коримни қаро,  
Эй Навоий, бўйла қилғон рӯзгоримни қаро,  
Ҳажр шоми эрди ёхуд дуди оҳим, билмадим.

\* \* \*

Қаҳри келса дилбарим ёзни аёз айлар, нетай?  
Эл аро ағёрни васфу сарфароз айлар, нетай?  
Мен недин очсан оғиз ёр эътироэз айлар, нетай?  
Нече кўргузсам ниёз, ул шўх ноз айлар, нетай?  
Жавр кўптин-кўп, тараҳҳум оздин-оз айлар, нетай?

Бу не ишқим, умр ўтар, бир бора келмас ёз ҳам,  
Бир dame эл наздида этмас мени мумтоз ҳам,  
Шарҳи дил битсан ажаб, куйгай шу дам қоғоз ҳам,  
Мен ниёз айларда истигнодин этмас ноз ҳам,  
Ноз ҳам ҳайф элга изҳори ниёз айлар, нетай?

Етмас олам дурру ганжи берса ҳуснига закот,  
Не вужудким билмагай лутфу карам, на илтифот,  
Бахтлидир ким ичса бир бор лаълидин оби ҳаёт,  
Эл билаким лаълидин жон истар, айлар ихтилот,  
Жон бериб лаълиға мендин эҳтироэз айлар, нетай?

Ваҳки, чеккан оҳларим ҳуснин оширгай дам-бадам,  
Тешгай осмон гумбазин ошиқлар оҳин қилса жам,  
Телба ишқимни ниҳон тутмоқни чу истар санам,  
То ҳақиқий ишқ мастимен, кўнгулни қовмушам,  
Ониким андишайи ҳусни мажоз айлар, нетай?

Аҳли ушшоқ ичра йўқтур мен киби бир беадаб.  
Жон сўранг майли ва лекин тарки ишқ қилманг талаб,  
Бўлма, Мирзо, ишқсизлар ичра кулгуга сабаб,  
Мен ҳусайнин мазҳаб ар ҳамроҳ эмасмен, йўқ ажаб,  
Чун Навоий ҳар дам оҳангиги Ҳижоз айлар, нетай?

• • •

Дұстлар, дил зақмиға бир моҳирүй дилбар сабаб,  
Мен гадони шоқ этарди қўйса гоҳи бир қараб,  
Зулфу занжирини ўйнаб, кипригин ерга қадаб,  
Юз сўзумдин бирига бермас жавоб ул нўшлаб,  
Оғзини йўқтур десам воқиъки, ҳеч эрмас ажаб.

Дил жунун саҳросининг бўйла баланд-пастидадур,  
Оҳким, жон риштаси ул сарвқад дастидадур.  
Беқарор кўнгул қуши бир дона хол қасдидадур.  
Нуқтайи холинг недин ширин лабинг устидадур.  
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб.

Аҳли қотил матлаби ё ганж эрур, ё хун эрур.  
Ким хиёнат қилса дўстга каслар ичра дун эрур.  
Мен нечук оқил бўлай устоз магар Мажнун эрур,  
Васл не янглиғ мұяссар бўлгусидур, чун эрур,  
Дилбарим нозук мижозу мен бағоят беадаб.

Пора кўксимни даги сен пора қилиб чекма тийғ,  
Эл аро расволигимдин кижил ўлуб чекма тийғ,  
Еки қаҳринг ёшуруб, ой каби кулуб чекма тийғ,  
Гар қуёш дерлар юзушни, гарм бўлуб чекма тийғ,  
Элга журме йўқ, инар чун осмондин ҳар лақаб.

Истарам ҳар дилда бўлсун аввало иймону дин,  
Алҳазар қай дилга жо фисқу гарәз, тазвиру кин,  
Ташнадурсен, Мирза, нўш айла халойиқ фикридин,  
Гар наво топса Навоий лабларингнинг зикридин,  
Тонг эмастур, чун мудом афзун бўлур майдин тарағ.

\* \* \*

Зор күнглум бир даме ёр васлинни истар бироқ,  
Ерга ишқ әсроридин қай ёсуман бермиш сабоқ,  
Гар мени күрса шу дам қош чимрилар, уйгай қабоқ,  
Ёр чун истарки, бўлгаймен мудом андин Йироқ,  
Ул жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун фироқ.

Ҳақ сўзи тенг аҳли мўмнин, аҳли инкор оллида,  
Тенг турарму ботиру қўрқоқ ажал — дор оллида,  
Андалиб тенг куйлагайму гул била хор оллида,  
Яхшиларга бас ёмондур ҳолким, ёр оллида  
Тенг дурур яхши-ёмон, балким ёмонроқ яхшироқ.

Гул ёнин хор, ёр ёнин ағёр мақом этмиш, не тонг,  
Багри қон ишқ аҳли ол лоладин жом этмиш, не тонг,  
Эгри ёйдин пайкон қочмоқни ком этмиш, не тонг,  
Шаҳ ёнин фарзин киби қажлар мақом этмиш, не тонг.  
Ростравлар арсадин гар чиқсалар руҳдек қироқ.

Ўз сири, ўз маҳзани бор ҳар тогу ҳар жойнинг,  
Қанча лойқа бор тубинда соф кўрунмиш сойнинг,  
Макру ҳийла кўп ичинда сирти оқ сарройнинг,  
Маҳжабинлардин сияҳдиллиқ не тонгким, ойнинг  
Ботининг кўрсанг қародур, гар кўрунур зоҳир оқ.

Элда бор ҳикматли гап, бир жойда ўсгайдур дарахт,  
Ўз элинг дарвешлигин ол ўзга эл гар берса тахт,  
Мирза, бўл бахти қаро топқунча ўзга элда бахт,  
Кўп Ҳижоз оҳангига тузма, ёр ила бўл барча вақт,  
Эй Навоий, гар Ажам бўлсун мақоминг, гар Ироқ.

• • •

Оlam ошубиға боис чашми фаттонму эмас?!

Юзни зағар айлаган ул дарди ҳижронму эмас?!

Дилбаро, лаъли лабинг чун оби ҳайвонму эмас?!

Дам-бадам лаълинг хаёлидин ичим қонму эмас?!

Қатра-қатра кўё йўлидин юзга ғалтонму эмас?!

Етти ранг бирла битилмиш ишқ китобин сафҳаси,

Мумкин эрмас ёр хаёлидин кўнгулнинг маҳласи,

Гоҳи юлдузму сочилгай, ёки дилбар хандаси,

Гаҳ ўлуб, гоҳи тирилсам тонг эмас, ваҳ, ғамзаси

Қотил эрмастурму, ё нўши лаби жонму эмас?!

Ким менингдек чекмиш озор каж фалакнинг илкидин,

Топмадим бир кимсанниким, рози тақдир қилкидин,

Қолмади дарз кетмаган умри жавоҳир силкидин,

Не ажаб, ишқ оғатидин чиқса жон тан мулкидин,

Шаҳна золимму эмас, ё мулк вайронму эмас?!

Бормагаймен, кибр элинда мен гадони кутмангиз,

Ҳам ўтиңгаймен, ғанийлар ичра ташлаб кетмангиз,

Гулсанам, гулгун санамлар базмида май тутмангиз,

Даҳр шўхига кўнгул гар бермадим, айб этмангиз,

Ишваси чинму эмас, ё аҳди ёлгонму эмас?!

Ишқ азоби ўртаган дам, соқиё, май сун дема,

Ҳажрида қон йиғласам Сайҳун дема, Жайҳун дема,

Зоҳирон хуррам кўруб, Мирзо эмас дилхун дема,

Дашт аро кўрсанг Навоийни эмас Мажнун дема,

Тошму урмас кўксига, ё жисми урёнму эмас?!

\* \* \*

Мұхаббат шарқини дил дафтариға ёза истармен,  
Висол қасрін күрарға бир баланд ҳавоза истармен,  
Тиниқлиғда баҳор осмонидін андоза истармен,  
Баҳор андоқки, булбул гулузори тоза истармен,  
Кім ул'гүлбонг ила ўзни баланд овоза истармен.

Күнгуллар соғ, кезардук болалыкнинг күйіда хуррам.  
Тушиб қай күн юракка ишқ үти топмиш бары бархам,  
Замон қажравлигидін күксіма доғлар инар ҳар дам,  
Чу ул гул тоза-тоза үт солур күнглум аро, мен ҳам  
Ул үтдин күкрагим дөгінни тоза-тоза истармен.

Күруб мажнунлигим зоҳид маломатлаб, урарлар дүқ,  
Кезиб олам уйин билдім дилафрұз кам, дилафгор чұх,  
Хаданғаннің ёмғуридин бу танимда ўқ, дилимда чұғ,  
Эритсам гар күнгүл чоки учун пайқонларинг, тонг йўқ,  
Темурдин чун ҳисори дард учун дарвоза истармен.

Не тонг оҳим фалакнинг түйнугидин үт бўлиб чиқса,  
Ўчурмоқ мумкин эрмас тўртта уммоннинг сувин йиғса,  
Бўлай ит гар күнгүлга сендин ўзга дўсту ёр сиғса,  
Фироқнинг ичра розимен фалак жисмим уйин йиқса,  
Хилофи одат уй вайрон қилурға коза истармен.

Илиндім доми зулфинғға, күнгүл мундин пушаймондур.  
Кел, эй Мирзо, алам чекма, бу бир ўткинчи даврондур,  
Ҳаёт бу икки-уч эзгу калом айтурға имкондур,  
Навоий назминнинг авроқи зулфунгдин паришондур,  
Аннің жиљдига сунбул торидін шероза истармен.

\* \* \*

Ер зулфун ўйнаса оламни боскай мушки ноб,  
Не саодатким, чўкуб тиз илгидин ичсанг гулоб,  
Лоларухсор шуъласидин лоларангдур майни ноб,  
Топмиш ул юз қатра-қатра қайдин ўзга обу тоб,  
Қайда, ваҳ-ваҳ, мунча кавкаб зоҳир айлар офтоб.

Дил ба ёру даст ба кор, дер, ишлагил дам куймасун,  
Содик ўл олам элиға дўсти ҳамдам куймасун.  
Эй пари, юз очма мендин, ўзга одам куймасун,  
Чиқма тўқуз парда кейнидинки, олам куймасун,  
Олсанг олти-етти бурқа, қўйсил икки уч ниқоб.

Ваҳ, нединким чеҳрасинда мунча ўт, ёлқин, шарор,  
Боқсам унга кўз қамашгай, боқмасам дил бекарор,  
Не иложким, бир боқиб, сўнг кўзда ёшим шашқатор,  
Бир дам ул юз нақши гирён кўз аро толмас қарор,  
Су аро хуршид аксидекки, қилғай изтироб.

Ул киби гулюзни кўрганму жаҳон минг эврулуб,  
Музтариб дил риштасин арқоқ этиб, ўрмак ўриб,  
Иўлиға солсам пойандоз, ўтди ёр юз ёшуруб,  
То кўнгул девона бўлди ул пари лаълин кўруб,  
Ҳифз учун қайдига қилдим риштайи жондин таноб.

Ишқ элинда токи бор Мажнун ила Фарҳодким,  
Ишқ уйи топмас завол ҳам бўлмағай барбодким,  
Бўлмадим ишқ дардидин, ваҳ, бир даме озодким,  
Дарди ишқимдин савол этти ул ой, фарёдким,  
Юз жавобим бору йўқ ҳушум демакка бир жавоб.

Ул пари гулдин кийинмуш, камзули гул енгликим,  
Маҳжабин, сиймин бадан, гулчөбра, гулгун энгликим,  
Лаъли лаб узра муқим бир дона холли — менгдиким,  
Бу чаманда ғунча эрмас, англа булбул кўнгликим,  
Шишлади ишқ айламакка оташин гулдин кабоб.

Қимки эл фарзанди, ёғий кўнглини шод этмагай,  
Одамийдур ким нафса ўзни мўътод этмагай,  
Мирза, билғил сабр эли ҳеч оҳу фарёд этмагай,  
Эй Навоий, гар десангким ғусса барбод этмагай,  
Бош кўтарма бодадин зинҳор андоқким ҳубоб.

\* \* \*

Ой тушдиму осмондин, дилбарму экин оё?  
Чеҳрангму шафақ ял-ял, ҳоварму экин оё?  
Илгингда майи лим-лим соғарму экин оё?  
Май бирла юзунг тим-тим аҳмарму экин оё?  
Е шуъла аро бир-бир ахгарму экин оё?

Қош остида чашмингму, жавҳарму экин ёхуд,  
Лаб узра муқим менгму, ҳожарму экин ёхуд,  
Хуш бўй таралур мушкму, анбарму экин ёхуд,  
Ҳар сори қулогингда гавҳарму экин ёхуд,  
Ҳар жонибida ойнинг ахтарму экин оё?

Не ҳусну латофатким мурдага жон киргуздинг,  
Не ҳусну малоҳатким, ишқ элин оҳ ургуздинг,  
Сунбул сочинг, эй дилбар, қирқта қилиб ўргуздинг,  
Рухсоринг уза хайдин юз қатраки кўргуздинг,  
Гул баргида шабнамдин гавҳарму экин оё?

Боғ ичра сўлум ғунча ишқ жаврини кўргондек,  
Ғунча танидин неча найза чиқадурғондек,  
Гулбун тикони аммо эрмиш анга қўргондек,  
Ғунча ичида даврон муҳкам тикан ургондек,  
Кўнглум аро ғамзандин ханжарму экин оё?

Дилбар, не боис менга ишқинг самари армон,  
Чашмингни нечун мендин ҳар дам яширас мужгон,  
Топдингму хабар, билмам, кўйингда дилим сарсон,  
Кўнглум қушким, қолмиш зулфунг аро саргардон,  
Савдо тунида сойир шаппарму экин оё?

Ишқ ахлига ул мажнун саҳроси чаманлардур.  
Кўйимда чаман эрмас санглардур, тиканлардур,  
Санглар не, тиканлар не, маккор ёсуманлардур,  
Жон пардасида ҳар ёнким, янги туганлардур,  
Қатлимға фалак тузган маҳзарму экин оё?

Ошиқ бўлуб, эй Мирзо, ёр васлига ким етти,  
Фарҳод ила Мажнунлар ҳижрон доғида кетти,  
Ишқ жаврини шарҳ айлаб, дил қонила шеър битти,  
Эл деса Навоийниким, жавр ила тарқ этти  
Ишқингни, сенга бу сўз боварму экин оё?

• \* •

Эй тариб, келгил сени ғурбат аро ҳамдам тутай,  
Сен менга ҳамдард бўл, мен дардингга малҳам тутай,  
Нуҳ тӯфонин кўргузай, киприкларимда нам тутай,  
Эй кўнгул, келким бало базмида жоми ғам тутай,  
Уз қатиғ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

Ёр ила ағёр топишди, хаста дил мотамсаро,  
Ҳам замон қажравлигидин кўксима инмиш яро,  
Чун макон йўқ эмди менга ёр ила осмон аро,  
Ниглабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қаро,  
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.

Мудраган эл уйқусин қочиргил, эй қодир худо,  
Қим анга саъй этса гар бошиға ёққайдур бало,  
Не балоким, қолмади олам элинда бир вафо,  
Олам аҳлига неча қилдим вафо, кўрдум жафо,  
Эй кўнгул, келгилки тарки жумлайи олам тутай.

Англадим, ҳар ибтидоға бор экан бир интиҳо,  
Англадим, олам уйинда турмогим эркан фано,  
Англадим, ёр васлидур бу дарди ҳажримға даво,  
Мастлиғдин ўзга йўқ дардим иложи, соқиё,  
Май кетурким, ҳам ичай, бир лаҳза они ҳам тутай.

Дўстлар, аҳли замон бойликка қўймишлар ҳаво,  
Аҳли меҳнат, ҳам фунун аҳлига мушкуллик раво,  
Мирза, ҳақ сўзни демас эл оллида кўп раҳнамо,  
Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,  
Эй Навоий, мен вафо сарриштасин маҳкам тутай.

\* \* \*

Ул пари ҳуснин күруб оламни тарк эткай қуёш,  
Бир күруб тенгсиз жамолин тұхтамас күзларда ёш,  
Ҳусн әлинде қай гүзал онинг била қылғай талош,  
Ҳусни девони уза матлаудур ул пайваста қош.  
Қотиби тақдир аниң мисраъларин ёзған туташ.

Ақли ушшоқ ошубига боис ул гулрух эрур,  
Күксими захм айлаган тошлар уюми — күх эрур.  
Ичганим зақру аламдур, чекканым андух эрур.  
Үтлүк охымдин бўғуз оғизимбача мажрух эрур.  
Айб қилма, эй кўнгул, иоламда фаҳм ўлса харош.

Ишқ водийсида Мажнун ҳолима ҳайрон боқар,  
Раҳм этиб бу доғли кўксим заҳмиға малҳам ёқар,  
Қон ёшим селобидин огоҳ ўлинг, ақли шаҳар.  
То сиришким қонга эврулди даме тинмай оқар,  
Музтариб ўлмоқ ажаб йўқ бўлса хун олуда ёш.

Қўмсадим ёр васлини истаб фараҳ ўтган кечада,  
Бир тараҳхум этмади лек менга маҳ ўтган кечада,  
Ғам эди дил қаърида чун таҳ-батаҳ ўтган кечада,  
Ешурун эрди ғамим муфрит қадаҳ ўтган кечада,  
Инглатиб бенхтиёр этган эмиш эл ичра фош.

Биргина Ҳақ ажратур мағлуб киму кимдур голиб  
Мирза, кулмас бўлса бактинг юрма даврондин нолиб,  
Не иложким, гар сени ёр кетти шу кўйга солиб,  
Эй Навоий, келди ёру борди кўнглунгни олиб,  
Яна бир қатла келиб жонингни дөғи олса кош.

\* \* \*

Қарам қылсанг, Илоҳим, беадад меҳри гиё пайдо,  
Агар қаҳр айласанг тӯфон ила юз минг бало пайдо,  
Рақам чексанг яна юз минг кавокиб, минг само пайдо,  
Не сунъунгдин ажаб юз минг жаҳон бўлмоқ яна пайдо,  
Не мулкунгга халал юз минг жаҳондек бўлса нопайдо.

Агар истар эсанг буржлар аро Жад, Даља, ё Ҳут йўқ,  
Агар амр айласанг барбод қалисолар, санам — бут йўқ,  
Назар солмас эсанг туфроқ уза неъмат ила қут йўқ,  
Не поёни жалолу кибриёдурким тафовут йўқ.  
Агар юз минг жаҳондек бўлса нопайдо ва ё пайдо.

Бир исминг Раҳмону бири Аҳад, бириси Қодирким,  
Жаҳон тузмакда илгинг тенги йўқ қудратли, моҳирким,  
Сенга шак келтирур ким ул ўзига ўзи жобирким,  
Азал ҳам сен, абад ҳам сен, не аввал бирла охирким,  
Анга йўқ ибтидо пайдо, мунга йўқ интиҳо пайдо.

Муқаррар, Ҳақ таоло, бўлмагайсен ҳеч наам ичра,  
Агар бир содик ўлса раҳматинг еткай у қавм ичра,  
Не санъат етти ранг пинҳон этибсен оқ лавн ичра,  
Ироданг бирла тақдирингдин ўлғай икки кавн ичра,  
Агар бўлса фано зоҳир ва гар бўлса бақо пайдо.

Иродангдин чаман пайдо олов ичра, тутун ичра,  
Аёз қишида киши меҳринг-ла жон сақлар юпун ичра,  
Заминни жо қилибсен гоҳи кундуз, гоҳи тун ичра,  
Фалак ҳам ожиз, ахтар ҳам забун сайру сукун ичра,  
Ки сендиндур, не бўлса анжуму афлок аро пайдо.

Замиш пайдо бўлубдур бўл сўзингдин, яъни  
«кун»ингдин,  
Ва лек одамни ҳикмат-ла бино қилдинг фунунингдин,  
Муҳаббат дарди ҳам Одам Атодек бир жунунингдин,  
Баҳона уммаҳот ўлдию обо йўқса сунъунингдин,  
Ато бирла аноға не атову не ано пайдо.

Қуёш нур сочмагай оламға сендин бир паём етмай,  
Бе бисмиллаҳ қай иш бошланса у албат қолур битмай,  
Не тош «Лавҳул Маҳфуз»ни битибурсен қалам  
тутмай,  
Нечаким баҳр ила кон бўлса, сендин тарбият етмай,  
Эмастур мумкин ўлмоқ дурру лаъли бебаҳо пайдо.

Не сенга баҳри уммон чайқатиш гўёки бир тосча,  
Эмас оламда бор жонлиғ баҳоси сенга бир касча,  
Жамиш одам саси бўлмас бир Исрофил этур сасча,  
Чу баҳри раҳматинг мавж урса, пайдо бўлмагай хасча,  
Неча журм аҳлидиким бўлса юз кўхи хато пайдо.

Жамолинг партавидин тогу тошлар ҳам симоб ўлғай,  
Нафас қилсанг чаман саҳро ва ё саҳро чаман бўлғай,  
Агар исминг деса Мирзо дилига хуш наво тўлғай,  
Навоиййинг тилин шукрунгға гўё айлаким, бўлғай  
Анга ҳамдинг гулистонида ҳар дам юз наво пайдо.

\* \* \*

Хусн элинда қайсн ой онинг била қилгай талош,  
Лабмидур ул ёки иккига бўлиниган лаъл тош,  
Во ажаб бир чеҳрада икки ҳилол, икки қуёш,  
Гўйиң бир-бирига ошиқ эрур ул икки қош  
Ким, қўяр бир-бираиси бир-бирининг оллида бош.

Ки, ваҳий келмиш ошиқ жисмини вайрон ясадим,  
Мен хаёл оғушида ёшимдин уммон ясадим,  
Ҳақ таоло сунъига қолдиму ҳайрон ясадим,  
Юзни бир тифл учун атфолға майдон ясадим,  
Йўқса не важҳдуурким югурап юз сори ёш.

То қиёмат аҳли ошиқ топмагай бир дам қўним,  
Аҳли мажнун аҳли оқиллар аро турмас муқим,  
Фитна қўзғар чашми фаттон, чунки фаттонлиғ русум,  
Кўзларинг даврида мужгонингга ул наъни ҳужум,  
Недурур қилмасалар фитнанинг устида талош.

Гар фақирликдур мақоминг сарбаланд жоҳ тилама,  
Бирни берса эт қаноат ҳаргиз яна даҳ тилама,  
Чун муҳаббат кўйидасен ўзга бир раҳ тилама,  
Фақр даштида фано йўлиға ҳамраҳ тилама,  
Йўл чу маълум эмас, қайда топилсан йўлдош.

Ёрсиз ҳам бодасиз, Мирзо, ҳаёт томуғ эрур,  
Ёр босган ҳар қадамнинг гарди ҳам қутлуғ эрур,  
Ёрнинг аччиқ сўзи ҳам шаҳд каби тотлуғ эрур,  
Эй Навонӣ, юзидин деки очиқ сруғ эрур,  
Зулфидин демаки ҳам тийрадуур, ҳам чирмош.

\* \* \*

Одамин пайдолиги ҳикматму ё қудратмудур?  
Рашга ранглар жолиги ҳайратму ё санъатмудур?  
Сарвқадлар ишваси оғатму ё жандатмудур?  
Ул саводи хатмудур ё сабзайи жанинатмудур?  
Е қүёш узра ёзилған ояты раҳматмудур?

Дер, жунун водийсида кезмак мұхаббат нақшиким,  
Ошиқ аҳлининг жаҳони ёрларга баҳшиним,  
Қочгай олиб чун мени ҳар ён хаёли — раҳшиним,  
Буки сенсиз күйдурур жонимни билман яхшиним,  
Юз томугнинг ўтиму ё шульлайи фурқатмудур?

Холиқо, ёр зулғини бўйнимга сиртмоқ айлагил,  
Гул юзин офтобида бир ҳол қаби күйсин кўнгил,  
Кўзларин оллида ёнгил, қошларин кўргач эгил,  
Эйки дерсан лабларимдин ҳожатнинг недур, дегил,  
Мен — сусиз, ул ҷашмайи ҳайвон демак ҳожатмудур?

Гарчи жон — тан магзидурким, дур — садафниш  
сийрати,  
Сарфароз лек айламас кимнинг юпундур қисвати,  
Оқибат тенг бўлмағай яхши-ёмоннинг қисмати,  
Демаким не эркин ул ойнинг қуёшқа нисбати,  
Бир-бирига иккиси ўхшатқуча нисбатмудур?

Оразин кўргач ки мен чўғга урилдим оллида,  
Ошиғин кўплигидин минг бор сурилдим оллида,  
Ваҳ, нетай, саҳв ўлди неки-неки қилдим оллида,  
Қаддини кўргач ҳам ўлдим, ҳам тирилдим оллида,  
Рост гар дерсан қиёмат де ани қоматмудур?

Битта олма олса гар боғ ёнидин ўтганда шоҳ,  
Илдизи бирлан қўпоргай ортидин келган сипоҳ.  
Шаҳни дастурхонига сунмак илик эрмиш гуноҳ,  
Даъвиши ҳиммат қилиб улким тилар оламда жоҳ.  
Қилмоқ олуда иажосатқа ўзин ҳимматмудур?

Ҳақ йўлинда, Мирза, багринг қонга тўлди, айб эмас,  
Гар келиб фасли ҳазон боғларда сўлди, айб эмас,  
Комронларким, фақир ҳолига кулди, айб эмас,  
Гар Навоий меҳнати ҳижронда ўлди, айб эмас,  
Юз туман муҳлиқ бало дегил ани меҳнатмудур?

中文字典

Бани одам, күнгүлни айлагил эл күнглига монанд.  
Бүлүб қолғил бани одам мақоминиң таҳт эрүүр гарчанд,  
Юкунгий ўзга киғітіга ортмасыл оғып эрүүр ҳарчанд,  
Сен ўз ҳұлқунгни тузгил, бүлма эл ахлоқидиң хурсанд,  
Кишига чун киши фарзанди ҳарғиз бўлмади фарзанд.

Ҳажр дөгиге қөврилгап менинг сүзона күнглумни,  
Маю ишқ саҳнида сарсон менинг мастана күнглумни,  
Жунун саҳросида йитга менинг замхона күнглумни,  
Күнгүл комини қўй, гар худ менинг денона күнглумни,  
Топарсен ўйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.

Агар эл қарғаса, эй кас, чу туфроқсан, қаро ер сен,  
Ва лек билмам нечун ҳар дам фақат ўзнинг ғамин  
ерсен,  
Эллингдин қилма тамаъ, мард эсанг гар халқинга бер  
сен,  
Эшитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,  
Қила олсанг эшитгил панд, сен ким — элга бермак  
панд?!

Сен, эй ўғлон, мудом ҳаққу адолат измида бўлғил,  
Унумта одамийлиқни, злингга жон фидо қилғил,  
Тамъя кўйнда юргуича, қаноат саҳнида ўлғил,  
Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил,  
Гадолиг нониға хурсанду бўлма шаҳга хожатманд.

Дегай, ақлу күнгүл, нафсу ҳавас башқарғай инсонни,  
Бирор умр ўтказар бойлык топишчун излаб имконни,  
Нафс ўту балоларға дучор айлар шириң жонни,  
Бұлуб нафсингға тобиъ, банд этарсен түшса душмонни,  
Сенға йұқ нафсдек душман, қыла олсанғ ани қил банд.

Магар ёр зулғи илгингда, оёғиңда камандингдур,  
Қызыл май бирла гулгун юз сенинг ҳушу писандингдур.  
Хаәл оғушида жоқ завқи-шавқи чун самандингдур,  
Жақон лаззотинни ширип күрарсен, лек бандингдур.  
Гирифтор ўлма, воқиғ бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Адолат, инсофу иймон, ақл кимгаки, ҳамкордур,  
Анга ҳақ ёр, анга баҳт ёр, анга юрт қўкси гулзордур.  
Жаҳлдин неча пок дилларга, Мирзо, етган озордур.  
Кўнгулдин жаҳл ранжи доғъи гар истасанг, бордур,  
Навоий боги назми шаккаристонида ул тулқанд.

## ХОФИЗ ФАЗАЛИГА МУХАММАСЛАР

Бу олам күрмаган асло аниңдек ҳусни зебони,  
Аниңдек сарвқад дилбар, аниңдек хулқи зълони,  
Назокат-ла тутиб гулгун қадаңда тоза саҳбони,  
Агар күнглумин шод этса ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Аә соқий, олиб бир кўза май боғ сори чопқайсан,  
Ва хилват гўшада бизнинг каби дўстларни топқайсан,  
Кўза оғзин очиб, қайғу-алам оғзини ёпқайсан,  
Сун, эй соқий, майнинг охиргача, жаннатда топмайсан,  
Бу Рукнобод қирғонидаги сўлим Мусаллони.

Гўзал ёр ишқидан бир дам нетайким, бўлмадим озод,  
Кўринг бир неча шўх қизлар ажаб сарву ажаб шамшод,  
Олиб ақлу ҳушим иймону дийним айламиш барбод.  
Шу алдоқчи, қизиқчи, фитначи шўхлар қўлидан дод,  
Кўнгулдан элтдилар сабрим қилиб туркларча яғмони.

Нечук дил урмасин тугён товонин ўпса чилвири соч,  
Нечук бўлмай жунун ёр аҳли гул юз ичра киймиш тоҷ,  
Жаҳоннинг мулки етмас гар жамолига тўланса бож,  
Менинг нуқсонли ишқимга унинг ҳусни эмас муҳтоҷ,  
Гўзал юз ҳеч талаб қилмас бўёқ ҳам зебу орони.

Жаҳон айвонида шод бўл, ғам-андуҳ бағрини тузла,  
Мудом ёр васлинига интил, мудом майхонани кўзла,  
Етолсанг ёр висолига дудоғин ўп, сочин исла,  
Гапир чолғучидан, майдан, жаҳон сиррини кам изла,  
Ечолмас ҳеч киши ҳикмат-ла бу оғир муаммони.

Кечур, парвардигор, ишқ үйлида миң бир хато қилдым,  
Йүқ эрди ихтиёrim, ихтиёrsiz ойга интилдим,  
Гүзал ёр ҳуснiga мафтун, жигар-багримни юз тилдим,  
Мен ул Юсуфдаги чексиз гүзалликдан аниқ билдим,  
Чиқормиш ишқ номус пардаңдан ул Зұлайхони.

Күйиб ишқингда, эй жоно, күнгүл дөғли, дилим чүғли,  
Күриб расволиғим дерлар, ёмондир бу жунун ўғли,  
Ёмонлиғда ёмоңман лек эмасман муттаҳам ўғри,  
Ёмон дединг, қуволдим мен, худо ҳаққи, сұзинг түғри,  
Гүзалроқ айлады аччиқ сұзинг лаъли шакархони.

Келинг, дўстлар, назм боғида бир хуш давра  
қургаймиз,  
Ичиб май, тинглаб ашъор, шоҳу фарзинларни  
сургаймиз,  
Кел, эй Мирзо, газал айтгил, гўзал ёр тингласин ёлғиз,  
Ғазал этдингу дур сочдинг, ёқимли куйла, эй Ҳофиз,  
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин сурайёни.

1993

\* \* \*

Минг шукурким, Холиқо, толмас қанотим бердилар,  
Ишқ аталмиш бебаҳо ганжи бисотим бердилар,  
Илму ұнкмат манзили Афшоп, Қиётим бердилар,  
Тонг-сағар вақти, қаранг, сабру саботим бердилар,  
Қап-қаро тундан олиб, оби ҳаётим бердилар.

Элга хүш әққай чу карвон қүнгириғининг саси,  
Сен каби жон баҳш этолмас Ийсо Масиҳнинг анфоси,  
Менга қопқа очган ўхшайды иигорим Қалъаси,  
Ногаҳоно порлатиб жисмимни әзгу шуъласи,  
Сарбаландлик жомида янги сифотим бердилар.

Дилга нур түлгән кечаким менга олам ҳеч эди,  
Нурли күнглим юксалиб осмонга ҳар дам пек эди,  
Не музайян түн эди ул, не мукаррам кеч эди,  
Не муборак түн эди ул, ва не хуррам кеч эди,  
Ул қадр кеңда менинг қутлуғ баротим бердилар.

Бир күза май сотиб олдим бор-будимга, не ажаб,  
Рози әрмасмиш ки маистлар мардушимга, не ажаб,  
Аҳли ишқ таҳсиин ўқурлар уммидимга, не ажаб,  
Мен агар шодмон етибман мақсудимга, не ажаб,  
Бу менинг ҳаққым эди, ҳаққу закотим бердилар.

Гар қалам сурсам ажиб, завқли асарлар ёғилур,  
Гар ниҳол тиксам шу дам тотли самарлар ёғилур,  
Гар қулоқ тутсам самога хүш хабарлар ёғилур,  
Гар тилемдан кетма-кет шаҳду шакарлар ёғилур,  
Бу сабр инъомидир ким, ул наботим бердилар.

Гар фақирлик бөнсідан тоңмасам-да жандалик,  
Десалар-да, ошиғи шайдолиғимдур гандалик,  
Масту майхұрлік била расволигим — шармандалик,  
Кимиәдір бир ажаб лири мұғонга бандалик,  
Майқада тупрогидан оҳанг — баётим бердилар.

Эй кибор аҳли, менгаким, давранғыз мисли қафас,  
Дер, Сулаймон тахти дүстлар суҳбатига арзимас,  
Мирза, Оллоқта сахар шукроналар айтмак ҳавас,  
Доимо Ҳофиз сағархөз, субхидам олгай нафас,  
Нече зақматдан халос айлаб, најетим бердилар.

## АҲМАД ЯССАВИЙ ХИКМАТЛАРИГА МУХАММАСЛАР

Раббано, куфру гуноҳлар мендин ўтса афв қил,  
Бад қилиқ, бад муддаолар мендин ўтса афв қил,  
Дам-бадам кибру ҳаволар мендин ўтса афв қил,  
Минг туман турлук хатолар мендин ўтса афв қил,  
Гуфтгўйи нораволар мендин ўтса афв қил.

Гоҳи келтурсам кўнгулга турфа иштибоҳни,  
Истасам олтин, кумуш, тахт каби бийик жоҳни,  
Сидқидилдақ ҳар саҳар ёд этмасам Оллоҳни,  
Гар тиловат қилмишимда бу Каломуллоҳни,  
Саҳву исену хатолар мендин ўтса афв қил.

Юрмасам ҳар дам фақир, мўъмин-мусулмон била,  
Тушсам айрўгоҳи пок виждан била, иймон била,  
Турмасам бир ён Ҳадис, бир ён улуғ Қуръон била,  
Ўқиганда ғофил ўтса, ё ғалат нуқсон била,  
Ҳар нечук бежо-бажолар мендин ўтса афв қил.

Мадраса, масжид қолиб, савдони тадбир айласам,  
Үғрию каззобни муршид айласам, пир айласам,  
Ҳар сўзинг, ҳар оятинг нотомм тафсир айласам,  
Мад билан эъроби ташдидларни тағиир айласам,  
Бу калома ҳар хатолар мендин ўтса афв қил.

Ўзни енгиб қилмасам гар нафси аммор тәркини,  
Билмасам инсон бўлиб бул умри фоний сарфини,  
Фаҳм эта олмас эсам сурайн Ихлос қадрини,  
Фаҳш ўқусам бир калимасини ё бир ҳарфини,  
Мундоғ нотомм дуолар мендин ўтса афв қил.

Гар киритмак истасам тағирир бу олам тархыға,  
Бормасам гүмроқ каби пок бирла нопок фарқыға,  
Етмаса зеҳним Фалақ, Ай-нос, ва Әсин шарҳыға,  
Ояты вәйду вәйийдни қилмасам мен тафриқа,  
Фаҳм қилмай норасолар мендин ўтса афв қил.

Иzzатинг сен якка Яэдонни бажо келтурмасам.  
Иzzатин ул икки меҳрбонни бажо келтурмасам,  
Иzzату икроми Инсонни бажо келтурмасам,  
Иzzату икроми Қуръонни бажо келтурмасам,  
Беадаблиғ, бейболиғ мендин ўтса афв қил.

Ваҳ, бу одамларни нафси аждаҳоси кўп эрур,  
Баднафслар аҳлиниң шум иддаоси кўп эрур,  
Бандаларни Сенгамас шоҳга саноси кўп эрур.  
Ҳазратингда мен каби қулни хатоси кўп эрур,  
Рӯсиёлиғ ҳар хатолар мендин ўтса афв қил.

Раббано, қилғыл ҳидоят кўп адашған дунёда,  
Ҳам иноят айлагиғил ким зору нолон, афтода,  
Билғил, эй Мирзо, гуноҳинг кунда бўлғай зиёда,  
Хожа Аҳмад мискинни нуқсони кўбтур дунёда,  
Гарчи, ё Раб, минг хатолар мендин ўтса афв қил.

Қопқалар очиқ турсин саҳар вақти ичинда,  
 Күнгүлга нур ёғилсін саҳар вақти ичинда,  
 Еру күк суҳбат қурсин саҳар вақти ичинда,  
 Бедор бўлгил, эй мўъмин, саҳар вақти ичинда,  
 Қутқар ўзунгни ўтдин саҳар вақти ичинда.

Саҳар очилур қўллар, саҳар очилур йўллар.  
 Саҳар орзу кўкида қанот ёзур дулдуллар,  
 Саҳар чоги дилларда очилур тоза гуллар,  
 Саҳарларда ул гуллар, сано айтур булбуллар,  
 Ким айтурким, биру бор саҳар вақти ичинда.

Саҳар вақтида кўқдин гафлат келур бединға,  
 Саҳар вақтида кўқдин раҳмат келур мўъминға,  
 Саҳар вақтида кўқдин самак келур бединға,  
 Саҳар вақтида кўқдин малак келур мўъминға,  
 Ёзуқлардин ёзурға саҳар вақти ичинда.

Саҳар вақти зулматга ўлим тўшин бичарлар,  
 Саҳар вақтида ҳурлар иймон нурин сочарлар,  
 Саҳар вақти иблислар нурдин йироқ қочарлар,  
 Саҳар вақтида кўқдин жаннат қапуғ очарлар,  
 Бедор қулға санжорлар саҳар вақти ичинда.

Саҳар вақти юлдузлар жонни фидо қилурлар,  
 Дийдор талаб ошиқлар Ҳаққа нидо қилурлар.  
 Жилва қилиб парийлар ошиқ кўксин тилурлар,  
 Саҳарнинг лаззатини ошиқ Қуллар билурлар,  
 Ҳақни ҳозир кўрарлар саҳар вақти ичинда.

Мўъмин-мусулмонларга саҳар турмоқдур одат,  
 Саҳар турмаганларга насиб этмас саодат,  
 Саҳар вақтида албат Қуръонни қил тиловат,  
 Саҳар вақти хуш соат, ҳам жаннат эрур роҳат,  
 Тангрига қил ибодат саҳар вақти ичинда.

\* \* \*

Сен, эй инсон, дунё деб ақлу ҳүшинг кетаро,  
Мол-дунё ҳам топарсан, барча ишинг битаро,  
Ва лек бир күп ҳаммаси түфөн ичра йитаро,  
Бешак билинг, бу дунё барча әлдан ўтаро,  
Ишонмагил молингга, бир күн қўлдан кетаро.

Хою ҳавасга тўла бу дунё, бўлма гофил,  
Уткинчи ҳавас билан ўртаниб, ёнмасин дил,  
Орифлар насиҳатин доимо қулоққа ил,  
Ота-она, қариндош қаён кетти, фикр қил,  
Тўрт оёғлиғ чубин от бир күн сента етаро.

Оқил сўрар, эй дўстлар, бу хаёт асли нима?  
Дерлар ҳалол ва ҳаром наҳрида сузган кема,  
Сен ўзингга подшо бўл, нафсинг қул бўлсин сенга,  
Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема,  
Киши молини ема, сирот узра тутаро.

Ҳаёт — иотекис йўлдир, кўпдир унда чағир тош,  
Бу йўлда кам топилур қайғулига қайғудош,  
Ҳар ким ўз дарди билан ўз ҳолича тўкар ёш,  
Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайди йўлдош,  
Мардана бўл, ғарив бош, умринг елдек ўтаро.

Адолату иёклйкни, ҳақиқатни — Ҳақ деб бил,  
Мирза, улкан гуноҳдир ким айласа тагофил,  
Умидинг узма Ҳақдин, йўлинда жон фидо қил,  
Қул Ҳожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам иеча йил,  
Аслинг билсанг обу гил, яна гилга кетаро.

## ФУЗУЛИЙ ФАЗАЛИГА МУХАММАСЛАР

Башар тақдирина: қайғу, алам, овора ёзмишлар,  
Муаррихлар ки Қобил исмин илк хунхора ёзмишлар,  
Насимий, Машрабу Мансур қазосин дора ёзмишлар.  
Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар.  
Бу мазмун ила хат ул сафҳан рухсора ёзмишлар.

Агар сайдар айласанг ҳар дам изингга сочикур анжум,  
Қамапдинг домига тушган кишидур қатлинга маҳкум,  
Сингар туфроққа қон ёшим висолингдин бўлиб маҳрум,  
Ҳавоси хоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдан мардум,  
Ғубор ила баёзи дийдаи хунбора ёзмишлар.

Яна борму бу оламда санингдек моҳтоб, эй гул,  
Юзингдин нур ёғилгай элга мисли офтоб, эй тул,  
Висолингдин кўнгил бири обод, минги хароб, эй гул,  
Гулистони сари қўйинг сифотин боб-боб, эй гул,  
Хати раёнин ила жадвал чекуб гулзора ёзмишлар.

Санинг-ла кечмишим бир он менга даврон бўлур шаксиз,  
Агар қаҳр айласанг обод шу дам вайрон бўлур шаксиз,  
Назар солсанг биёбонлар ажиб бўстон бўлур шаксиз,  
Кириб майхоная қилсанг такаллум, жон бўлур шаксиз,  
Хати раёнин ила жадвал чекуб гулзора ёзмишлар.

Анинг ойдай жамолига жаҳон аҳли ўқур таҳсин,  
Ҳилолдир қошлари, чашми чаросу манглайи жасмин,  
Юзи гул, қадди шамшод, зулфи сунбул ҳам бадан  
сиймин.

Ики сатр айлаюб ул икки майгун лаъллар васфин,  
Кўранлар ҳар бирин бир чашми гавҳарбора ёзмишлар.

Аё дўстим, келу мажруҳ кўнгил заҳмин ғуборин арт,  
Дилим заҳмиға малҳам сургали йўқдур бирорта мард.  
Сен эй, Мирзо, фақирлар пойида бир дам бўлолгин  
гард,

Езонда Вомиқу Фарҳоду Мажнун васфин аҳли дард.  
Фузулий одини кўрдим, сари туммора ёзмишлар.

\* \* \*

Ой жамолинг кўрса гар ким ақлу ҳушдин озалар,  
Етмак истаб ол ёноқға интизормиш гозалар,  
Чашми хумморингдин олмиш оҳулар андозалар,  
Ҳар китобаким, лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,  
Риштаи жон бирла ишқ аҳли они шерозалар.

Ошиқам Мажнунсифат демамки, зулмингдин ая,  
Аҳд қилдим сирри ишқимни чу пинҳон сақлай,  
Гар тилим фош айласа они бўлам юз нимтая,  
Бу на сирдир сирри ишқинг демадан бир кимсая,  
Шаҳра тушмиш ман сани севдим деян овозалар.

Во ажабким ўғридин мол ундирилар масжида,  
Воизу маддоҳлари ўсондирилар масжида,  
Шайху зоонд таъма илгии сундирилар масжида,  
Шайхлар майхонадин юз дўндирилар масжида,  
Бетариқатларни кўрким тӯғри йўлдин озалар.

Не ажаб ағәр кўксидан қочибдур тийғи ишқ,  
Ошиқ аҳли кўксина ҳар дам шошибдур тийғи ишқ,  
Ақлими айру этиб ҳар ён сочибдур тийғи ишқ,  
Чоклар кўксимда сонмаким очибдур тийғи ишқ,  
Кўнглиминг шаҳрина меҳринг кирмага дарвозалар.

Тенг эмасдур, эй рафиқ, мулки жаҳон дил ганжима,  
Найлайин эрк бермаса зулфинг каманди панжима,  
Мирза, мақсадинг эмас ҳосил ки жуздин ранжима,  
Эй Фузулий, ёр агар жавр этса андин инжима,  
Ёр жаври ошиқа ҳар дам муҳаббат тозалар.

\* \* \*

Еариб ақволинни ғурбат аро ғамхор ўландан сүр.  
Фақир ҳолин кийиб хирқа шаҳи сайёр ўландан сүр.  
Күнгүл заҳми азобин бир дили афгор ўландан сүр.  
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сүр.  
Зулоли завқ шавқин ташшай дийдор ўландан сүр.

Сочингга мушки анбар, күэларингга интизор сурма,  
Қулоғингга осилмиш марварид томчи, тега кўрма,  
Юзингда дона холинг хоҳи ёшур, хоҳи ёшурма,  
Лабинг сиррин гелуб гуфтора банди ўзгадан сўрма,  
Бу пинҳон нуқтани бир воқиғи асрор ўландан сүр.

Гаҳи билмас киши кўнгли не истайдур, нега мойил,  
На билсун комрон аҳли нега муҳтоҷ гадо—сойил,  
Жавоҳир қанча денгиэда, на билсун мудраган соҳил,  
Гўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми тоғифил,  
Қавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Аё дилбар, тараҳҳум қил, тозарсин дил туганлардан,  
Нетайким, бехабарсан кўксима бўтган тиканлардан,  
Хабар йўқдур маю ишқ наҳрига мангу чўканлардан,  
Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин чеканларда  
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Маломат тошларин бошимға ёгдурди фалак золим,  
Ки Мажнун ҳолидан баттар ва ё Мажнун каби ҳолим,  
Билолмам қай томон сузгай ҳажр дарёсида солим,  
Ғамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма ақволим,  
Бу ақволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Кел, эй лўли қизи, фол кўр, нелардан сўзлагай фолим,  
Уйим майхонадур, бир кўза майдур давлату молим,  
Агар майхонадан кетсам, не кечгай телба аҳволим,  
Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,  
Харобат аҳлининг аҳволини хуммормо ўландан сўр.

Агар ким соҳиби журъат зорур албат мурод ҳосил,  
Муродига етолмас, Мираа, бил нодон ила қоҳил,  
Агар ким кечса жондан ёр висолига бўлур восил,  
Муҳаббат лаззатидан бехабардур зоҳиди ғофил,  
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

## БОБУР ФАЗАЛЛАРИГА МУХАММАСЛАР

Қайси жаврин айтайин бу чархи қажрафторнинг,  
Қайси зулмин айтайин жонимга дилозорнинг,  
Қайси заҳмин дей багирга қотили хунхорнинг,  
Қайси бир озорин айтай кўнглума ағёрининг,  
Қайси бир огритқанин кўнглумни дей дилдорнинг.

Ботинни дейму қаролигин оппоқ моҳнинг,  
Қайси домин айтайин роҳимга шум ҳамроҳнинг,  
Қайси макру ҳийласин дей мансаб ила жоҳнинг,  
Қайси бир бераҳлигини толиъи гумроҳнинг,  
Қайси бир қажравлигини чархи қажрафторнинг.

Қай бирин дей хунолуд жомин вафосиз хайлнинг,  
Қайси ҳиссат бирла худкомин вафосиз наслнинг,  
Қайси заҳмат бирла дармония вафосиз фаслнинг,  
Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлнинг,  
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқату хунхорнинг.

Эй мұнаққид, ҳар сўзимдин бир хато истарни қўй,  
Бани одам, бу фано ичра бақо истарни қўй,  
Фурқат ичра, эй кўнгул, ёрдин сафо истарни қўй,  
Фурбат ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарни қўй,  
Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг.

Мирза, раҳми йўқ, бедод, хунхордин не яхшилиқ,  
Гар муқимда яхши йўқ сайёрдин не яхшилиқ,  
Одамийда яхши йўқ маккордин не яхшилиқ,  
Бобур, ул гул жавр этар, ағёрдин не яхшилиқ,  
Гулнинг озори бу бўлса, ваҳ не бўлғай хорнинг.

Сенга ишқимни, эй дилбар, ки қоним бирла бітгаймен,  
Жағонни остин-устун айлабон қаърини титгаймен,  
Сени ҳар кун, сени ҳар дам, сени ҳар жойда кутгаймен,  
Жамолишг васфини, эй ой, неча әлдин әшитгаймен,  
Не кун бўлгай висолингга мени дилхаста етгаймен.

Хиром айлаб изингни кўзга сурмакка буюргайсен,  
Йўлинг гарди ғуборин тез супурмакка буюргайсен,  
Ғуломдек тъэзим айлаб ёнда турмакка буюргайсен,  
Тараҳҳум юзидин юзунгни кўрмакка буюргайсен,  
Хуш улким, оразингни кўргамен, сўзунг әшитгаймен.

Мени қатл айлаю мақсадга еткургин-да хуррам қил,  
Ўзим расвойи оламман яна расвойи олам қил,  
Гаҳи жаврингни кўп-кўп қил, гаҳи раҳмингни кам-кам  
қил,  
Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнимга маҳкам қил,  
Ки, водийи фироқинг ичра кўрқарменки, йитгаймен.

Пўлингда интизор кутсам кулиб ағёр ила ўтсанг,  
Муруват кўрсатиб унга юрак-багрим тила ўтсанг,  
Бизим туфроқ ила тенглаб мазамматлар қила ўтсанг,  
Тараҳҳум қилмасанг ё боқмай истиғно била ўтсанг,  
Тазурруъ қилгамен ё йиглағаймен, ўзга нетгаймен.

Муяссар бўлмаса жойлашмагим, Мирза, қароғига,  
Муяссар бўлмаса лаб урмагим лаълин дудоғига,  
Муяссар бўлмаса термулмагим гулгун ёноғига,  
Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлиқ аёғига,  
Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етганча кетгаймен.

Оlam аҳли кутманг асло бейімдін яхшилиғ,  
 Чашми фаттон, бағри тош, аччиқ забондин яхшилиғ,  
 Күрмади аҳли гаріб хоқону хондин яхшилиғ,  
 Ким күрубтур, эй күңгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,  
 Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Дилни унга сомиъ қилсам айб қилма, эй рафиқ,  
 Нафси горни дағиъ қилсам айб қилма, эй рафиқ,  
 Гулга хорни васий қилсам айб қилма, эй рафиқ,  
 Бу замонни нағиғи қилсам айб қилма, эй рафиқ,  
 Кўрмадим ҳарғиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Икки олам кори не ишқ ичра мажнун кўнглума,  
 Бир гўзал ўтлуғ муҳаббат бўйла макнун кўнглума,  
 Кечмагаймен юз бало ёгдурса гардун кўнглума,  
 Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнглума,  
 Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Гарчи Оллоҳ олдида яхши-ёмон ҳам тенгу жўб,  
 Сен ва лекин яхшилар олдида бўл, илгини ўп,  
 Яхшилигни кўзлаган кўзларга ҳеч ташларми чўп?  
 Эй кўнгил, чун яхшидин кўрдинг ёмонлиғ асрү кўп,  
 Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ёмондин яхшилиғ.

Элга наф еткурса ким, билгилки, мундин яхши йўқ,  
 Эл ғамин кеткурса ким, билгилки, мундин яхши йўқ,  
 Битмаган биткурса ким, билгилки, мундин яхши йўқ,  
 Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,  
 Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Яхшилиғ дилпи ёритгай, Мирза, мисли нур киби,  
 Ҳар кўнгил истар ани май истаган махмур киби,  
 Яхшилигни топмадим лек баҳр ичинда дур киби,  
 Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,  
 Ким кўрубтур, эй кўнггул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

\* \* \*

Чархнинг мен тотмаган аччиқ ғизоси қолдиму?  
Бошима ёғдурмаган туҳмат жалоси қолдиму?  
Ғам, алам, андуҳ, азоб, ранжу аноси қолдиму?  
Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?  
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?

Не ажабким, фасли умрим ёзи келмай келди қишиш,  
Чархи қажрафторнинг ҳар шеваси жонимга ниш,  
Менга туфроқлигдин ўзга муддаий ҳам колмамиш,  
Мени хор этти-ю, қилди муддаийни парвариш,  
Даҳри дунпарварнинг ўзга муддаоси қолдиму?

Дейдилар, ҳаддингдин ошма, майли, ёр, ҳаддингдин ош,  
Истасанг ос дорга, ё қатл айла, сенга садқа бош,  
Бирйўла бошим бу дардлардин халос ўлсайди кош.  
Мени ўлтириди жафову жавр бирла ул қуёш,  
Эмди тиргуэмак учун меҳру вафоси қолдиму?

Кулмангиз мажнунсифат телба сўзимга, эй рафиқ,  
Ёрдин ўзга жон кўрунмайдур кўзумга, эй рафиқ,  
Ваҳ, нетай қўл етмаса ул юлдузимга, эй рафиқ,  
Ошиқ ўлғач кўрдум ўлумни ўзумга, эй рафиқ,  
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?

Дилраболар хуш қилиқ, хуш дамни истар, қилма айб,  
Комронлар базми Жамшид Жамни истар, қилма айб,  
Лек фақирлар Мирзадек кам-камни истар, қилма айб,  
Эй кўнгул, гар Бобур ул оламни истар, қилма айб,  
Тенгри учун де бу оламнинг сафоси қолдиму?

## МАШРАБ ФАЗАЛЛАРИГА МУХАММАСЛАР

Ошиқ әрмас ким жунун ўлмаса дилдор олдида,  
Айлама ожиз, илоҳим, нафси аммор олдида,  
Мард әмас ким ўзни ерга урса ағәр олдида,  
Ҳар кишини дарди бўлса йиғласин ёр олдида,  
Қолмасун армон юракда, этсун изҳор олдида.

Ишқ аталмиш дард эрур ул чиқмаса гар жон била,  
Ким кўрубдур ахли ишқ сайр этганин жонон била,  
Сандувочлар сұҳбат айлар ғулча—багри қон била,  
Андалиби бенаводек нолаю афгон била,  
Доимо йиглаб турармен айни гулзор олдида.

Во ажабким, ахли ишқ ёр жавридин толгай ҳузур.  
Елворурман, Холиқо, дилбар жамолидин ичур,  
Соқиё, май тут, шаробнинг хоҳи қуйқа, хоҳ тахур,  
Мансури Ҳаллождек ичириб шароби антаҳур,  
Чарх уриб, йиглаб турармен ушбу дам дор олдида.

Кимки фарқлай олмаса оқилни жоҳил лодадин,  
Бош кутармас эрса шайх ўзни дебон сажжодадин,  
Майга ё айлаб ружуъ ким чиқмаса майхонадин,  
Ҳар киши бир журъан нўш айласа бу бодадин,  
Ул қиёматда қилур арзини жаббор олдида.

Бу ҳаёт мактабки шундай ҳар куни юз имтиҳон,  
Мирза, ҳеч кутма вафоким, қилмағай ахли жаҳон,  
Дўсти содиқ йўқ жаҳонда, сирри ишқинг тут ниҳон,  
Телба Машраб, қилмағил сиррингни зоҳидга аён,  
Айтиб-айтиб йиғлагайсан ошиқи зор олдида.

Әрга ишқим этмаса изҳор забонни на қилай?  
Менга боқмас бўлса гар бу каж замонни на қилай?  
Мен қаноат мулкида ганжи гаронни на қилай?  
Бу тани хокинию руҳи равонни на қилай?  
Бўлмаса қошимда жонона, бу жонни на қилай?!

Биру бор измидадур авжи самодин то самак,  
Фарз бўлмишким бани одамга тоат айламак,  
Дейдилар, чун энг улуғ тоат — кўнгилни овламак,  
Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?  
Иброҳимдин қолион ул эски дўконни на қилай?!

Биз фақирга ҳам насиб айла қаландарлик раҳин,  
Гар ниҳондур сирри олам бузгамен сирлар тахин,  
Истамасман на жаҳаннам, ва на аъроф, учмаҳин,  
Урайипму бошима саккиз биҳишту дўзахин,  
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?!

Қайснинг тупроғидин эрмиш менинг-да тупроғим,  
Дард чўх, ҳамдард йўқ дарди дилим айтар чоғим,  
Эй кўнгул, ёлғиз ўзингсан ҳамдамим, Асқар тоғим,  
Аршининг кунгурасин устига қўйдум оғим,  
Ломакондин жой олибман, бу маконни на қилай?!

Не қизиги бор жаҳоннинг бўлмаса май тўла жом,  
Ичмасанг гулгун шароб ёр чашмини айлаб мақом,  
Не керак жулдур ҳаёт ҳосил эмас мақсаду ком,  
Заррае нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом,  
Ошкоро бўлмаса, сирри ниҳонни на қилай?!

Нафс ила фисқу фужур инсон дилин айлар сиёҳ,  
Дерму, кўнгулни кўнгул гар инмаса Ҳақдин зиё,  
Мирза, кўнгул қаъридинму ё фалакдин бу нидо:  
Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,  
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?!

## ВАТАН МАДХИ

Собир Абдулла ғазалига мухаммас

Эй Ватан, аччиқ дудинг ҳам мушки анбардир менгә,  
Машъалинг — юлдуз, шаминг чун шамси анвардир  
менга,

Гул әрүр хоринг менга, зөғинг самандардир менга,  
Бир ұовуч покиза тупроғинг, Ватан, зардир менга,  
Майда-майда тошларинг қийматда гавжардир менга.

Яшнагай күзлар сұлым ҳусну жамолингга боқиб,  
Ешларинг топқай камол олим сүзин мәғзин чақиб,  
Келтурур ҳар тонг сабо бир хүшхабар қопқаңг қоқиб,  
Кечалар үлтирасам ижод устида машъял ёқиб,  
Хүр диәрим түнлари кундек мұнаввардир менга.

Эй Ватан, бахш айлай умрим сенга, йўқ-борым билан,  
Бахтлиман бир мисра ошса мадхинг ашъорим билан,  
Ерда гул, дилда меҳр унса суюк корим билан,  
Ұз құлымдан гул экиб, қылган чаманзорим билан,  
Барқ уриб үсган атиргуллар мұаттардир менга.

Жонажон халқ, ҳүр диәр, ишқинндега ёнсам арзигай,  
Ҳар сүзинг гавҗар билиб дилдан иионсам арзигай,  
Лаб қўйиб чашмингга мен, меҳринингга қонсам арзигай,  
Шул Ватан хүш баҳра ўлкамга қувонсам арзигай,  
Бу улуғ йўлбошчимиз ҳар ишда раҳбардир менга.

Она юртим мадҳ этарда илҳом менга ёрлик қилур,  
Донишу ботирга, Мирза, баҳт вафодорлик қилур,  
Сигмагай орзуларим күнгулга, дил торлик қилур,  
Орзу-истак муҳайё, давр дилдорлик қилур,  
Бу саодатдирки, Собир, баҳт дилбардир менга.

## ЭРКИН ВОҲИДОВ ҒАЗАЛЛАРИГА МУХАММАСЛАР

Шаҳсуворлик сенга бўлсин, бор жиловдорлик менга,  
Барча сайёрлик сенга-ю, барча раҳдорлик менга,  
Бор саодат сенга бўлсин, бор аlam, хорлик менга,  
Барча шодлик сенга бўлсин, бор ситам, зорлик менга,  
Барча дилдорлик сенга-ю, барча хушторлик менга.

Сен менинг шаҳдимни олгин, мен сенинг заҳринг олай,  
Сен менинг осмоним олгин, мен сенинг гардинг олай,  
Сен ҳаётим ол, нигоро, мен сенинг маргинг олай,  
Сен менинг жонимни олгин, мен сенинг дардинг олай,  
Барча соғлиқ сенга бўлсин, барча беморлик менга.

Сен замонининг раҳматии ол, бор жафосин менга бер,  
Барча унвон сенга бўлсин, бор жазосин менга бер,  
Сен ҳаёт қаймогин олгин, зардобин менга бер,  
Бу жаҳоннинг роҳатин ол, бор азобин менга бер,  
Сенга бўлсин барча ором, барча бедорлик менга.

Базми Жамшид сенга бўлсин, менга қўй ғамхонани,  
Сен паризодларни танла, менга қўй девонани,  
Қўшки айвонни ўзинг ол, менга қўй остошани,  
Ол ўзинг кошоналарни, менга қўй майхонани,  
Барча ҳушёрлик сенга-ю, барча хумморлик менга.

Сен жавоҳирсан музайян, мен эсам майда кукун,  
Сенга Лайтолик ярашгай, мен бўлай майли жунун,  
Ой, қуёш, юлдуз сенга қолсин менга гардуни дун,  
Сенга бўлсин нурли кундуз, менга қолсин қора тун,  
Барча гулшан сенга бўлсин, бор тиконзорлик менга.

Эрку ҳурлик сенга бўлсин, менга занжиру қафас,  
Сен асрни ол ўзингга, менга қолдир бир нафас.  
Сенга карвондир муносиб, қўнгироқдин менга сас,  
Сен шаҳаншоҳликни олгин, менга қуллик бўлса бас,  
Бор жафокорлик сенга-ю, бор вафодорлик менга.

Кетди бир боқиб нигор, дилда муҳаббат уйғотиб,  
Эмди кўйида кезарман, қаҳратонда муз қотиб,  
Сангдил, меҳринг кутарман, остоңангда ётиб,  
Майли остоңангда ётсам, майли, қувсанг тош отиб,  
Бор дилозорлик сенга-ю, бор дилафкорлик менга.

Сенга меҳрин тутди Мирзо, они тотмоқ ўз ишинг,  
Тутди кўксин хоҳи бош қўй, хоҳ ўқ отмоқ ўз ишинг,  
Сенга ишқин тутди ошиқ, заҳр қотмоқ ўз ишинг,  
Сенга шеърин битсин Эркин, йиртиб отмоқ ўз ишинг,  
Қасби инкорлик сенга-ю, айбда иқорлик менга.

\* \* \*

Дўст— мисоли шоҳ эрур, гар бўлса у девона ҳам,  
Дўст учун тушгай заминга чиқса ким осмона ҳам,  
Дўст биллан яйрар кўнгул гар бўлса у ғамхона ҳам,  
Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам,  
Дўст қадам қўймас эса, вайронадир кошона ҳам.

Ким келур, ваҳ, биз каби, кўкси яролар базмига,  
Ишқ водийсида кезган мубталолар базмига,  
Интилар ошиқ кўнгиллар дилраболар базмига,  
Интизор ҳар уй диловар, дилкушолар базмига,  
Гар оёқ қўйса қабоҳат йиглагай остона ҳам.

Биргина дўст бир томону барча душман бир томон,  
Ҳар кўнгил қаърида такрор: ёру дўст бўлсин омон,  
Дил губорин ёзгай албат дўст гурунги ҳар қачон,  
Яхши дўстлар даврасида очилурсан ҳар замон,  
Кўркни шода ичра топгай марварид дурдоша ҳам.

Ҳеч қачон ҳеч бир ёмонни дўстга дўст кўрмайди эп,  
Аҳли ушишоқ ёрини излар мисоли андалиб,  
Дўст меҳри элга қувват, ёр ишқи оламга зеб,  
Сўрма мендан, ким дилоро, дўстми ё жонона деб,  
Дўст менинг кўнглимдадир, жонимдадир жонона ҳам.

Бахтлидир ул кўнгли тўлса дилбари, дилдоридан,  
Бахтлидир ул меҳр топса дўстидан, ҳам ёридан,  
Дўст — мисоли кўзгудир аслинг аён рухсоридан,  
Қочма ростгўй дўстларнинг койиши озоридан,  
Қадди рост шамнинг тилидан ўртанур парвона ҳам

Дүст учун дүст жон тикар, дүстга ҳар не қилса оз,  
Дүст нуқсонин унугтил, фазлини күнглингга ёз,  
Дүстни мумтоз айла ҳар дам, ёрни айла сарфароз,  
Дүст қидир, дүст топ жаҳонда, дүст юз минг бўлса оз,  
Кўп эрур бисёр душман бўлса у бир дона ҳам.

'Дүстни дийдорига интил, айри тушсанг гўйлама,  
Дүст сирин кўнгилга беркит, ҳар қаерда сўйлама,  
Очмаса қулфи дилин дўст ул кўнгилга бўйлама,  
Ким сенга ҳамроҳ эмасдир, бояраз деб ўйлама,  
Гоҳи душманлик қилурлар қўл сиқиб дўстона ҳам.

Дўст қадри сарбаландир, Мирза, ишқ осмонидек,  
Оlam аҳли билингиз дўст, деб яшайди ўзибек,  
Ким қилиб дўстликни орзу, дўстлик уруғини эк,  
Дўсти содиқ йўқ экан деб ўртаниб куйма ва лек  
Меҳр уйинг кенг очсанг, Эркин, дўст бўлур бегона ҳам.

## А. ОРИПОВ ФАЗАЛИГА МУХАММАС

Ким ҳаёт сақында шоҳ мастрарму ё ҳушёрлар?  
Ким билур олам сирин ғофилму ё бедорлар?  
Әрга құл чүзгай ажаб ёрдін чекиб озорлар,  
Бул ажаб хор кимсадин имдод сұранди хорлар,  
Сиз бемор күксига баш урманғыз, эй, bemорлар.

Ваҳ, замон аҳли унутмеш түғриликни, тузни,  
Гар иложин топса олиб сотгай иккі күзни,  
То қиёмат зиди тақрорлар фақат: чүз-чүзни,  
Гар фалак буржида шамс уйқуга солса үзни,  
Етди нағбат бизга деб чақнар замиш сайдерлар.

Үзгалар дунёсига илгингин чекма, эй, рафиқ,  
Ишқ водийсін қўй, Фарҳодга тегма, эй, рафиқ,  
Эл аро фисқу фужур тухмини экма, эй, рафиқ,  
Саждага бошнинг уриб фарёд чекма, эй, рафиқ,  
Зиди сен топгаймидинг, топмабди-ку ағёrlар.

Найлатаин, ё раб, ки одам сиғмаса иншога гар,  
Жоҳил аҳлидин безибму кетди Қайс саҳрода гар,  
Билмай аҳволин неча құлнан чұзар Зұхрода гар,  
Фозилу дониш зели құл ювса бу дунёга гар,  
Во ажаб, оққаң сувин нұш этар шайх хұнхорлар.

Молнарастлар мол йығиши пайида бүлгай туну күн,  
Жони чиқтай қүшилиб чиқса ўчогидан тутун,  
Нафси амморага кенг йұл берди-ку гардуни дүн,  
Нафс шла дунёга дил берган фосиқлар, сиз букун,  
Яссавий хокпойидан айлаб олинг түммөрлар.

Күза синдириган азиз, сув келтириб толган ўзи,  
Үзгага пар, ўзига сомон түшак солган ўзи,  
Роҳатин кимларга берган, заҳматин олган ўзи,  
Ким бериб дунёга зар, абгор ўлиб қолган ўзи,  
Кимки дорни бузди гар, анга қурилди дорлар.

Дейдилар, сўзла фақат Ҳақ сўзни боқиб Қиблага,  
Мирза, донишлар сўзин алмашма зару тиллага,  
Таъна қилма ёвни дўст деб ўқ еган Файзуллага,  
Кимсалар, бадбин дея боқманг бу кун Абдуллага,  
Тингласа гоҳи юриб мозий элидин зорлар.

## НАВРУЗГА ИЛТИЖО

Күнгүл дардин ёзай бир-бир қанотиң тут, зәң наврүз,  
Бу алдоқчи замон тийги дилим этмиш яро, наврүз,  
Яро күксимга сурмакка кетургил мүмиәт, наврүз,  
Магар байрамда фарәд айламак балкым хато, наврүз,  
Нетайким, ўзга кунларда фақат ҳамду сано, наврүз.

Ватан күкси, улус күнгли эмас холи туганлардан,  
Элин сотган, тилин сотган ҳамон тушмас саманлардан,  
Бүшалган эрмас ақлу онгимиз занжир, кишанлардан,  
Тозарсиян рохимиз чанту губор, саңгу тиканлардан,  
Бугун еб қўйма эртаигни, келур ҳар дам садо, наврүз.

Не бир индуҳ ёриб күксим, эзиб қалбимни қийноқлар,  
Орол, Афғон, яша қанча алам бағримни тирноқлар,  
Ҳамон хиэматда булбул, тўрдадир бойқуш ила зоғлар.  
Самовот бўғзида заҳру табиат кўксисда доғлар,  
Умид шул, келтирур бу дард, аламларга даво наврүз.

Лайимлашди қариндошлар, кўпайди бенбо ёшлиар,  
Чалиб қарс раҳнамоларга, сўнг отгай ортидин тошлар.  
Унудик эл-улус расмин, эвоҳ, депсалди не бошлар,  
Нечун ҳеч кимни ҳеч қайди тешиб чиқмас текин ошларъ,  
Бас эй, эмди кетур бадкоримизга интиҳо, наврүз.

Агар жаҳд этса инсон, дейдилар, еткай муродига,  
Тилармен, ҳар йигит минисун улуғ мақсад Фиротига,  
Фақирлар ҳам етолсун кўзлаган манзил—работига,  
Қўпайсии элда мардлар ҳам, қанот қўш эл қанотига,  
Яна наврӯзгача бўл барча ишга раҳнамо, наврүз.

1993

## Ҳажв дафтаридан

### ҚОШ ҚУЯМАН ДЕБ...

Аввали дил түрпда бир әзгу армой бўлди шеър,  
Сўнг юракни чулгаган кучли ҳаяжон бўлди шеър.

Оқ варақлар саҳнига тушди қаламдин сирғалиб,  
Аҳли қишлоқ наздида чун моҳитобон бўлди шеър.

Ҳар сўзи чўғдай ёниб, чертарди кўнгул торини,  
Ишқ дарди тавсифинда янги достон бўлди шеър.

Баҳраманд бўлсин ҳама деб, йўлладим ойномага,  
Қанча ойлар, билмадим, ноширга меҳмон бўлди шеър.

Ваҳ, не дилбар сўзларим учмиш муҳаррир ўқига,  
Ҳар бети даҳшатли жангдин сўнгги майдон бўлди  
шеър.

Боз демиш: тўрт мисраси таҳриргами муҳтој экан,  
Йўлладим таҳрир этиб, такрор сарсон бўлди шеър.

Икки ёвга қарши якка жанг қилиб мардонавор,  
Оқибат майдон аро мардларча қурбон бўлди шеър.

## ДОД ДАСТИНГДАН, СИНОВ

(Ташбал талабанинг синов арафасида деганлари)

Синов яқин, китоб кўп, ўқий десам ҳушим йўқ,  
Фан ёнғонин чақишига, нетай, ўткир тишим йўқ,  
Имтиҳонда суярга бирор яқин кишим йўқ,  
Ё дардим айтай десам, сирдош бир танишим йўқ,  
Дод дастингдан, синов, бедод дастингдан, синов!

Шпаргалка тайёр деб, баъзиларнинг кўнгли тўқ,  
Шўрлик каминангизда ҳаттоки ўша ҳам йўқ,  
Бир курсошга дил ёрсам кўзларини қилиб лўқ:  
«Туяга янтоқ керак — бўйниң чўзар!» — урди дўқ,  
Дод дастингдан, синов, бедод дастингдан, синов!

Кўплар қўлида китоб, ўқишга хумормикаш?  
Синов деса қувнашар, унга интизормикан?  
Еки ҳамма мен каби синовдан безормикан?  
Имтиҳон бўлмайдиган дорилфунун бормикан?  
Дод дастингдан, синов, бедод дастингдан, синов!

Бу кеча бир туш кўрдим: имтиҳон бўлмас эмиш,  
Камина домла бирлан шахмат ўйнаётганимиш,  
Сипоҳ билан ҳужумга ўтдим: «Сақланинг, кишт-кишт!»  
Аммо домла мот қилди, уйқуда ҳам шу ташвиш,  
Дод дастингдан, синов, бедод дастингдан, синов!

Имтиҳонда «уч» олсан, бўлар эди кайфим чоғ,  
Агар «яхши» қўйсалар, бўлар яна яхшироқ,  
Кириб рақам тортишга юрак дов бермас бироқ,  
Синовдан сўнг кавушим тўғриланса иш чатоқ,  
Дод дастингдан, синов, бедод дастингдан, синов!

## ГИНА

(Таңбал талабаннинг имтиҳондан сўнг деганлари)

Мен дадил очдим эшикни, дилда аммо зўр гулув,  
Хўб тайёрландим саволга, фанин ичдим худди сув.  
Ҳар сатр кўз олдима келди мисоли шўх сулув,  
Сўрсангиз орзум буюк, орзуга айб йўқ дейди-ку,  
Домла менга қўйса «беш», дўстлар деса, «беш»интни  
юв!..

Гап чувалди, мавзудан четга чиқиб кетдим хиёл,  
Билмадим, «Зарбулмасал» ё «Қуш тили» эрди савол,  
Қуш тилин қайдан билай, деб кўнглима келди малол,  
Билганимни сўзладим мен жўш уриб дарё мисол,  
Қим не ёзгай, қайда ёзган, қайда бўлган тортишув.

«Дон Кихот»ни домла Горкий ёзганди Қавказ тогида,  
Лев Толстой бирла Жамбул кеътанди назм боғида,  
Бастакор Фурқат куйи қолмиш тарих аврогона,  
Мир Алишер Йиғлаганди Ҳамза ўлган чогида,  
Завқ билан шеър ёзди Пушкин кўк сари учганда «ТУ».

Ким дебон сўрди Тўқанин, серқамиш майдон, дедим,  
Муқимийнинг энг буюк достони «Қутлуғ қон», дедим,  
Тўгрилаб Байрон сўзиц, домла бу сўз наирон, дедим,  
Қўп галиргайман ҳали бўлса агар имкон, дедим,  
Тўхтадим сўнг ўйлабон: Бир «беш» учун етмасми шу!

Тан бериб зехнимга домла боқдилар кулганинамо,  
Балки, «беш» камлик қилур илмимга қўйса чин баҳо,  
Шу хаёллар бирла боқсам «икки» қўймишлар, звоҳ!  
Айтнингиз, борми ҳақиқат, не учун бундай жазо,  
Хавфсираб ўткирлигимдан ё пайим қирқиши ми бу?!

## БҮЛСА БИСЁР ДАВЛАТИНГ...

(Молнарастшинг ўглига насиҳати)

Пул топ, ўғлим, пул биландир икки олам көри ҳал,  
Пул билап олам мушаввар, пул билан соғдир касал,  
Бўлса бисёр давлатинг, измингдадир мансаб, амал,  
Бадбуруш бўлсанг-да эргашгай сенга не-не гўзал,  
Зап чиройли сочи бор деб, мақтагай бўлсанг-да кал.

Тўғри ишлаб — тўғри юрсанг, зўр-базўр ўтгай кунинг,  
Тингламас арзингни ҳеч ким, қайга ҳам етгай унинг,  
Дўстлар ичра бекадрсан, гарчи гавҳар мазмунинг,  
Турмасанг мойлаб томогин қўлламас чўнг устуning,  
Юз сизу биздан жизу биз кучлироқ бил ҳар маҳал,

Фойда савдода ва лекин яхши бил, омборда қут,  
Фойдасиз мансабни ташла — қўлни юв, қўлтиққа сурт,  
Аввало бошлиқни кўнглин топ, болам, ёдингда тут.  
Қетса гар зил илдизига янгисин шайлан-да қут,  
Не ажаб чарх эврулуб Ҳут ўрнига келса Ҳамал.

Пулга алмаштири имонни, номус-ор, виждонни сот,  
Бўлса имкон дўндириб эл тўплаган хирмонни сот,  
Алдаб инқовлар пулин ол, рост дея, ёлғонни сот,  
Ўзни қутқар, дўстни сот, жонни сот, жононни сот,  
Пулни қўйсанг ўртага аччиқ сўзинг бўлгай асал.

Тегмаса гар фойдаси бўлгил қариндошдан йироқ,  
Неки қилсанг пулга чақ, бўл эҳтиёт, шошма бироқ,  
Бадниятлар дон сепиб, ҳар гўшага қўйгай тузоқ,  
Бир чўқиб икки қара, олдинга боқ, ортингга боқ,  
Бил муқаррар пул била даф ҳар хатар, ҳатто ажал!

## ШЕЪРНИНГ УЧ ДУШМАНИ

Шеърият мулкининг уч душмани бор:  
Шоирга ёр бўлмиш — бири муқаррар.  
Қанча гўзалларга битарди ашъор,  
Бошида у қилич ўйнатмаса гар.  
Боғча, ўтин, кўмир, нон, сув дегандай  
Шоирга ҳар соат бир иш «мукофот».  
У золим дастидан ҳатто туғулмай  
Кўз юмар қанчалар шеър, ғазал, ҳайҳот...  
Иккинчи душмани бошлиқдир албат,  
Зеро унга шеърмас, маъруза керак.  
— Қарор ёэ, рўйхат туз, текшир шикоят,  
Бунингни кейинроқ қиласан эрмак.  
Ҳажвия ўқиса, дўқ ураг шу он,  
— Бошлиқларни танқид қилма, эй ношуд,  
Ким шамолга қарши тупурса нодон,  
Усай десанг бошлиқ этагидан тут...  
Учинчиси — ношир деб аталмиш зот,  
Шеърларни у сафга тизиб қўяди.  
Ҳар бирини таҳрир қиласан, ҳайҳот,  
Кулоқ, бурнин кесиб, кўзин ўяди.  
Жангда ўткир тигли мухаррир ғолиб,  
Шоирнинг лабида «алъомон!» сўзи.  
Оқ байроқ кўтарар, йўқса шеър қолиб,  
Қурбон бўлиб кетар шоирнинг ўзи.  
Инсонлар қисмати нечоғ чамбарчас,  
Уч нафар ёв шеърга қилич қайрайди.  
Шоир эса қўлин силтаб кетолмас,  
Не қилсин, уларсиз яшай олмайди!

## **БОШЛИҚ РУХСАТ БЕРСА...**

Турфа ҳанғоманинг бўлдим гувоҳи,  
Нечалар иймони айланди пулга.  
Билмам, не сабабдан айланар тоҳи:  
Бошлиқ — хўжайинга, ходими — қулга.

Баъзилар қўрқмайди Аэроилдан ҳам,  
«Хўжайн» олдида титрайди фақат.  
Бир аянч кимсанинг куни битган дам,  
Рўй берди шундайин ажиб бир ҳолат:

Аэроил, жонингни оламан, деса,  
У деди, энг содиқ ходим бўламан,  
Шошма, хўжайнидан сўраб келай ман,  
Агар рухсат берса, майли ўламан...

Иўқ, деди Аэроил, умринг тугаган,  
Рухсат сўрашингга бермайман имкон.  
Изн берай майли, фурсат жуда зик,  
Васиятинг бўлса айтақол, нодон.

Қавмига васнят айлади шунда:  
«Бўлмайин десангиза бетайинлардан,  
Берухсат ўлишга дилин оғритмай  
Рухсат олиб қўйинг хўжайнилардан!»

## БУЛБУЛ АНГЛАБ ЕТГАН ҲАҚИҚАТ

Қүшлар даврасида  
куйлар ҳақинда  
Ваъз айтиш тўтига юкланди бир гал.  
У ҳам бошлиқ эди кичик бўлса-да,  
Бошлиқлар маъруза ёзмас ҳеч маҳал.

Мусиқа бобида булбул билимдон,  
Маъруза ёзди у сермазмун, қисқа.  
Тўтихон минбарда сайради бийрон,  
Кимга шуҳрат матлаб, кимга мусиқа.

Бир соат ўқиди тугамас, ажаб,  
Кимдир ҳуштак чалди, бошланди говур.  
Бўлганича бўлди ўзи ҳам терлаб,  
Уч соат ўқигач тинди ҳайтовур.

Ходимларин йигди тўтихон дарҳол,  
Ҳар кимнинг дилида ҳар хил иштибоҳ.  
Айб кимда, не учун юз берди бу ҳол?!  
Аниқланди, экан булбулда гуноҳ!

Такрорлаш — тўтининг шоҳ фазилати,  
Ҳисобга олмабди шундай хислатни.  
Оқибат гуноҳкор ишдан қувилди,  
Кетаркан англади шу ҳақиқатни:

Кимки билмаса гар бошлиқ одатин,  
Ҳеч қайда тополмас ўз саодатни!

## БУНДАЙ ОДАМ ЯШАБ ҮТМАГАН

Бойлик, шуҳрат, мансаб-мартаба, ҳавас,  
Иймонин бурдалаб сарф этди бир кас.  
Сўзни росту ёлғон аралаш қилди,  
Покиза дилларни хира, ғаш қилди.  
Хушомад бобида тенгсиз эди у.  
Ва лекин суви йўқ дengiz эди у.  
Иши тушганларни қилиб оввора,  
Порани қоралаб оларди пора.  
Буқаламун мисол минг турланарди,  
Қингир қилмишидан ғурурланарди.  
Жазо тифин доим ўзгага бурди,  
Енгил ости, оғир устида юрди.  
Умр деб атамиш бир лаҳза ҳаёт  
Кўз очиб юмгунча тугади, ҳайҳоті  
Кимга видо айтса бу ёруғ олам.  
Иймон йўқлэнаркан албат ўша дам.  
Иймон — дил тўрида даста нур экан,  
Инсонда бўлмоғи шарт, зарур экан.  
Бир фаришта келди қўриқлаш учун.  
Шайтон пайдо бўлди ўғирлаш учун.  
Иймон қопқасига ташланди улар,  
Водариф, иймон йўқ очиб кўрсалар.  
Ушбу ҳолни кўриб фаришта ҳайрон,  
Не қиларин билмай гангиди шайтон.  
Ахир йўқ нарсани қўриқлаб бўлмас,  
Ахир йўқ нарсани ўғирлаб бўлмас.  
Охир шул қарорга келди икковлон:  
Бундай одам яшаб ўтгани ЁЛҒОН!

## ТАНБАЛ ХОДИМ ХИРГОЙСИ

Ош бўлса-ю, иш бўлмаса, ёз бўлса-ю, қиши бўлмаса,  
Дам бўлса, ташвиш бўлмаса, танбални койиш бўлмаса.

Қўлларимда ялов кўрсам, ўчоғимда слов кўрсам,  
Қозонимда палов кўрсам, кўрганларим туш бўлмаса.

Ишим доим ўнга дўнса, ишламасдан маош унса,  
Бошим узра Ҳумо қўнса, ундан ўзга қуш бўлмаса.

Еқамдан ғин ушлаш учун, раҳм қилмай муштлаш  
учун,  
Узиб-узиб тишлиш учун баъзиларда тиш бўлмаса.

Гоҳи мязах қилиб қизлар юрак-бағримни хўп тузлар,  
Керакмассиз, дея, сизлар, танбални кишт-кишт бўлмаса.

Ҳеч ким қўллаб турмаса ҳам, баъзиларга зафар ҳамдам,  
Фақат менга қийин ҳар дам қўллайдиган хеш бўлмаса.

## НУНОҚ БОШЛИК ХИРГОЙСИ

Бошлиқ бүлгач шоҳдай бўлсанг, раижу коҳиш бўлмаса,  
Комиссия, текшир-текшир, ҳамда тафтиш бўлмаса.

Йигинларда тургизмаса, йўқлаб турмаса бот-бот,  
Режа бажар, дейишимаса, сўрашмаса ҳисобот.

Ходимлар ҳам мўмин-қобил, ишбилармон бўлсалар,  
Пўталганда лаббай деса, белга дармон бўлсалар.

Юзингга тик қарашмаса, бетгачопар бўлмаса,  
Нордон луқма ташламаса, тили заҳар бўлмаса.

Гар буюрсанг кеча демай—кундуз демай ишласа,  
Хордиқ нима, байрам нима, таътил нима билмаса.

Гоҳ дўқ уриб, гоҳ бақириб, гоҳи ишдан ҳайдасанг,  
Мушугингни пишт демаса, беришмаса ҳайфсан.

Ёқмаганлар ўзи кетса, назар-писанд этмасанг,  
Лек оқибат улар қолиб, ўзинг ишдан кетмасанг.

О, қанийди шундай бўлса, йўқни ҳам йўндирадим,  
Раҳбарликни қойил қилиб, ишни ҳам дўндирадим.

## ШЕРИКЛИК

Айиқ билан тулки шеригу ҳамкор—  
уй қурмоқ бўлдилар ўзлари учун.  
Бирининг ақлига суюнди бири,  
бири ишлатай дер бирининг кучин.

Жонин койитмади дангаса айиқ,  
қўл учи ишлади айёр тулки ҳам.  
Чала-чулпа битди пойдевор, томи,  
шу боис бўлмади кулба мустаҳкам.

Сўнг ҳийла ишлатиб тулки бир ўзи  
уйни эгалламоқ бўлди батамом.  
Айиқ ғазабидан тўлғанди шунда  
ва бешак бошланди жанжал, тўполон.

Бўкирган айиқнинг мушти зарбидан  
қулаб тушди чала битган иморат.  
Бефаҳм айиқнинг боши ёрилди,  
думидан айрилди тулки оқибат.

Эй ташбал айиқлар, айёр тулкилар,  
шерик бўлурмиз деб оғримтманг боши.  
Унутгансиз чоги халқнинг мақолин,  
итлар-да ичмагай шерикли ошни!

1993

## ЮМШОҚЛИК ҲАҚИДА

Юмшоқлик аслида нөб фазилат,  
Ва лекиң гоҳида айлайди ҳароб.  
Гоҳо бирор учун қиласан хизмат,  
Гоҳо бирор учун берасан ҳисоб!

Қаер огри масин, шифо игнаси  
Тийғига юмшоқ жой бўлади қалқон.  
Уддалай олмаса вазифасин БОШ,  
Тепкини юмшоқ жой ейди бегумон.

## **ҲАСАДГҮЙ ҲАҚИДА**

Унинг кўксин ёрма, эй ҳозиқ ҳаким,  
Сино ҳам топмаган бу дардга даво.  
Мабодо ниш урсанг, вулқон отялиб,  
Қора қурум билан тўлар бу дунё!

## ЮМАЛОҚ ХАТ ІЗҮҮВЧИГА

Билмам софдилмисан ёки одчоқсан!  
Дарёми, күлмисан ёки ботқоқсан?  
Лекин бир ҳақиқат айнады менга,  
Дөвгө чорлаб ўзи қочган құрқоқсан!

## ТАДБИРҚОР САВДОГАР, ОВСАР ҮФИЛ ВА ОҚИЛА КЕЛИН ҲАҚИДА ЭРТАҚ

Эрни эр қыладиган хотин.  
Халқ мақолы

Сүйлаб берай шарқона жумбоқ тұла бир әртак,  
Әртаклар замирида ҳаёт ұнкмати бешак.

Бор экан-да, йўқ экан, жуда қадим замонда  
Бир савдогар бор экан машниң деган томонда.

Үзи оқил, тадбиркор, бойликлари мұл экан,  
Аммо якка меросхұр үғли овсар, гүл экан.

Мен ўлсам, унга қолса беқисоб молу давлат,  
Уч-түрт йилда совуриб, гадо бұлур оқибат.

Шундайни ўю ҳаёл миясин көмиаркан,  
Елжасида ғам юқи кундан-кун семиаркан.

Ич-этини еб ташвиш, бағрин этаркан пора,  
Топилғандай бұлибди бу мушкул ишга чора.

Бирон оқила қизга үйлантирса үелини,  
Ҳаёт сүқмоқларидан бошлаб юради уни.

Аммо шундай келинни қандай топса бўлади?  
Синчков, чечан совчилар чор тарафга елади.

Қизлар-ку кўп ва лекин фазлу камоли пинҳон,  
Манглайида ёзув йўқ «соқила» ёки «нодон».

Савдогарнинг үғлига қиз топдилар моҳирўй,  
Қирқ кечаю қирқ кундуз гумбурлатиб қилди тўй.

Түй ўтгач, ўғлнн солиб отланди у сафарга,  
Үйда қолди келини ўралыб сийму зарга.

Үглига сүз қотди чол ошиб икки-уч довон:  
Қани, ўғлим, жим юрма, тилингнн айла бийрон.

Бирон талбир ўйлаб топ, ором олсин дилимиз,  
Йұлинг танобини торт, яқын бўлсин йўлимиз.

Не қиларин билмай гўл, шул чорани топибди,  
Бўлсин дея йўл қисқа дўнгликларни чопибди.

Ота хуноб, дарғазаб, аччиқ сўзлар айтибди,  
Сафарлари қаримай ярим йўлдан қайтибди.

Нечун мунча хафасиз, сўрабди уйда санам,  
Отам роса койиди; дебди куёв боши ҳам.

Хафа бўлманг, дер санам бўйнида дурру гавҳар.  
Одатда ота ўғлнн тоҳ уришар, тоҳ сурар.

Инжиқ бўлиб қоларкан киши қариган сайин,  
Отангиз ҳам аслида кексайиб қолди тайин.

Келин-куёв суҳбатик пинҳона тинглабди чол,  
Ғам юки босиб тағин бўлибди афтода ҳол.

Үгил тақдирин ўйлаб ота қонлар ютибди,  
Яна уйламоқ фикри хаёлидан ўтибди.

Сўзга чечан совчилар тағин елиб-югурди,  
Оқила келин излаб неча эшикка кирди.

Қиэлар-ку кўп ва лекин фазлу камоли пинҳон,  
Манглайида ёзув йўқ «оқила» ёки «нодон».

Тағын бир гүзәл қызын овсарга жуфт этдилар,  
Түй үтгач, ота-үғиң овга жұнаб кетдилар.

Төғ әнбағри ўрмөнзор, туёқ тегмас жой әкан,  
Бир ән баланд қоялар, бир ән чуқур сой әкан.

Пастға боллаб отларни, баландға йүл олибди,  
Қарилік қурсаң, ота тезда ҳориб қолибди.

Дебди шунда: илож топ, күч-құвватға тұлай мен,  
От миннасак ҳам бунда той минғанча бұлай мен.

Ұғли дебди: қизиқсиз, тушунмайсиз бари бир,  
От чиқолмагаш жойға той қандай чиқсан ахир.

Эй сен овсар, бефақм, ақлинг киради қачон?!

Дарғазаб қайтар ота, ортидан қайтар нодон.

Тұрам, нечүн хафасыз, сүрар келин нозланиб,  
Отам роса уришди, дер күев аразланиб.

Хечқиси йүқ, ота-да, гоҳ суюб, гоҳ сұқади,  
Бу сўзлар келин ақлин оҳорини тұқади.

Тоңғда чорлаб үғлини чол деди: қисматинг шүр,  
Яна бир бор уйлайман, сүнгра пешонанғдан күр.

Бу гал вазмин совчилар йүлни яқын солибди,  
Құшни камбағал қизга уйлаб құя қолибди.

Ұғлин олиб савдогар чиқди яна шикорга,  
Овлади жайрон, архар төғ ила ўрмөнзорда.

Энди, үғлим, деди чол, сурайлик ов гаштини,  
Қабоб пишир майдалаб барра архар гүштини.

Гүштни ёғоч тавоқда чўғ устига қўйди гўл.  
Гўё ўтмас пичоқда отасини сўйди гўл.

Куйди тавоқ гўшт ила, чол дилида чексиэ ғам,  
Куёв тўра ширордан хафа қайтар бу гал ҳам.

Тўрам, нечун хафасиз, келин сўради вазмин,  
Отам яна уришди, дедилар куёв ғамгин.

Нега уришди ахир, бордир бирон сабаби,  
Отамизнинг не эди Сизга қўйган талаби?

Айтиб берди шунда у кабоб пиширганини,  
Қанча арҳар гўштини чўғга туширганини.

Келин сўз қотди шунда кўзларида порлаб нур.  
Кабоб пиширмоқ учун энг аввало сих зарур.

Сих ясаб ҳўл чивиқдан, мунчоқмисол гўшт тизиб,  
Чўгга тутиб турсангиз пишарди ёғи сизиб.

Еб роҳат қиласидилар, куймасди сих, кабоб ҳам,  
Шундай қилолмагансиз, айб ўзингизда, тўрам.

Шунда куёв сўзлади аввал ҳам урушганин,  
Йўлни яқин қилолмай йўлларда суришганин.

Келин деди: ҳангома йўлни яқин қиласди,  
Асо тутса кексалар той мингандча бўлади.

Келин-куёв сұҳбатин пинҳона тинглади чол,  
Тижорат сафарига сўнг жўнаб кетди хушҳол.

Неча ҳафта, неча ой юрди шаҳарма-шаҳар,  
Савдоси топди ривож, оқиб келди олтиш, зар.

Қирқта туяга юклас қанча бойлик, дур, гавҳар,  
Карвон тортиб юртига қайтди оқил савдогар.

Тұсат дүч келди йұлда бир тұда қароқчилар,  
Қутулмаслигин билди ҳийла ишлатмаса гар.

Үгрилар бошлигига макр ишлатди ажойиб,  
Деди, айтганим қылсанғ кетгунг бундан ҳам бойиб.

Қани айт, эшитайлик, деди бошлиқ беписанд,  
Сұз бошлади савдогар бермак учун ёвга панд.

Буюр икки йигиттінг уйимга берсін хабар,  
Суюнчига ўн тая олтин берур муқаррар.

Отаңг күп бойлик билан келаётір десинлар,  
Мени мunoсиб кутиб олмоқ ғамин есінлар.

Шуни ҳам айтсін яна, қирқ бедовни кишинатсін,  
Үйда утта пичоқ бор, ўткирини ишлатсін.

Икки шохсіз құчқорнинг бирини дарҳол сүйсін,  
Қирқ гиламни кеч ёйиб, кундузи йиғиб құйсін.

Бу гаплар замирида қандай маъно бор зди,  
Үтмас фаҳм-ла бошлиқ англаши душвор зди.

Савдогарнинг ўн тая олтініга учдилар,  
Икки йигит отини қамчиласшга тушдилар.

Савдогар дарвозасын, суюнчи, деб қоқиши,  
Олтин, зар илинжида умид билан боқиши.

Овсар ўғил чопарлар сұзини тинглади жим,  
Суюнчи деб уларга берди ўн тая олти.

Чопарлар ортта қайтиб, кетай деб туришган си,  
Қичик келин чиқиб дер, тұхтанғиз, азиз меҳмон.

Беріб юбормадими отаміз бирон белги,  
Бизларга бунда қандай юмуш бажарсін деди?

Савдогарнинг деганинг айтди улар бирма-бир,  
Деди, отдан тушингиз, мўл дастурхон мунтазир.

Отамизнинг айтгани бизллар учун фарз, деди,  
Сизларни меҳмон қилмоқ ахир бизга қарз, деди.

Меҳмон бўлиб, йигитлар, бизни хушнуд этингиз,  
Ичиб тоза қизил май хурсанд бўлиб кетингиз.

Меҳмон бўлди ўғрилар, май қўйдилар басма-бас,  
Эрини бошқа уйга келин чорлади бесас.

Уткир май таъсиридан ўғрилар қолди ухлаб,  
Келип сўз қотди шу дам овсар эрига қараб.

Отамиз қароқчилар орасида банд эмиш,  
Бефаҳм чопарларнинг ўзлари шундай демиш.

Қирқ довюрак ва чапдаст йигитларни тўплайсиз,  
Барчасига тиғ бериб, милтиқларни ўқлайсиз.

Қиличингиз ўгрининг бирини бошин олсин,  
Бирин ўз маконига Сизларни бошлаб борсин.

Кундуз ётиб, кечаси йўл танобин тортгайсиз,  
Ўғрилар гарданига ғафлат юкин ортгайсиз.

Сергак бўлинг, душманни сирдан воқиф этмасин,  
Ишга тушинг, тўрам, тез, вақт қўлдан кетмасин.

Қирқ довюрак, баҳодир йигитларни тўплади,  
Қиличларни чархлатиб, милтиқларни ўқлади.

Ўғрилардан бирини шу он гумдан этдилар,  
Бирин олиб қароқчи манзилига кетдилар.

Кундуз ётиб, кечаси йўл юрдилар жадал, тез,  
Угрилар маконига етди уйқу босган кез.

Қирқ баҳодир уларни ғафлат ичра босдилар,  
Барчасини банд этиб, бошлиғини осдилар.

Қароқчилар қўлидан отасини шу таҳлит  
Бутун бойлиги билан қутқарди овсар йигит.

Ота-бала хурсанд, шод уйларига қайтдилар,  
Доно келин шаънига ҳамду сано айтдилар.

Қичик келин порлатгич хонадон офтобини,  
Икки танноз санамнинг бердилар жавобини.

Овсар йигит манглайнин шўри шундай кетибди,  
Оқила хотин билан муродига етибди.

1981

## ҲИҚОЯТ

Икки киши борарди сўзи-сўзига пайванд,  
Бири думбул ўспирин, бири кекса донишманд.

Дуч келиб бир йўловчи уларга берди салом,  
Беэътибор, беалик қолди аммо бу калом.

Ҳамроҳининг феълидан ўспирин бўлди ҳайрон,  
Яна икки йўловчи учраб қолди шу замон.

Уларнинг саломига алик олиб ўтди чол,  
Ёш ўспирин дилида чарх урар исча савол.

Уч киши йўлиққан дам чол ўзи берди салом,  
Сўнг уларга қўшилиб йўлин эттириди давом.

Манзилига егишгач нафасини ростлаб чол  
Йўлдаги воқеанинг сабабин айтди алҳол.

Елғиз юрган йўловчи ўлимдан бехабардир,  
Қазо қиласа бекабр қолиши муқаррардир.

Уч кишининг эса гар бирин узилса жони,  
Бири хабарга чопар, бири бўлар посбони.

Алқисса шу: қазони унутмагин ҳеч қачон,  
Елғиз юрма, эй ўғлон, якка турма, эй ўғлон!

## ОНА РҮХИ

Достон

БАГИШЛОВ

Она — буюк инсон,

она — суюк зот,

оналар пойишиң гарди — каңкашон.

У — метин ирода, иймон, эътиқод,

фарзанд тепасида мангу соябон.

Эңг мусаффо түйгү — унинг күксіда,

унинг хаёлида — эңг буюк орзу.

Жөнездір онаға битмак қасида:

у — замон,

у — макон,

у — абадий рүхі

Ва лекин тоҳида меҳрибон, мушфиқ  
оналар қадрини нега билмаймиз.

Амал берганларга минг бор әгилиб,  
ҳәёт берганларга парво қымаймиз.

Она кутар дайди ўғлини гоҳо —

Улим чангалида бера олмай жон.

Нега номукаммал, нега норасо,

нега мунча худбин яралмаш инсон?!

Бас энди, не ҳожат гина, кудурат,

надоматта мұхтож әмас ул зотлар.

Бу майда тапларни бир четга суриб,

тингланғ ғамли құшиқ — мунгли баётлар.

## БИРИНЧИ ҚҰШИҚ

Яйлов чеккасида якка бир ўтов —  
кичик оиланинг улкан маскани.  
Шу маскан бағрида яшайди учов,  
кенг яйлов — уларнинг боғу чамани.  
Яккалик хавфини билмайди улар,  
әлғизлик азобин чекмаган ҳали.  
Кулбасин ой, қуёш қўриқлаб турар,  
тинч ва осойишта ўтар кунлари.  
Тетапоя бўлган ўғлини чўпон  
ўйнайди гоҳида отиб осмонга.  
Қиқирлаб кулганда митти паҳлавон  
ёш она шодлиги сиғмас жаҳонга.  
У кулса, қўшилиб кулади икков,  
зоро хонадоннинг шоҳи эрур у.  
Умиди, орзуси, баҳти, қувончи,  
келажаги, суюнч тоғи эрур у.  
Шундай ўтди қанча фараҳли дамлар,  
ором оғушида яшаши яйраб.  
Чўпон илк баҳордан кеч кузга қадар  
тоғ ёнбағрин кеэди сурувин ҳайдаб..  
Фалокат юз берди: сел келиб ногоҳ  
қўйларни домига олди, маҳв этди.  
Зўрга омон қолган чўпонни, эвоҳ,  
бўрилар галаси ғажиди кетди.  
Ҳали етиб келмай бу машъум хабэр  
чўпон ўтовига ўт кетди бирдан.  
Соҳибин суюги ётарди беқабр,  
соҳибаси ўтни терарди қирдан.  
Зийрак она қалби — фарзанд воласи  
хатар шарпасини сезди ўша он.  
Ажал панжасида кўриб боласин  
ел каби югурди кулбаси томон.  
Ўтов ичра маъсум гўдак биғиллаб,  
ўлим чангалида тутун ютарди.

Қизил тилин чўзиб, заҳрини сочиб,  
бош сукқан кимсани ажал кутарди.  
Ўзин ичкарига урди ёш она,  
ўглини бир зумда топиб олди у.  
Олов кучленикан, ё она меҳри?!  
Ўтов ичра улар келди рўбарў.  
Икки буюк қудрат бир-бири билан  
майдонда бешафқат олишар эди.  
Бир ён она меҳри ва бир ён оташ  
бир митти ниҳолни талашар эди.  
Ўтовдан ташқари отилди аёл,  
ўғлини тупроққа белаб ташлади.  
Ажратиб ололди дилбандин аммо  
ўзи бошдан-оёқ ёна бошлади...  
Ўлиб кетолмайди она ушбу дам,  
меҳрига кўз тикиб ётибди гўдак.  
Агар она ўлса, фарзандига ҳам  
яшаш бахти насиб этмагай бешак.  
Қабоб бўлса ҳамки, жисми қоврилиб  
тирик қолди, ажаб, қайдин бу сабот?!  
Жигарбандин олиб жўнади иста  
дорушшифо томон, қайдасан нажот?!

\* \* \*

Йўл четида инграб ётар бир аёл,  
куйган сийнасини тимдалар бола.  
Аччиқ куюк ҳидин тўзғитар шамол,  
битмакка ожиздир ҳар қандай қалам.  
Гурар, уч-тўрт қадам ташлар, йиқилар,  
турар-йиқилар, сўнг эмаклар беҳол.  
Фарзандини куюк бағрига босиб,  
умидвор судралар, судралар аёл...

\* \* \*

Уч кундурки аҳли шифо оёқда,  
ҳаким дер, аҳволи оғир нақадар.

Боласин қутқармоқ мумкину аммо,  
онасини ўлим кутар муқаррар.  
Қирқ кунда болакай соғайди мутлоқ,  
она ҳамон беҳуш, узилмас жони.  
Ниманиндири кутар, негадир илҳақ,  
нечундир кетолмас ташлаб дүнени.  
Табобат илмига сирдир бу жумбоқ,  
она бардошига ҳамду санолар.  
Она меҳрин шарҳлаб беролмас мутлоқ  
на Луқмон, на Сүқрот ва на Синолар.  
Меҳрибон бир аёл чўпон ўғлини  
тарбияга олди, ювиб-таради.  
Гар ўзга фарзанди бўлса-да, лекин  
туққанидан ортиқ суюб қаради.  
Онасин олдига бордилар бир кун,  
ўглини таниб севинч ёши тизилди.  
Ишончли паноҳда кўриб дилбандин  
ниҳоят кўз юмди, жони узилди!

\* \* \*

Бирон хавф туғилса полапонини  
қушлар ҳам олурлар қанот остига.  
Токи ҳаёт экан меҳрибон она  
фарзандин бермагай ажал дастига!

### ИККИНЧИ ҚУШИҚ

Бола туғилдию она узилди,  
гуноҳлардан фориғ кетди оламдан.  
Ва лекин пок руҳи бўлур безовта  
ортида қолгани йиғлаган дамда.  
Мана олти ойки, чирқиллар гўдак,  
тамшаниб ҳаётбахш сийна излайди.  
Мана олти ойки, она арвоҳи

Чарх уриб фарзанди узра бўзлайди.  
Бола атрофида гўзал бир жувон  
жонини бергудай бўлар парвона.  
Давраларда этмиш мақсадин аён:  
бўлмоқ истар эмиш гўдакка она.  
Ким билсин санамнинг дилида не бор,  
тилидан томгани асалми, огу?!

Унинг истаклари бўлди мустажоб,  
хонадонга бека бўлиб олди у...  
Фарзанд бўлолмагай ўзга фараанди,  
умр сўқмоғида бўлолмас ҳамдам.  
Етим боқиб ҳеч ким ялчиган эмас,  
ўгай бўлар ҳатто авлодингга ҳам.  
Ё раб, баъзи бадбахт ёсуманларни  
мунча ёвуз қилиб яратдинг нечун?  
Қанча машъум режа тузди у санам  
миттигини жонни гум этмоқ учун...

\* \* \*

Езниг оппоқ ойдин, сокин оқшоми,  
икки отлиқ келар, авжида гуринг.  
Кўкларга кўтарар кимнингдир номин,  
кимнингдир юзига лой чаплашар сўнг...  
Отлар тўхтаб қолди бирдан, воажаб,  
қулоқ динг, депсинар ҳам пишқиради.  
Оқ ҳарир либосда сирли бир хилқат  
қўлларин кўтариб йўлда туарди.  
Отлиқларни босди ваҳима, қўрқув,  
овоzlари тиниб, бўғзида қотди.  
Баданларин совуқ тер босиб дув-дуя,  
инккови ҳам бир зум ўзин йўқотди.  
Уларни дашт томон бошлади арвоҳ,  
имлай-имлай олдда тез борар эди.  
Қайтмоқчи бўлсалар йўлинни тўсиб,  
тиз чўкиб умидвор ёлворар эди.  
Ташландиқ қудуққа бошлаб борди у,

бигиллаган товуш келарди ундан.  
Чиқариб олсалар — гўдакдир, ёху!  
Қай бағритош уни ташлади экан?!  
Яна йўл бошлади ўша оқ шарпа,  
отлиқлар эргашди мисоли соя.  
Қишлоқ. Чекка уйда тўхтади хилқат,  
буёғин отлиқлар қиласр ҳикоя:  
— Бу ахир Норматнинг ўйи-ку, ошна,  
хотини ўлганди олти ой бурун.  
Боласи қолганди этак остида,  
бу оқ шарла — ўша раҳматли Гулсум.  
О, нақадар дилбар аёл эди у,  
танимай қолибмиз, босдими ғафлат?!  
Демак, раҳматлидан қолган ёдгор бу,  
гўдакка қасд қилган қандайин номард?!  
Ўн кун бўлди чоғи бева Норматнинг  
ёш жувон Ҳожарга уйланганига.  
Тўхтаб қулоқ солди эшикда улар  
маккора Ҳожарнинг сўйлаганига:  
«... Бир бефарзанд аёл қўшни қишлоқдан  
ялиниб сўранди, бериб юбордим.  
Агар йўқ десангиз олиб келаман,  
алир нима қилай, жуда ёлворди...»  
Аста эшик қоқиб кирганда улар  
Нормат ўлтирарди ғамгин, ўй суреб.  
Ўзини панага олди шум Ҳожар  
меҳмоннинг қўлида болани кўриб.  
Чинқириб эшикка отилди бирдан  
қаршисида Гулсум бўлганда пайдо.  
Боласини берди Норматга меҳмон,  
бўлди бадбахт Ҳожар қилмиши ифшо...  
Қочиб юраг мудом арвоҳдан жувон,  
неча ой, неча йил етмас қазоси.  
Чўлу биёбонда ит каби сарсон —  
шул эрур илоҳнинг одил жазоси!

\* \* \*

Бирон қавф түғилса полапонини  
қүшлар ҳам олурлар қанот остиға.  
Токи бор дунёда оналар руҳи  
фарзандин бермагай ажал дастиға!

### УЧИНЧИ ҚУШИҚ

Поезд келар борлиқ уйқусин бузиб,  
бир ён чексиз дала ва бир ён ўрмон.  
Тепловоз тутуни ҳавода тұзғыр,  
йироқда чироқлар милтиллар бежон.  
Машинист толиққан узоқ сафардан,  
гарчи йўл темир из, лек равон эмас.  
Шогирдига деди, кўзим юмилар,  
чарчадим шекилли мизгий бир нафас...  
Ғаройиб ҳодиса рўй берди ногоҳ,  
оппоқ хилқат олди ойнани қучиб.  
Не қиласин билмай турди-да бир оз,  
сўнг каттасин туртди ранг-қути ўчиб.  
Кекса машинистни чулғади ҳайрат,  
бундай ҳол бўлмаган содир ҳеч қачон.  
Пешойнани қоплаб олмици оқ суврат —  
юзида илтижо, мунг ва ҳаяжон.  
Не қилсин, поездни тўхтатсанми ё,  
ахир бунга ҳеч ким ишонмас зинҳор!  
Йўлни кўриб бўлмас, тўхтатмай деса,  
тўхтайин деса — жавобгарлик бор.  
Поездни тўхтатди улар алоҳал,  
хонасидан тушди ваҳм ичра титраб.  
Бир оз юргач кўрди йўргакда бола —  
темир из устида ётарди йиглаб.  
Авайлаб қўлига олди машинист,  
бу қандай ёвузылик, қандай разолат?!  
Гўдакка қасд қилган қай малъун, қай ит,  
қайси қора юрак, бу не қабоҳат?!  
Бекат нозирига бор гапни айтиб.

кетдилар болани қолдириб унга.  
Отаси топилгач аён бүлди ким —  
изга қўйиб кетган гўдакни тунда.  
Кундошин ўлдириб ёвуз бир жувон  
ўглиға ҳам қазмиш ажалнинг чоҳни.  
Фарзандин қутқармоқ учун ўша он  
поездни тўхтатмиш она арвоҳи!  
Гўдакка қасд қилган ўшал бадният  
ўрмон ичра мудом изғиб юрармиш.  
Қушлар сайрамасмиш унинг қошида,  
дараҳтлар ҳам ундан нари туарармиш.  
Ҳазар қилар эмиш ҳатто йиртқичлар,  
изида гиёҳлар қуриб қолармиш.  
Гўдак камолини кўриб, оқибат  
куйиб, ит каби хор бўлиб ўлармиш!

\* \* \*

Бирон ҳавф тугилса полапонини  
қушлар ҳам олурлар қанот остига.  
Токи бор дунёда оналар руҳи  
фарзандин бермагай ажал дастига!

### ТЎРТИНЧИ ҚУШИҚ

Жангга жўнаторкан она фарзандин,  
ой бориб, омон қайт, деди кўзда ёш.  
Дилида иштибоҳ — эрка дилбанди  
огир синовларга берарми бардош?  
Кунлар ўтди, ўтди ҳафталар, ойлар,  
огирлашаверди ҳажр аталмиш ғам.  
Ва лекин ўғлидан на хат, на хабар,  
сукут сақлаб ўтар хат ташувчи ҳам.  
Қирқ йил кутди ўғлини муштипар она,  
қирқ йил багрин ээди, ўртади ҳижрон.  
Қирқ йил кўзи йўлда толди, тешилди,  
кўксида тикланди қирқ йиллик армон.

Гузарон умри ҳам битди ниҳоят,  
армонларга тұла қолди бу жаҳон.  
Қайтариlgач Оллоқ берган омонат,  
руҳи ажраб чиқди жисмидан шу он.  
Қирқ күн она руҳи кезді қишлоқда,  
ұар ниҳол баргини бир-бир силади.  
Сұңг бедарак ўғлин излаб тоңмоққа  
бегона юртларга сафар айлади.  
Не злларни кезді сарсон, овора,  
Африқо, Амриқо, Испонда бұлды.  
Ахтарди тириклар, ўлуклар аро,  
Фарангистон, Булғор, Олмонда бұлды.  
Она ўғлин излаб топди ниҳоят,  
на ватан, на хотин, на фарзанди бор.  
Үммөн аро кичик оролда ғоят —  
шоқона қасрда яшар экан хор.  
Тұшакка михланған, хаста ва мажрух,  
оғы учинда Азроил, ҳайқот!  
Атрофин қуршамиш ўн навқирои руҳ,  
она беролмади ўғлига нажот.  
Азроил жонини суғурди бирдан,  
жисмидан ажралди қоп-қора арвоқ.  
Ұнта навқирои руҳ олиб ўртага  
дүппослай бошлади арвоғни шу ҷоқ.  
Бу қандай күргулик, бу не мусибат,  
етмасмиди ахир қирқ йиллик ҳижрон?  
Жонини олдилар, урар бешафқат  
она ўғлин әнді топғали замон.  
Пайдо бұлды шу пайт икки фаришта,  
навқирон руҳлардан ажратиб олди.  
Қириб кетди олиб ернинг қаърига,  
онаизор бунда зор йиглаб қолди.  
Ўғлин руҳи нега мунча тасқара,  
нега дүппослашди навқирон руҳлар?  
Улар нега мунча навқирон, сара,  
ұткинчи дунёда ким бўлган улар?!

\* \* \*

Қирқ йил бурун жасур ўн бир ёш ўғлон  
ёв билан мардана уруш қиларди.  
Түпук ерга тушмас аёз, қаҳратон,  
изгирин юзларни гүё тиларди.  
Емак тугаб қолган, ўқ-дорилар кам,  
бундай пайт синалар иродада, иймон.  
Бирон бошпаны йўқ, энгил-бошлиар нам,  
мўртроқ иродага дарз кетар аён.  
Диёнат мулкини тарк этар албат  
кимнинг дилин босмиш ғубор ила гард.  
Ўн бирининг бири чиқди жуда мўрт,  
Ўн бирининг бири чиқди кўп номярд.  
Ингитлар ухлаган дамда ёв томон  
аста ўтиб кетди, қилди хиёнат.  
Сафдошларин сотди, юртини сотди,  
туқсан онасига келтирди лаънат!  
Ингитлар ғафлатда қолди, қаттол ёв  
барин тутдай тўқди — қириб ташлади.  
Бева қолди ўнта оташ муҳаббат,  
ўнта мушфиқ дилнинг кўзин ёшлади.  
Она ўғли эди ўша сотқин кас,  
манглайига «хонин» муҳри босилди.  
Не илож шул экан қора қисмати,  
«мангулик макони — дўзах», ёзилди.  
Кузатиб юраркан навқирон руҳлар,  
таъқиб этарканлар қадам-бақадам.  
Дўллослаб хумордан чиқдилар бир оз,  
қасос учун имкон бермасалар ҳам.  
Қирқ йиллик ўтмишни айлагач баён,  
руҳлар учниб кетди феруз осмонга.  
Она қолди тубсиз қайғуга ботиб,  
мангу ҳижрон аро, мангу армонда!

## БЕШИНЧИ ҚҰШИҚ

Она тилар: мард бүл, ботир бүл, ўғлим,  
бамисли шербача, кучга түл, ўғлим.  
Дейдилар, құрбонсиз бұлмагай уруш,  
ұлар бұлсанг фақат жаңға ўл, ўғлим.  
Йигит яраланди жаңғ майдонида,  
оқыста бош құйди қонли тупроққа.  
Она үгітлари кезар қонида,  
лек кучи етмади ҳүшин әнғемоққа.  
Элнинг құтлуг, сахий далаларини  
нақалли этіклар пайхон этдилар.  
Асир олди ёғий беқуш йигитни  
ва бегона юртга ҳайдаб кетдилар.  
Қулоғига етғақ бу машъум хабар,  
она йұлға түшден шунқорин излаб.  
Тошлоқ күчаларда елди саросар  
бүтасин йүқотған түядай бўзлаб  
Аҳли шаҳар чиқди она йўлига,  
қайтармоқ бўлдилар уни ҳар қайда.  
«Бас кела олмайсан ёвуз душманга,  
саъни-ҳаракатинг бари бефойда!»  
Йўқ, она қайтмади, мақсади битта —  
суюкли фарзандин озод қиласи.  
Еки ёв қўлида мардана туриб  
диловарн билан бирга ўлади!  
Йўқ, она қайтмади, зоро қалбини  
эзарди тоғ каби ҳажру фироқлар.  
Она кетди қўрқмай хавфу хатардан,  
ортда қолди шаҳар ҳамда қўрқоқлар.  
Дашту саҳроларда елди, югурди,  
дуч келди йўлида қалин ўрмөнзор.  
Меҳр йўл бошлади, ўрмон қаърига  
кириб борди кўкси доғ онаизор.  
Ўрмоси — даррандалар макони эрур,  
униңг ўз подшоси, қонунлари бор.

Үрмөн — паррандалар ошёни эрур,  
 измида бепоён осмони даввор.  
 Хабар етди үрмөн шоҳнга шу дам,  
 чегарадан ўтди бир муштипар зот.  
 Шоҳ буюрди содик маҳрамларига,  
 бошлаб келинг буён айлаб эҳтиёт.  
 Шер ва кампир бунда келди рўбарў,  
 бири — шоҳ, бириси — меҳрибон она.  
 Шер ҳам онасидан қолганди айрў.  
 баччалик дамларин эслади ёна.  
 «...О, нақадар хушбўй она сийнаси,  
 багри — бамисоли нур тўла жаҳон.  
 Неча бор ҳаётин хавфда қолдириб  
 уни ўтдан, сувдан сақлаган омон...»  
 Кампир дарди аён бўлди подшога,  
 жигарбанди душман қўлида асир.  
 Фармон берди, уни қутқармоқ учун  
 ўрмөн миқёсида тузилсин тадбир!  
 Она кетди душман сари жадаллаб,  
 ортидан эргашди минг·минглаб ҳайвон.  
 Қора булат каби осмонда қушлар  
 шиддат билан учиб борар ёв томони.  
 Қатлга ҳозирлик кўради душман,  
 дорда тебранарди ажал сиртмоғи.  
 Она пайдо бўлди шунда дафъатан,  
 қалбида буюк дард — айрилиқ доғи.  
 Деди, мен — онаман, ҳаётбахш бир зот,  
 дилим тўла меҳр, муҳаббат ва ғам.  
 Асирларни озод айлагил, эй шоҳ,  
 йўқса мотам тутгай элинг сенга ҳам.  
 Йиртқичлар парчалар тоҷу таҳтингни,  
 тошлар ёғдиради қушлар бошингга.  
 Ўз қўлинг-ла кесма ўз дарахтингни,  
 заҳар солма ичиб турган ошингга.  
 Шаҳарни қуршамиш йиртқичлар буткул,  
 кўкда айланишар қушлар бесаноқ.

Подшо ҳам билдики, она матлабин  
бажармаса бешак ишлари чатоқ!  
Озод айладилар она фарзандин,  
күнгүл ярасига қўйдилар малҳам.  
Бағрига босаркан она дилбандин  
эриб кетди ҳижрон музлари бирдан.  
Она-бала хуррам келдилар қайтиб,  
қайтди барча жондор: сиртлону қоплон.  
Ўрмон подшоҳига раҳматлар гыйтиб,  
юртига равона бўлди икковлон.  
Чарчаб қолди йўлда муштипар она,  
ӯғли елкасига олволди уни.  
Ватан сарҳадига етдилар аранг,  
битган кўринарди волида куни.  
Тўхта, болам, деди кампир ингриниб,  
умрим адoқ бўлиб қолди чамамда.  
Үлсам шу сарҳадга ерлагин мени,  
огоҳ бўлай юртни ёв босган дамда...  
Ўғли зор-зор йиглаб кўмди онасин,  
улкан армон қолди кўнгул қатида.  
Энди фарзандларин қўргаб хатардан  
она руҳи турар юрт сарҳадидаг!

\* \* \*

Бирон ҳавф тугилса полапонини  
қушлар ҳам олурлар қанот остига.  
Токи бор дунёда меҳрибон она  
фарзандин бермагай ажал дастига!

### ОЛТИНЧИ ҚУШИҚ

Меҳрибон, мўътабар, мунис оналар —  
ҳаёт каби азиз, заминдай қутлуг.  
Ажин юзларида не жангномалар,  
кумушдай соchlари рангларга тўлиқ.  
Урушнинг илк зарби тегар онага,

унинг елкасида жангларнинг юки.  
Тарих авроғида ҳар бир санага  
битилган саҳифа — ёш ва қон юғи  
Сўнгги беш минг йилнинг, ё раб, иккى юз  
тўқсони уруғсиз ўтганмиш фақат!  
Эй мушфиқ оналар, бу ёвуздликка  
нечук чидадингиз, қилдингиз тоқат?!  
Оналар заҳматин чекса гар тоғлар,  
тошлар уқаланиб, тупроқ ёнарди.  
Агар кўз ёшларин ютмаса замин  
Нуҳ тўғони минг бор тақрорланарди.  
Оқшом сукунати — жанг гирдобида  
сўнган юракларнинг босиқ баҳсидир.  
Юлдузлар — қайтмаган фарзанд доғида  
очиқ кетган миллиард кўзлар аксиdir.  
Эллик миллион қурбон берганда башар  
сен қандай чидадинг, она сайдер?!  
Ҳамон фарзандларин кутар оналар,  
эллик йил ўтса ҳам тузалмас яра.  
Оналар бардошин битмакка олмос —  
дош беролмас, эриб кетар бир онда.  
Имкон бўлса, «ОНА» сўзин нур билан  
ўчмас қилиб ёзсан феруз осмонга.  
Имкон бўлса, машриқ уфқида пойдор  
онага муazzам ҳайкал қурсайдим.  
Ҳар тонг Қуёш чиқиб унинг ёнидан,  
дилларга эзгулик сочиб турсайди!  
Онани улуғланг, сиз эй одамлар,  
зъозозланг сарф айлаб қалб қўрингизни.  
Гар дилда сақласак оналарни биз,  
парвардигор омон сақлайди бизни!

### ХОТИМА

Чайқалиб турибди замину замон,  
келажак милтирас туманлар аро.

Башар авлодини юз бора гүмдон —  
этмакка етармиш қуроллар, эвоҳ!  
Сусайиб бормоқда иймон, эътиқод,  
Нуҳ замони қайта келмоқдами ё?  
Қамайиб бормоқда меҳру оқибат,  
қай томон кетмоқда бу кўҳна дунё?!  
Бу кун бани башар бамисли гўдак —  
чирқирап, оламни тутар фарёди.  
Қилич қайраб турар қазо маҳрами,  
наҳот маҳв этилса башар авлоди?!  
Қим омон сақлайди тийғу заҳардан  
меҳрни, шафқатни, пок муҳаббатни?  
Бало-қазолардан, хавғу жатардан  
ким омон сақлайди башариятни?!  
Гўзаллик, нафосат қутқарар уни —  
деганлар юз бора ҳақлидир балким.  
Ва лекин айтинг-чи, энг оғир дамда  
фарзандга онадек қалқон бўлар ким?!  
Онадир — ҳаётнинг буюк посбони,  
кўзларга тўтиё пойи хоклари.  
Омон сақлар мангу бани инсонни  
азиз оналарнинг руҳи поклари!

1975—1987

## МУНДАРИЖА

Умр . . . . .	4
Ҳалоллик . . . . .	5
Очилмаган қўриқ . . . . .	6
Деҳқонга қасида . . . . .	7
Баҳорни соғинибди . . . . .	9
Оқ қўшиқ, оппоқ қўшиқ . . . . .	10
Ўзбекистоним . . . . .	11
Она юртим . . . . .	13
Ўқитувчим мәсинг . . . . .	15
Она тилим . . . . .	16
Гуноҳларим . . . . .	17
Ҳаётдаги ўркинлар . . . . .	18
БМТ ахборотига раддия . . . . .	19
Ҳаёт эмас у . . . . .	20
Қаҳрамонлик ҳақида . . . . .	21
Ёнаётган чинор . . . . .	22
«Қудратли зилзила...» . . . . .	22
«Лочиннинг кўксинни чок этди пайкон...» . . . . .	23
Нажот истаб . . . . .	24
Вақт ўтиб бормоқда . . . . .	25
Умидсизлик душманим маним . . . . .	26
Дўстлар соғинчи . . . . .	28
Ота тиласи . . . . .	30
Бахтинг баркамол бўлсин . . . . .	31
Мен севган аёл . . . . .	32
Менинг муҳаббатимсиз . . . . .	33
Дардли бир қўшиқ . . . . .	34
Армон . . . . .	36
Ўзбегим аёли . . . . .	37
Шеър ўқиб бер . . . . .	39

Үлимни енгиб . . . . .	40
Гуноқор бандамиз . . . . .	41
Кураш . . . . .	43
Бозорда . . . . .	44
Бу қандай дунё . . . . .	45
Шошилманг, одамлар . . . . .	47
Демократия тарафдори . . . . .	47
Бизларга тош отмас . . . . .	48
Мағрур яшаб . . . . .	49
Номард ҳақида . . . . .	50
Баъзан янглишасан . . . . .	51
Қарзга ботириб кет дунёни . . . . .	52
Юракни бахш этиб бўлмайди . . . . .	53
Шоир монологи . . . . .	55
Бегона ўғлимга . . . . .	56
Пахтаобод бу . . . . .	58
Яшагинг келанеради . . . . .	59
Энг қийин иш . . . . .	60
Чеченга эрк беринг . . . . .	61
Занги бобо . . . . .	62
Аччиқ хулоса . . . . .	64
Саккизликлар . . . . .	65
Тўртликлар . . . . .	70

### Ғазаллар

«Билолмам, ишқ пинҳоним...» . . . . .	79
«Ул қаро кўзлар мени...» . . . . .	80
«Ўйғонур деб, ишқ кутармиш...» . . . . .	81
«Дилимнинг дарди иккидур...» . . . . .	82
«Эй нигорим, қил тараҳҳум...» . . . . .	83
«Чўксин осмон гумбази...» . . . . .	84
«Бу олам курмаган асло...» . . . . .	85
«Ул қийиқ қошлиар нетар...» . . . . .	86
«Не учун севдинг, кўнгул...» . . . . .	87
«Дилбарим кулса фалакдин...» . . . . .	88

«Бўлмаса шоҳ соҳиби тадбир...»	83
«Кимики деса, мен оқман...»	90
«Одами эрмас анинг...»	91
«Эй кўнгул, ишқ ичрай...»	92
«Ўзингдан изла, эй кўягул...»	93
«Раво кўрмиш бани...»	95
«Бир даме дўст сұхбати...»	96
Замон сенга боқмаса	97
Доно билан	98
«Аҳли ушшоқ кўнглидин...»	99

### Мухаммаслар

Наврӯзим	100
Навоий ғазалларига мухаммаслар	102
Ҳофиз ғазалларига мухаммаслар	133
Аҳмад Яссавий ҳикматларига мухаммаслар	137
Фузулий ғазалларига мухаммаслар	141
Бобур ғазалларига мухаммаслар	145
Машраб ғазалларига мухаммаслар	149
Ватан мадҳи	151
Эркин Воҳидов ғазалларига мухаммаслар	152
А. Орипов ғазалига мухаммас	156
Наврӯзга илтижо	158

### Ҳажв дафтаридан

Қош қўяман деб...	159
Дод, дастингдан, синов	160
Гина	161
Бўлса бисёр давлатинг	162
Шеърнинг уч душмани	163
Бошлиқ рухсат берса	164
Булбул англаб етган ҳақиқат	165
Бундай одам яшаб ўтмаган	166
Танбал ходим хиргойинси	167

Нұноқ бошлиқ хиргойиси	168
Шеріклик	169
Омшоқлик ҳақида	170
Қасадгүй ҳақида	171
Омалоқ хат ёзувлығы	172
Адбіркор савдолгар, овсар ўғил ва оқила келин ақида зертак	173
Икоят	180
Ша руҳи (достон)	181

Ғафур Ўулом номидати Адабиёт ва санъат  
нашириёти

*Адабий-бадиий нашр*

**Мирза Қайнаров**

**ДҮСТ ДИЙДОРИ**

Шеърлар, ғазаллар,  
мухаммаслар, дастон

*Мұхаррір Ж. Сүбәқон*

*Рассом М. Карпузас*

Расмлар мұхарріри *А. Бобров*

Техн. мұхаррір *Т. Смирнов*

*Мусақхих М. Насриддинова*

ИБ № 3692

Босмахонаға берилді 22.03.99. Босишига рұксат этилди.  
11.08.99. Бичими 70×90<sup>1/3</sup>, 2-нав босмахона қоғози. Адабий гар-  
нитура. Юқори босма 7,31 шартли босма табоқ. 6,5 нашр  
босма табоги. Жами 1000 нұсха. 1019-рақамлы буюртма. Ба-  
хоси шартнома асосида 4—99 рақамлы шартнома.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ғафур  
Ўулом номидати Адабиёт ва санъат нашириёти, 700129, Тош-  
кент, Навоий кўчаси, 30.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-бос-  
махонасида чоп этилди. Тошкент, 700002, Сағон, 1-бспк кўча,  
2-й.